


R496
2006/2



3002
2



2006/2



ҚУШЛАУФ ТАШРИФ



Баҳор. Бир қарашда сокингина, маъсумгина кириб келаётгандек кўринган бу фасл кўнгилларни, тирик кўнгилларни пўртаналар, вулқонлар билан забт этади. Ва уйғониш фаслига табиат, бутун борлиқ итоаткорлик билан бош эгади.

Баҳор нафасини сезгандан, ҳали дарахтлар қуртакламай туриб, кўнгилда умидлар, янги орзулар уйғонади. Борлиқ уйғонишига монанд уйғонади кўнгил.

Баҳор гўзал исёнлар, уйғониш даъватлари билан ташриф буюради. Дарахт новдаларида маъсум боқиб турган чечаклар, бош кўтарган майсалар, қушларнинг чуғур-чуғурлари, ёришиб турган борлиқ, сўлим оқшомлар кўнгил кенгликларига хурлик, эркинлик эпкинларини олиб киради.

Баҳор муносилик билан ҳеч қандай қийинчиликларсиз борлиқни забт эта, ҳаётнинг, яшашнинг маънисига фақат ҳис қила олиш билангина етишингни тушунтира боради.

Баҳор қуёшининг нурлари вужудингни, ҳисларингни аллалаб ўтганда, кўкламнинг илиқ еллари юзларингга тортинибгина урилганда юрак-юрагингда бир меҳр уйғонаётганини, бу меҳр кўкламнинг сенга бераётган муҳаббати тўфайли туриваётганини ҳис қиласан.

Баҳор — неъмат, эрк, ҳурлик, чин муҳаббатни ҳис қила олган дилларнинг қадрдони. Қушнинг қоронғу қунарида димикқан юраклар баҳор келгач, чин маънода озодлик нафасини ҳис қилади.

Баҳор инсон кўнгида ёруғ умидлар уйғонишидан бошланади. Кўклам — буюк қудратнинг нодир асари. У келганда яшашнинг кераклигини, яшаганда ҳам яхшилик учун яшашнинг кераклигини англайсан. Балки шунинг учун ҳам баҳорни яшаш, яшарини фасли дермиз...

Баҳор — самимият, чексиз самимият. Унга қараб туриб айбларингга, гуноҳларингга тавбалар қилгинг келади. Бу самимият олдида ўзинг ҳатто ўзингга ёлғондек туюла бошлайсан. Ростларга, чинларга, ўзингга, ўзингга қайтинг келади. Бир вужуд Дил, бошдан-оёқ Кўнгил бўлгинг келади. Шу эмасми Баҳорнинг мўъжизалиги?!

Ўзбекистон баҳори. Халқимиз учун кўклам кириб келишининг ўзи бир байрам. Бу фаслда нишонланадиган байрамлар эса ўз маъно-мазмуни билан барча юртдошларимизнинг севимли байрамларидир.

Барчамизга нафосат айёмлари, кўклам байрамлари муборак бўлсин.

Қадамлари қутлуғ келсин қадрдон Баҳорнинг!





ижтимоий-сиёсий, илмий-бадиий, маданий-маърифий, безакли журнал

Журнал 1925 йилдан чиқа
бошлаган

Ўзбекистон Республикаси
Маданият ва спорт ишлари
вазирлиги

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:

Бахтиёр ГАНЖАМУРОД
Хуршид ДАВРОН
Ўткир ЖЎРАЕВ
Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)

Гулистон МАТЁҚУБОВА
Абдулла ОРИПОВ
Баҳром РЎЗИМУҲАММАД
(масъул котиб)

Комил ЮСУПОВ
Комилжон ҚИЁМОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Раҳмон ҚЎЧҚОР
Азамат ҲАЙДАРОВ
Бўлим муҳаррирлари:
Абдурауф РАҲИМҚУЛОВ

Манзура ШАМС
Зумрад ВАҲОБОВА

Фотомухбир
Шавкат ҚАҲҲОРОВ

Саҳифалаш ва дизайн
Дилшодбек АБДУСАТТОРОВ

Навбатчи муҳаррир
З. ВАҲОБОВА

Ушбу сонда:



«КАМОПОТ» —
ЁШЛАР ТАЯНЧИ

БУЮК РУҲ БЕЗОВТА
БЎЛСА...

ЁЗУВЧИЛИКНИНГ
МАКТАБИ ЙЎҚ



ИККИ ҚУТБ
ИСКАНЖАСИДА



МИРЗА ХОЛМБЕКОВ
ВА
"МИРЗО" ТЕАТРИ



ОИЛАДА АЁ
МАСЪУЛИЯТИ



Босишга 28.03.2006 да топширилди. Қоғози 60x84 1/8
Ҳажми 6,0 босма табақ,

Буюртма № 54

Таҳририят манзили: Тошкент — 700029, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Телефонлар: Қабулхона: 136-56-01, Бош муҳаррир ўринбосари: 136-78-90
Масъул котиб: 133-07-94, Факс: 133-08-57

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент, Х.Сулаймонова кўчаси, 33 - уй.

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
091 — рақам билан рўйхатга олинган.

МУҚОВАЛАРИМИЗДА:

- 1-бетда** — Мустақиллик майдони
2-бетда — Ўзбекистон халқ артисти Фароғат Раҳматова ўғли Азим Муллахонов билан
3-бетда — Рассом Нодира Орипова ижодидан
4-бетда — Хонанда Дилдора Ниёзова

Қарши шаҳрининг Искандар Мақдуний юришларигача бўлган тарихи ҳақида маълумотлар жуда оз. Юнон тарихчилари воҳадаги икки шаҳар — Навтака ва Ксениппа ҳақида ёзиб қолдиришган. Тарихчилар улардан бири Кеш ва иккинчиси Нахшаб бўлса керак, деб тахмин қилдилар. Шаҳар дастлаб Қарши шаҳридан 5 километр узоқликда жойлашган Ерқўрғон харобалари ўрнида бўлган. Қадимшунос Рустам Сулаймоновнинг

давом эттириб, Тоҳаристонни ҳам қўлга киритади. Сўғд ҳам, Тоҳаристон ҳам шунгача Эфталитлар давлати таркибида бўлган. Олим Ғ.Бобоёровнинг ёзишича, бу ерда Турк ҳоқонлиги ҳокимияти қарийб VIII асрнинг биринчи чорагигача давом этган.

Араблар истилосидан кейин Нахшаб араб тили талаффузига мослаштирилиб Насаф деб атала бошлайди. Исломи дини билан бирга араб тили ва маданияти ҳам кириб келади. Расмий

дарвозалари деб аталганлиги солномаларда ёзиб қолдирилган. Балх ва Термиздан Бухорога ва Самарқандга йўлга чиққан карвонлар, албатта, Насафда тўхтаб ўтган.

Мўғуллар истилоси пайтида шаҳар тамомила вайрон қилинган. Аммо Қашқадарё соҳилларидаги кўм-кўк водийлар ва атрофдаги чексиз адир ва чўллар катта кўшинни жойлаштириш ҳамда Хуросон ва Эронга ўтадиган йўлни назорат қилиш

НАХШАБ-НАСАФ

2700

ҚАРШИ


ёзишича, Ерқўрғонни икки қатор мустаҳкам девор қуршаб турган. Қазилмалар натижасида шаҳарнинг биринчи девори эрамикдан аввалги VI асрларда тикланганлиги маълум бўлди. Искандар юришидан кейинги даврда шаҳарнинг иккинчи ташқи девори қурилган.

Милодий VI асрнинг 60-йилларида Нахшаб шаҳри яқинида Турк ҳоқонлиги аскарлари билан Эфталитлар қўшинлари тўқнашади. Бу жангда Истами ябғу бошчилигидаги турк аскарлари ғолиб чиқадилар. Сўғд, Хоразм, Уструшона, Фарғона ва Шош воҳалари ҳоқонлик таркибига киради. 567 йилда Истами ябғу сосонийларга қарши ҳужумни

ёзишларда сўғд, хоразм, турк тиллари ўрнига араб тили қўллана бошлайди. Халифаликнинг турли минтақалари ўртасида илмий ва маданий алоқалар кучаяди. Мовароуннаҳрлик талабалар Макка, Мадина, Бағдод, Марв каби шаҳарларга ўқиш учун борсалар, бошқа минтақалардан бу ерга илм истаб келадилар. Буюк Ипак йўлида карвонлар тўтовсиз қатнаб туради. Ана шу карвон йўлининг марказида жойлашган Насаф шаҳри ҳам муттасил ривожланиб боради.

X-XI асрларда Насафнинг тўрт дарвозаси бўлганлиги ва улар Самарқанд, Кеш, Нажжория (Бухоро) ва Губдин

жиҳатидан қулайлиги туфайли Чингизхонга маъқул келган. Шу сабабли у 1220 йил ёзини Насафда ўтказади. Бу аъёна кейинги йилларда ҳам давом эттирилди. Қарши мўғул лашкарбошиларининг қароргоҳига айлантирилди. Мўғул хонлари Кебекхон ва Қозонхон бу ерда ўзлари учун сарой қурдилар. Шаҳардан 2 фарсаҳ нарида қурилган Кебекхон саройидан шаҳарнинг ҳозирги номи пайдо бўлган. Чунки «Қарши» қадимги туркий ва мўғул тилларида «сарой» демакдир. Тарихчиларнинг таъкидича, Қозонхон саройи шаҳардан ғарбга томон икки манзиллик йўлда тикланган бўлиб, Занжирсарой деб атал-



ган. У 1387 йили Тўхтамиш аскарлари томонидан ёқиб юборилган.

Соҳибқирон Амир Темур ўзи таваллуд топган юртининг ободлиги ва фаровонлиги йўлида кўп куч-ғайрат сарфлаган. Жумладан, 1364 йилнинг қишини Қаршида ўтказган. Шаҳар қальасини қайтадан тиклаган. Кейинчалик ҳам ободончилик ишларига, масжид ва мадрасалар, кўприклар қурилишига, янги сув иншоотлари барпо этилишига ўзи бош-қош бўлган.

XVI асрдан бошлаб Қарши Бухоро хонлигининг йирик шаҳарларидан бирига айланган. Эронликларнинг босқинини, ҳокимият учун ўзаро жангу жадалларни кўрган. Шаҳар аҳлининг бу даврдаги ҳаёти кўплаб тарихий солномаларда, Европа ва рус сайёҳларининг асарларида акс эттирилган. Сайёҳ Вамберининг ёзишича, шаҳарда 10 карвонсарой ва анчагина бой бозор бўлган. Қарши ҳунармандлари тайёрлаган буюмлар фақатгина Урта Осиёда харидоргир бўлмай, Эрон ва араб давлатларига ҳам олиб кетилган. Масалан,

пўлатдан ясалган ва дастаси олтин ҳамда кумуш билан зийнатланган пичоқлар чет элларда ўз нархидан 3-4 баробар қимматга сотилган.

«Қарши ёки Нахшаб — ҳажм жиҳатидан анчагина катта шаҳар, — деб ёзади Е.К.Мейендорф «Оренбургдан Бухорога саёҳат» номли китобида, — у Самарқанд ва Бухородан кейинги энг катта шаҳардир. Қарши асосий тижорат йўлида жойлашган. Ҳирот ёки Кобулдан келаётган карвонларнинг бир қисми бу ерда тўхтаб, Бухорога кирмай Самарқандга йўл олади... Қарши атрофидаги дала ва боғларни сугориш учун Қашқадарё сувларидан фойдаланилади. Бу ниҳоятда серҳосил юртдан Бухорога гуруч, пахта ва мева олиб борилади».

Олима О.А.Сухарева 1958 йили «Бухоро хонлигидаги шаҳарлар тарихига доир» номли китобини эълон қилган эди. Унда Қарши ҳақида ҳам кўпгина маълумотлар бор. Жумладан, унда шундай сатрларни ўқиймиз: «Қарши Бухоро хонлигининг иккинчи сиёсий маркази эди: шакланган аънамага кўра, бу ерда Бухоро тахти ворисининг қароргоҳи жойлашганди. Тахт вориси билан бирга Қаршида бек ҳам бўлиб, у жумладан, солиқ йиғиш ишларини назорат қиларди. 1894 йили Қарши вилояти Амир заинасига 1 миллион 800 минг танга ёки 270 минг рубл йиғиб берди. Қарши вилояти манғит уруғи яшайдиган худуд бўлиб, Бухоро амирларининг сўнги сулоласи ҳам шу уруғга мансуб эди. Бухоро хонлигида ҳокимиятни эгаллашда бу сулола ҳамон ўз кучида бўлган қабила-уруғчилик аънааларига биноан кўпчилик қисми Қарши худудида яшаётган ўз уруғдошларининг мадади-

га суялган эди».

1916 йили Қаршида бўлган Л.А.Зимининг ёзишича, ўша пайтда шаҳарда 60-70 минг одам истиқомат қилган. «Шаҳарнинг фаровонлигига эса кенг миқёсли тижорат сабабчи. У буғдой, арпа, жун, ўсимлик ёғи, тери, қуруқ мева ва пахта билан савдо қилади», — дейди у.

Қарши тарихининг ҳали ойдинлашмаган саҳифалари ҳам кўп. Шулардан бири Туркистон жадидларининг машҳур вакили Маҳмудхўжа Бехбудий тақдирини билан боғлиқ. Баъзи маълумотларга кўра, у Бухоро амирининг кўрсатмаси билан 1919 йили Қаршида қатл этилган. Аmmo миллий озодлик ҳаракатининг фаол иштирокчиси бўлган Бехбудийнинг йўқотилишида Шўролар ҳукуматининг қўли бўлган, деган қараш ҳам мавжуд. Нима бўлганда ҳам, Шўролар бу воқеадан амриликка қарши халқ норозилигини кучайтириш воситаси сифатида фойдаланганлиги рост. Шу сабабли Қарши шаҳри 1922-1937 йилларда Бехбудий номи билан аталган.

Қадимги Насаф воҳадаги Кеш шаҳри сингари Мовароуннахрнинг йирик маданий марказларидан бўлган. Бу ерда юзлаб машҳур адиб ва уламолар, тасаввуф шайхлари яшаб ўтган. Улар Қашқадарё воҳасининг турли шаҳар ва қишлоқларида таваллуд топган бўлсалар-да, бу икки шаҳарда таълим олиб, аънамага кўра, Насафий ёки Кеший нисбаларини олганлар.

Қарши шаҳри тарихи ва бу ердан етишиб чиққан алломалар меросини ўрганишда Абдулқарим ас-Самъонийнинг «Ал-Ансоб» номли асари алоҳида ўрин тутди. Мазкур асар қисқартирилган ҳолда 2003 йили «Бухоро» нашриётида чоп

этилди. Илгарироқ, яъни 1993 йили олим Ш.Камолитдинов Ас-Самъоний ва унинг асари ҳақида йирик тадқиқотни эълон қилган эди. Илм оламида бу китобга бўлган қизиқиш бежиз эмас. Чунки унда мусулмон дунёсида, хусусан, Мовароуннаҳрда VIII-XII асрларда яшаб ўтган олимлар, адиблар ва шоирлар ҳақида бой маълумот бор. Унда Насафлик олимларга ҳам кенг ўрин берилган. «Насаф — Мовароуннаҳр шаҳарларидан. Аввалги номи — Нахшаб. Бу шаҳарда қарийб икки ой турдим ва у ернинг кўп олимларидан таълим олдим. Бу шаҳардан ўз фанининг кўп мутахассислари етишиб чиққанлар. Уларнинг саногига етиш қийин», — деб ёзади ас-Самъоний.

Олимнинг қайд этишича, X-XII асрларда Насаф мусулмон оламидаги йирик шаҳарлардан бўлган. Уша пайтда Мадина (йирик шаҳар) номи билан аталадиган 8 шаҳар мавжуд эди. Булар — Мадинаи мунаввара, Бағдод, Исфаҳон, Нишопур, Марв, Бухоро, Самарқанд ва Насаф. «Ал-Ансоб» китобида Насаф атрофидаги 50 дан ортиқ

қишлоқ ва бу ерлардан етишиб чиққан 180 га яқин алломанинг номи қайд этилгани ҳам ўша пайтдаги тараққиётдан нишондир. Китобдаги муҳим маълумотлардан бири Насаф тарихи ҳақида битилган асарларга оид. Унда таъкидланишича, Абул Ҳорис Асад ибн Ҳамдавайҳ ал-Варасиний ан-Насафийнинг «Китаб муфаҳа-рат аҳл Насаф ва Кашш» (Насаф ва Кеш аҳлининг ифтихорлари ҳақидаги китоб), Абу Съяд Абдураҳмон ибн Мухаммад ал-Астрободий ал-Идрисийнинг «Тарихи Насаф», Абул Аббос ал-Мустағфирий Насафийнинг 2 жилдли муфас-сал «Насаф ва Кеш тарихи» номи асарлари худди шу мавзуда бўлган. Афсуски, бу асарлар бизнинг давримизгача етиб келмаган.

Қашқадарё воҳасида яшаган алломалар ҳақидаги яна бир нодир асар — Нажмиддин Насафийнинг кейинги йилларда босилиб чиққан «Самарқандия» китобидир. Унда ҳам ўнлаб Насафий, Косоний, Касбавий, Баздавий ва Кеший-ларнинг номлари зикр этилган. Бу асарлар Қашқадарё адабий ва илмий муҳити тарихини ўрганувчилар учун бой манба бўлиб хизмат қилади.

Қарши аҳли шу кунларда катта тантанага қизгин ҳозирлик кўрмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 сентябрда қабул қилган «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида» ги қарори асосида эски обидалар таъмирланмоқда, кўчалар, хиёбонлар янги қиёфа касб этмоқда. ЮНЕСКО билан ҳам-корликда ўтказиладиган юбилей шодиёнлари қадимий шаҳар довуғини оламга таратади, унинг аҳлига эса ғурур ва куч-ғайрат бағишлайди.

Насриддин
Мухаммадиев

Ҳозирги пайтда беморларнинг ҳар хил рангларни қандай қабул қилишга қараб уларнинг бирор бир муаммоларини — касаллик белгиларини аниқлаш кенг тарқалмоқда. Организм рангларни ҳар хил турдаги электромагнит тўқинларни қабул қилгани каби қабул қилади. Бунга жавобан тана ҳужайраларида маълум миқдорда резонанс содир бўлади.

Қадимда табиблар ранглар ёрдамида киши танасига таъсир ўтказиш мумкин, деб ҳисоблаган ва ҳарорат кўтарилиши билан боғлиқ касалликларга совуқлик таъсирига эга деб ҳисобланган кўк, бинафша ранглар билан, аксинча совуқ таъсирда келиб чиққан касалликларга иссиқлик таъсирига эга деб ҳисобланган сариқ, тўқ сариқ ва қизил ранглар яхши таъсир кўрсатиш мумкин деб ҳисоблаган. Табиблар шиларни яшил ранг ёрдамида, қизариб чиққан шиларни эса қора ранг ёрдамида даволашган.

Қуйида рангларнинг киши танасига таъсирини келтирамай:

Қизил ранг. Бош мия фаолиятини тезлаштиради, ҳис-туйғуларни кучайтиради, иштаҳани очади, қон айланисини тезлаштиради.

Сариқ ранг. Бош мия фаолиятини яхшилаш орқали ақлий толиққинни йўқотиб, унинг фаолиятини яхшилайди. Асаблар толиққини натижасида келиб чиқадиغان безовталиқни йўқотади.

Тўқ сариқ ранг. Ҳис-туйғуларни кучайтириб, қувноқлик пайдо қилади. Ижобий қувват беради. Камқонликни даволашда ёрдам беради.

Яшил ранг. Ҳис-туйғулар ва хатти-ҳаракатларни меъёрлаштириш — назорат қилишга ёрдам беради. Шунингдек, юрак фаолиятини меъёрлаштиради.

Ҳаво ранг. Уйқусизликни олади. Ёмон фикр ва ҳис-туйғуларни йўқотади. Оғриқларни камайтиради.

Кўк ранг. Қўрқинч ва безовталиқни йўқотади. Асаблар таранглигида ёрдам беради.

Бинафша ранг. Асаб толарани оғриқларида фойда қилади. Тўқима ва аъзолар чидамлилигини оширади.

Мунажжимлар бурж белгиларига қараб, қуйидаги ранггади кийимларни танлашни тавсия қиладилар:

- Қўй — қизил
- Бузоқ — сариқ
- Этизаклар — сариқ
- Қисқичбақа — яшил
- Йулбарс — сариқ ва тўқ сариқ
- Паризод — тўқ кўк ва сариқ
- Тарози — тўқ сариқ
- Чаён — қизил
- Ўқ-ёй — қизил ва тўқ сариқ
- Тоғ эчкиси — тўқ яшил
- Қовға — кўк
- Балиқ — яшил





АЛИШЕР НАВОЙНИЙ ВА МАЖНУН ВА МАЖНУН

Табиийки, шоирлар қалби табиатдаги турли-туман ҳодисаларни, манзараларнинг инсонларни завқлантирувчи мафтункор гўзалликларини, ўсимликлар дунёсидаги теран маънадорликни ҳаммадан тезроқ ва назикроқ ҳис этишади. Буюк ўзбек мутафаккири Алишер Навоийнинг «Ҳамса» дostonида ва улўғвор лирикасида табиат оламидаги рангоранг мўъжизаларнинг қирраларини зукколик билан кўра олиш, табиатни англаш ва изоҳлашнинг ажойиб намуналарини кўрамиз. У қуёш нурларининг ҳиди ҳақида ҳам гапирди. Чунончи, шоир «Ҳайрат ул-аброр» дostonида табиат оламининг мукам- мал тўзилишини яхлит космогоник назарни сифатида талқин этади. Табиий ҳодисаларнинг ижтимоий мазмунини очиб беради. «Садди Искандарий» дostonида шоир бутун табиий олам сирларини, ҳатто океан ости мавжудотларининг яшаш усулини билишга, ўрганишга аҳд қилган идеал қахрамон — илмпарвар шох Искандар образини яратади. Искандар табиатнинг чексиз сирларини ўрганиш учун ҳар қанча машоққат, мушкулликлар азобини тортишдан қайтмайди.

Шоир «Лайли ва Мажнун» дostonида табиатни шу қадар нафис бўёқлар билан тасвирлайдики, гўё сўз санъатининг ўзи ҳам табиат мўъжизасига айлангандай, инсон қалбини ажойиботлар дунёси билан бойитади.

Навоий «Сабъайи сайёр» дostonида табиатнинг мукамал тартибини кўпол равишда бузиб, ҳайвонот ва ўсимликлар оламини вайрон қилиш инсонлар учун дахшатли оқибатлар келтириши муқоррор эканлигини ёрқин бадияят билан тасвирлаб беради. Навоий асарларидан қуйида келтирилоётган айрим парчалар Фафур Гулом номидagi адабиёт ва санъат нашриётида Абдуқодир Ҳайитметов, Иноят Махсум, Ноим Норқулов, Ваҳоб Раҳмоновлар тайёрлаган насрий оммабо наршрдан олинди.

...Қора тупроқ тун қоралиги қолдикларини тонг сўпургиси билан тозалади. Осмон шу лаҳзага қадар ер юзига қора мушк зарраларини сепиб келган бўлса, ўша мушк устига хушбўй оқ зарраларни сепа бошлади. Нилуфарий осмон тепадан шобнамлар ёғдира бошлаганда, сахар боғида сариғ лола очила бошлади [яъни қуёш чиқа бошлади]. Қора рангли қаттиқ оғоч-обнўсдан ясалган панжара (тун) оқ сўнғакка айланиб, сариғ манқалдан ўт сочила [яъни

тонг ёришиб, қуёш нури тарала] бошлади. Қуёш ўтида зулмат туни қуйиб, юлдузлар учқуни ҳаво бўйлаб учиб кетди. Тун товусидан жилва йўқолиб, унинг гуллари оинаси ҳам йилтирашдан тўхтади.

Шу пайт йўқлик шомидан Инсон кўз очиб, тонг ели етказган хабардан жон топди. Мавжудлик шабадоси димоғига урилиб, йўқлик шомини тутундек ҳайдаб юборди...

Шундан сўнғ у даст ўрнидан туриб, бир-икки қадам юрган эди, олдида Эрам боғи пайдо бўлди. Бу Эрам боғими ё самовий гулшанми? Самовий гулшан ҳам эмас, жаннат боғининг ўзи. ...Ундаги сарвлар бўйдор ва зангорранг, ҳар бири бамисоли осмон саройининг битта устўни. Чинорларининг зулмидан қуёш азобда, панжалари қуёш панжасидан зўр. Шунинг учун, бу қийинчиликдан қуёш ранги сариқ, қайноқ охлари билан айлана-қуйган. Сандалининг ...муаттар исидан сув гулобга айланади, сояси эса тупроқни тоза мушкка айлантиради. Теракларнинг оплоқ танаси қумушга ўхшади; фир-ғир эсиб турган шабада унга гард ҳам кўндирмайди. ...Сарв ва оқтерақларнинг сафи узилмай чўзилиб кетаверади. Оқтерақлар сарвларнинг қаматини кўриб ўз қаматининг норасолигидан хижолатда.

Қизғи шукни, сарвнинг бошида гуллар очилиб, ҳатто тўқилиб, тағларига тушиб ётибди. Бунда ўсган кўкатлар зумрадга, тўқли тўғмалари эса забаржадга ўхшади. Ҳар томонда биттадан шишаранг ҳовуз, лекин бу ҳовузарнинг оинасини намликдан занг босмаган, тиниқ. Уларнинг оинасида жон сурати жимирлаб жилва қилади; унга оқиб келиб қуйиладиган ориқни эса шу оинанинг достаси деса бўлади. Бу ориқ сувидан инсон руҳи озиқ олади; остидаги майда тошлари худди лалъ ва ёқутга ўхшади. Тув гўё гулнинг оёғига бош қўйгандек, бошини эмас, кичик тошларни унинг оёғига ҳалқо қилиб тақиб, безоб қўйгандай.

Гул гўнчалар парда орқасидаги қизлардай; уларнинг бахт или тўғунлари хали ечилмагандай. Гулларнинг энг гўзали ҳамма кўриши учундир. ...Шабнамдан дурлар пайдо бўлиб, шабада эъсиши билан гул баргларида кумуш тангалар тўқилоди. Гўё кўзуда мошўқоннинг юзи ва сабза туқлари кўрингандай, сув юзюда кўкатлар ва гуллар акси кўринади...

(Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» дostonидан)

**Маҳкам МАҲМУД,
Фаҳриддин ЙЎЛДОШЕВ**

Республика «Камолот» Ёшлар Ижтимоий Ҳаракати Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Қаҳрамон Қуранбоев билан суҳбат.

— Қаҳрамон ака, Ҳаракатнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари ҳақида нима-лар дея olasиз?

— Ўзбекистон Республикаси «Камолот» Ёшлар Ижтимоий Ҳаракати ташкил этилгандан сўнг, республикамиздаги минглаб ёшларни ўз атрофига жипслаштирди. Ҳаракатнинг ўз механизми мавжуд. «Камолот» Ёшлар Ижтимоий Ҳаракати хомийлигида «Камалак» болалар ташкилоти, «Сардорлар» Кенгаши ташкил этилди. Республикамиздаги ҳар бир мактабнинг ўзидан сардор сайланиб, туман, шаҳар, республика «Сардорлар» Кенгаши фаолият юритмоқда. Бизнинг бош мақсадимиз ёшларнинг манфаатларини химоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

— Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини, сиёсий фаоллигини ошириш борасида қандай ишлар олиб борилапти?

— Ишни, аввало, мамлакатимиздаги сиёсий партиялар, нодавлат ва ношароат ташкилотлари фаолиятлари билан ёшларни таништиришдан бошладик. Ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида сайловларда иштирок этишларига яқиндан ёрдам берилди. «Камолот» ЁИХнинг бевосита ташаббуси билан жойларда ТДЮИ, ЎЗМУнинг талабаларидан иборат тарғибот гуруҳлари ташкил этилиб, «Янги Парламент — менинг келажгим», «Мен сайловга тайёрманми?» мавзусида суҳбат-марафонлар ўтказилди. Барча сиёсий партиялар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган ва ёшларимиз ўзлари истаган партия сафига киришлари мумкин.


Хуқуқий саводхонликни ошириш масаласи — энг долзарб вазифалардан бири. Агар бугуннинг ёшлари ўзларининг шахсий ҳуқуқларини химоя қила олмас эканлар, эртага улар жамиятни ҳам химоя қила олмаслиги аниқ. Уларнинг ҳуқуқий онг ва саводхонликларини ошириш мақсадида турли давра суҳбатлари, семинар-тренинглари, «Сиз қонунни биласизми?» каби қўриқ-танловлар ёшларимизга

маънавий жиҳатдан сабоқ бўлиб бораётир.

— Ёшларни замонавий касб-ҳунарга ўргатиш, иш билан таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик қобилиятларини юзага чиқаришда «Камолот»нинг ўрни қандай?

— Ҳозирда иқтисодий тизимнинг асоси бўлган тадбиркорликка, ишлаб чиқаришга жуда катта эътибор берилмоқда. «Камолот» ЁИХ ҳам ер олиш, рўйхатдан ўтказиш ва бошқа манфаатларни химоя қилиш бўйича шу кунга қадар 2742 нафар ёш тадбиркорларга, ўрта ва кичик бизнес субъектларига кўмак берди. Ишлаб чиқариш, ҳунармандчиликни ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатаётганлар тақдирланди.

Ишсизлик масаласига келсак, Ҳаракатнинг бевосита саъй-ҳаракати туфайли 13918 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди. Ўтган 2005 йилда ёшларнинг ишсизлик масалаларини ҳал қилиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш мақсадида жойларда марказлар ташкил этилди. Улар компьютер, интернет, бичиштириш цехлари, тренажёр зали



“КАМОЛОТ” — ЁШЛАР ТАЯНЧИ



ва бошқа хизматларни ўз ичига олган. Асосийси, бу маркалар ўз фаолиятини бепул тарзда амалга оширади. Марказлар ташкият этилмаган туманлар ҳам бор, бунга эса ўша туман ҳокимлари, мутасадди раҳбарларининг кўмаги зарур. Бино ажратилса ва уни таъмирлаб берилса бас, “Камолот” марказдаги хизмат қилаётган кадрларни ойлик билан таъминлашни ўз зиммасига олади.

— **“Камолот” Ёшлар Ижтимоий Ҳаракати ўз олдига қўйган мақсадларига тўлақонли тарзда эришди, деб ҳисоблай оласизми?**

— “Камолот” ёшларимизнинг суянчи сифатида ўз ўрни ва мавқеига эга. Ҳаракат ташкил топганига эндигина беш йил бўлди. Лекин шу қисқа муддат ичида ёшларимиз орасига кириб бора олдик, уларнинг орзу-умидлари, интилишлари, қизиқишлари билан ўртоқлашдик ва мадад бердик. Бир сўз билан айтганда, Ҳаракат ёшларнинг чинакам таянчига айланди. Андижон, Қашқадарё вилоятларида қайсидир маънода кадрларнинг тажрибаси етишмаётганлиги, жойлардаги раҳбарларнинг лоқайдликлари билан, мақсадларимизга тўла етиша олдик, деб айта олмаيمиз. Бу муаммоларни ҳал этиш мақсадида алоҳида дастур тузиб, камчиликларни бартараф эттишга бор куч-ғайратимизни сарфлаяпмиз.

— **“Камолот”нинг халқаро ҳамкорлик фаолияти ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

— Биринчи навбатда, мамлакатимизда фаолият юритаётган халқаро ташкилотларнинг, ЕХХТ Тошкент маркази ва бир қатор давлатларнинг мамлакатимиздаги элчионалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Миср Араб Республикаси, Озарбойжон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерациясининг Ёшлар ташкилотлари билан ўзаро тажрибалаб алмашиб борилмоқда. «LG» компаниясининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ўзаро ҳамкорликда танловлар ўтказилиб, компания томонидан иктидорли талабаларга грантлар ажратилмоқда.

— **Ҳаракат таркибида ва унинг ҳомийлиги асосида тузилган, ўзингиз раислик қилаётган “Камалак” болалар ташкилотининг мақсад ва вазифалари хусусида ҳам айтиб ўтсангиз.**

— «Камалак» болалар ташкилоти ташкил топган кунидан бошлаб, жамиятимиз ижтимоий, маданий, маънавий ҳаётида янги бунёдкор куч сифатида намоён бўлаяпти, турли соҳаларда амалга ошираётган ишлари билан кўзга ташланмоқда. «Камалак» болалар ташкилотига 7 дан 14 ёшгача бўлган болалар бирлашадилар. Асосий мақсад уларда Ватанга муҳаббат, келажакка умид

ва ишонч тўйгуларини мустаҳкамлаш, бунёдкорлик ишларини ривожлантириш борасида ёшларни роғивий ва ташкилий жиҳатдан бирлаштиришга қаратилган.

— **Юртимизда ёшлар учун яратиб берилган ёшлар улкан имкониятлар, шарт-шароитларга нисбатан улар муносиб тарзда жавоб бера олишмаяптими?**

— Жавоб аввалида Юртбошимизнинг куйидаги фикрларини келтирмоқчиман: «Бир сўз билан айтганда, биз фарзандларимизга билим ва касб чўккиларини забт этишда қанот беришимиз керак». Албатта, бу борада ҳукуратимиз томонидан жуда кўп эзгу ишлар амалга оширилди. Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш учун Давлат мукофотлари таъсис этилди. Юртимизда ёшларимизнинг камолотга эришишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё экан, Ўзбекистон ёшлари ҳар бир ишда “Камолот” га камарбаста бўлса, ташаббуслар билан чиқишса, биз албатта, қўллаб-қувватлаймиз.

— **“Камолот” Ёшлар Ижтимоий Ҳаракати фаолиятини янада кенгайтириш йўлида қандай тадбирлар режалаштирилган?**

— Маълумки, “Камолот” Ёшлар Ижтимоий Ҳаракати ҳар беш йилда Қурултой ўтказиб келади. Жорий йилнинг биринчи ярим иллингидан навбатдаги Қурултойни ўтказиш режалаштирилган. Низом ва Дастуримизга ўзгартиришлар киритиш мўлжалланган. Ёшларимизнинг маънавий, жисмоний, аклий жиҳатдан етук бўлишлари, уларнинг қалбида ватанпарварлик, аждодларимизга ҳурмат тўйгуларини уйғотиш роғлари билан уйғунлашган 2006-2011 йилларга мўлжалланган Дастур ишлаб чиқилмоқда.

Ҳар бир йигит-қиз ўз келажагининг яхши бўлишига интилса, виждонан меҳнат қилса, Ҳаракат ривожланади ва ўз атрофига янада кўпроқ ёшларни бирлаштиради. Бунинг учун эса ёшларимиздан шижоат талаб қилинади. Шукурки, атрофимиздаги ёшларнинг юраклари хамиша яратувчанлик ҳислари билан уйғок. Эзгу ишлар, юксак мақсадлар йўлида бирлашиб ҳаракат қилаётган Ўзбекистон ёшларининг келажаги ойдин ва нурли. Биз бунга ишонамиз ва бу йўлда ёшларимизга қанот, суянч бўламиз!

Суҳбатдош
Маҳфуза ЙЎДДОШЕВА



ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИ ВА МУСИҚА ФАНИ



Ўзбекистонда инсон маънавий ҳаётини шакллантириш мақсадида музиканинг маданий ҳаётга чуқурроқ кириб боришига кенг микониятлар яратилмоқда.

Қадимий ва бой таърибга эга ўзбек миллий муסיқа маданияти асрлар давомида сайқалланиб келган. Бу мактаблар фаолияти мазмунида инсоннинг дунёга келишидан кетишигача умри давомида муסיқа ҳақиқий тарбия воситаси эканлиги ўз ифодасини топган. Музиканинг сўз санъати билан боғлаб ўрганилганлиги амалиётда ўз самарасини беради.

Муסיқа тарбияси, албатта, таълим методикасига бевосита боғлиқ. Муסיқа тарбияси методикаси тарбия муассасаларида нафосат, муסיқашунослик физиология, рухшунослик фанларининг умумлаштирилган таърибларига таянади. Методиканинг фан сифатида ривожланиши жамиятда маориф ва муסיқа санъатининг такомиллашиб бориши билан бевосита боғлиқ.

Муסיқани онгли идрок этиш ўқувчилар маънавий дунёсини бойитишда ёрдам беради. Уларнинг муסיқий дидлари тарбияланиб боради. Бадний ва техник босқич принципи асарни бадний ва ифодали ижро этишни талаб этади. Ўқувчиларнинг куйлаш малакаларини шакллантиради. Муסיқа методикаси тарбия жараёнида кўпгина омилларга боғлиқ. Кишиларнинг муסיқий маданияти фақатгина мактабнинг таъсири остидагина шаклланмайди.

Муסיқа дарсларидан ташқари муסיқа машғулоти, синфдан ва мактабдан ташқари ишлари тўғрақлар, байрамлар, эрталикларни ўтказиш киради. Муסיқа тарбияси методикаси муסיқа фанига яқин бўлган адабиёт ва таъсирий санъат, тарих билан боғлиқ ҳолда ўрганишни тақозо этади. Бу эса ўқувчиларни ҳар томонлама тарбиялашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Чунки ўқувчиларнинг оммавий тарзда дарсга жалб этилиши, мактабда муסיқа фанини бошқа фанлар билан боғлаб ўтиш уларнинг ҳамма фандан эстетик завқ олишини таъминлайди. Энг муҳими, муסיқа болаларнинг ақлий, ахлоқий сифатларини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Муסיқа ақлни пешлаб, тафаккурни чархлайди. Муסיқа дарслари ва машғулотларда ўқувчилар тарбия ва миллий маданиятимизни ўрганиб, билим савиясини кучайтириб боришга эришади.



Муסיқа тарбиясининг концепциясида мактабда муסיқа бошқа фанлар қатори ўзига хос аҳамият касб этади. Муסיқа таълимини сифатли босқичга кўтариш учун у мактабларда тенг ҳуқуқли фан ҳисобланиб, ўқув режалари ва дастурда ёзма ишлар, оралиқ назорат жорий этилиши хусусида фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Бу эса ҳозирги замон ўқувчисидан дарс машғулотларига ижобий муносабатда бўлишни, улардан муסיқий фаолликни оширишни талаб этади. Муסיқа дарс машғулоти сифатида ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятларни эса ҳар бир ўқитувчи билиши керак.

Биринчидан, муסיқа тарихи назариясига, ижрочиликка доир турли намуналардан айрим машқлар, муסיқа саводи машғулоти, муסיқа тинглаш, муסיқа таълими ва адабиёти, болалар қолғу асбобида қалиш, ритмик ҳаракатлар бажариш элементлари киради.

Иккинчидан, муסיқа бошқа санъат турларидан ўзининг ифода воситалари билан фарқ қилади. Агар бадний адабиёт сўз билан, тасвирий санъат ранглар билан, рақс ҳаракатлар билан ифодаланса, муסיқа товушлардан вужудга келган оҳанг воситаси билан ифодаланади.

Учинчидан, муסיқа болаларда фаол хиссий таъсир кўрсатиб, ижобий кўрсатмалар, кечинмалар уйғотади. Умумий ўрта таълим мактабларида муסיқа маданияти фани бўйича дастурда бир дарснинг ўзида таълимнинг муסיқа тинглаш, жамоа бўлиб куйлаш, муסיқа саводхонлиги, болалар қолғу асбоблари ва ритмик ҳаракатлар бажариш, муסיқа ижодкорлиги каби босқичлар бири бири билан боғланиб яхлит ҳолда амалга оширилиши назарда тутилиши керак. Замонавий машғулотларда муסיқа идрокки етакчи фаолият сифатида муҳим рол ўйнайди.

Шундай қилиб, муסיқий таълим ва тарбиянинг мақсад ва вазифаларини фидокорона англаб, тўғри амалга ошириш лозим. Бу ўқувчиларнинг маънавиятини шакллантиришда самарали ижобий таъсир кўрсатади.

Олим ФАЙЗИЕВ,
Навий Давлат педагогика
институтининг профессори

БҮЮК РҲҲ БЕЗОВТА
БҮЛСА...



Бу фоний дунёда яшаб турган ҳар бир инсон вақти келиб боқий дунёга кетгач, бу фоний дунёда нималар бўлиши, бунда қолганлар у ҳақда қандай ўйлашлари ҳақида фикр юритади. Чунки қурилган иморатлари саройлар, кўприклару раволтар давр тегириғонига бардош беролмай, йўқ бўлиб кетади. Фақат қилинган эзгу ишларгина афсоналарга айланиб, тилдан-тилга, элдан-элга кўчиб, инсоният тарихида абадий қолади. Одиқ подшоҳлару амирларин, уламо-ю юртбошиларини халқ доимо эслаб, хотираларини эъзозлайди. Золимларни эса...

Қадимий Миср моликлари у дунёда тинч ётиш мақсадида ўз жасадлари билан бирга ҳарбий саркардалар, тан махрамлари ва хизматкорларини, бола-чақаларини қўшиб кўмишларини васият қилганлар. Қадимий Эронда белгиланган қатъий тартиб бўйича аҳмоний шохлар жасади чиқиб бўлмас қояларда ўйилган ғорларга яширилган, йилдаб соқилар томонидан кўриқланган. Етти иқлим ҳукмдори Искандар Зулқарнайн ҳам кунни битгач, унинг хокини нима қилишлари ҳақида хавотир билан ўйлаган. Шунинг учун у жасадини инсон қадами етмайдиган ер топиб, ўша жойга кўмишни васият қилган. Вақти келиб, Бобилда ўлгач, Ефрат дарёси ўзанидан бир ёлғиз орол топиб, Искандар жасадини ўша ерга кўмишган. Аммо орадан бир ой ўтгач, Искандар қабри зиёратига келган онаси Олимпиада ўғлининг гўри поймол қилиниб, жасади ўғрилдангидан қаттиқ қайғуради. Тириклигида ярим дунёни ларзага солиб, ўзини «Худонинг ўғли» деб юрган Искандарнинг жасади айтишларича, ерга кўмилгани ҳамоно юнонистонлик душманлари томонидан оёқости қилиниб, ёқиб юборилган. Ўзидан олдин ўтган ҳукмдорлар жасадларининг хўрланиб, қабрлари топталганидан бохабар Чингизхон ҳам шундай васият қилган экан: «...Жоним танимни тарк этгач, даштдан бир катта текис ер топиб, жасадимни ўша ерга кўминглар. Кейин ўн уюр йилқи гўрим устида уч кун югуриб, пайҳон қрилиб ташласин». Фарзандлари ота амрини бажаришган. Ўн минг асов мўғул тулпорлари уч кун бетўхтов чолиб, кенг майдонни остин-устин қилиб ташлагандан сўнг, Чингизхоннинг жасади ернинг қайси қатламида қолиб кетганини хоннинг душманлари у ёқда турсин, ҳатто фарзандлари-ю яқин ёронлари ҳам билолмай қолишган. Қорақурумнинг Чингизхон кўмилган деб гумон қилинаётган ўша катта майдонда биронта гиёҳ ўсмас эмши, парранда-ю тирик жониворлар эса ўша ерни четлаб ўтаркан.


Соҳибқирон Амир Темур ҳам ўз шахси келажак авлодларда катта қизиқиш уйғотишини сезгандек: «...Бу ёки у дунёда

менинг тинчлигимни кимки булза, шармисорлик ва ўлимга маҳкум бўлади», — деган экан.

Аммо авлодлар Амир Темур гўрнини очиб, унинг руҳи тинчлигини бузишди. Улуғ жаҳонғирнинг тинчини бузишга биринчи бор 1739 йили Эрон шоҳи Нодиршоҳ журъат этди. У 1736 йили Эрон тахтига ўтиргач, бирин-кетин кўп давлатларни босиб ола бошлади. У ҳатто Бобурнинг Ҳиндистонда тузган Улуғ Империясига ҳам зарба бериб, инқирозга итарди, Хоразм ва Бухоро хонлиқларини босиб олди, Самарқандни забт этиб, вайрон қилди. Эрон шоҳи ўзини жаҳондаги ягона шоҳ, жаҳонғир деб ҳис этарди. Соҳибқирон Амир Темур яратган улкан мамлакатнинг пойтахти бўлиб, Европада «Шарқ дурдонаси», «Жаҳон пойтахти» номлари билан шуҳрат қозонган афсонавий Самарқандни қўлга киритганлигининг далили сифатида «Гўри Амир» мақбарасидан Темурнинг қабртошини олиб, Эрон пойтахти Машҳадга элтишга фармон берди. Бу ҳақда Нодиршоҳ саройининг йилномачиси шундай ёзди: «Жаҳонғиршоҳ томонидан фармон бўлдики «Амир Темур Кўрагон қабри устига ёпилган яхлит яшимдан (русча «нефрит») иборат бўлган қабр тоши ва ҳукмдорнинг хотини, улуғ малика — Бибиҳоним масжидидаги икки табақали куйма темир дарвозани замбарак аравасига ортиб, муборак Машҳад шаҳрига олиб борилсин». Бажарилиши шарт бўлган ушбу фармони олийга биноан Зоти Олийнинг қуллари ўша тош билан дарвозани Машҳад шаҳрига келтиришди. Нодиршоҳ келтирилган дарвоза билан қабр тошини кўздан кечираётиб, бирдан ранги ўчди, хаёлга чўмди. Кейин улуғ Амир Темурнинг руҳи тинч бўлсин ва уни Аллоҳ раҳмат қилсин, деб тиловат қилдида, шундай деди:

— Чарх худди бир копток мисол энди менинг қўлимда айланмоқда. У яшимдан ўзига тобут қилдирган бўлса, биз бир қалқонни бухорий қизил олтиндан ясагириб, устини Темурийлар хазинасидаги жавоҳирлар билан безаймиз! Пойтахти-миздаги муқаддас бинолардан бирининг деворлари-ю пойгагини шу яшим қабртоши билан қоплаймиз!»

Темурнинг қабртоши тақдирини жуда қизиқ кечган. Жаҳонда ягона бўлган бу антиқа яшим Хитой императорининг саройида муқаддас тош сифатида сақланиб келган. Узининг галдаги бир босқинида Чингизхон бу тошни қўлга киритиб, ўз пойтахтига олиб кетган. Чингизхоннинг ўлимидан кейин, тош Чигатой исмли иккинчи ўғли ва унинг авлодларига мерос бўлиб ўтади. Чигатойнинг эвараси Кобен 1309 йили ўз пойтахтини Нахшаб (Қарши)га кўчирди. Унда муҳташам сарой барпо



этиб, унинг асосий залига гўзал тахт қўйдирди. Бу улкан тахт Хитойдан Чингизхон келтирган худди ўша тўқ яшил яшим тошидан кесилган эди. Шундан бошлаб Наҳшаб Қарши деб атала бошлади.

Уз вақтида бу ажойиб тахт тўғрисида Амир Темур ҳам старлича хабардор бўлган, ammo унинг қардалиги ҳақида аниқ маълумот топа олмай қийналган. Ниҳоят, тахтнинг Қаршида, хон саройидалигидан хабар топган Темур Қаршини қамал қилиб, бу ғаройиб тахтни Самарқандга олиб кетмоқчи бўлади. Бироқ хон саройидан уни топа олмайди. Чунки тахтни мўғуллар яширишга улгуришган эди. Темурнинг ўлимидан кейин Қарши яна мўғуллар қўлига ўтиб, Мовароуннаҳрнинг кичик бир қисмида, то 1425 йилгача Темурнинг суйган набираси — Султон Улугбек жанг билан Қаршини яна қайтариб олгунга қадар ҳукмдорлик қилишган. Ана шунда, тўсатдан бостириб, хон саройига кириб келган Улугбекнинг кўзи ўша машҳур тахта тушади. Шунда унинг буйруғи билан бу афсонавий тахт Самарқандга келтирилиб, ундан улуг бобосига қабртош ясатирилди.

Узини замонанинг улуг жаҳонгери деб ҳисоблаган Нодиршоҳ соҳибқирон Амир Темурнинг гўрнга дахл қилганидан пшаймон бўлади. Чунки таъсирчан шохнинг қулгоғига Амир Темур ўлими олдидан айтган ўша башоратни етказишганди. Қабртошнинг устига араб имлосида жула нафис қилиб Султон Улугбек томонидан ёздирилган кўйидаги сўзларни ўқиганида эса бўшашиб кетган Нодиршоҳнинг қўлидан олтин коса ерга жаранглаб тушиб кетган. Тошда эса: «Бандасига галаба, голиб жангчиларга ҳурмат, енгиланларга сабрни ато этган Аллоҳга шукроналар бўлсин. Ла илаҳа иллаллоҳу Мухаммадур расулуллоҳ. Фолибларга ўлжа, ёвузларга ўлим. Аллоҳ доимо ўз бандасини қўллайди, ноҳақни жазолайди. Бу тошни Авидан хони Дава Сажан ўз пойтахти Қаршига келтирган. Султон Улугбек Кўрагон Жетига юриш қилганида тошни Самарқандга олдирган» деб ёзилган эди.

Бир кун Нодиршоҳнинг тушида Амир Темурнинг пири Саид Бараканинг оқ кафанга ўралган арвоҳи намоён бўлади. Улуг амирнинг гўрнини оёқости қилгани учун Нодиршоҳни даҳшатли фожеа ку-

таётганини айтади. Кўрқиб уйгонган шаҳаншоҳ орта саҳарлаб мунажжимо ромчиларни саройга йиғиб, ўзининг юлдуз буржи ҳолатини аниқлатади. Нодиршоҳ ишонган сарой уламолари бир оғиздан «улуг соҳибқирон Амир Темурнинг қабртошини яна жойига қайтариб қўйишни» маслаҳат беришиб, шох буржига мос бўлган барча жаҳоирларнинг қудрати шох бошига келатган фалокат олдида ожиз эканлигини айтишади. Бу ҳақда сарой тарихчиси шундай ёзади: «Мажлисдан қўти учган Нодиршоҳ Амир Темур қабртошини бекатмабек элтиб, ҳеч қарда тин олмай, Самарқандга етказилсин ва эҳтиётлик билан ўз жойига қўйилсин деб фармон берди».

Фармонбардор мулозимлар худди шох айтганидек қилишибди, ammo кеч бўлган, мағлубият кўрмаган ҳарбий саркарданинг оғохлантириб айтган муқаддас гапи кучга кирган эди. 1747 йили мамлакатда кўтарилган катта қўзғолонни бостириш учун шахсан ўзи сафарга чиққан Нодиршоҳни Хабушон атрофидаги қароргоҳда қўшин қўмондони, ҳиротлик афгон Аҳмадхон Дурра ваҳшийларча ўлдирди.

Амир Темур қабртоши қарғишга учраганлардан иккинчиси Сталин эди. У амир мақбарасини очиб тўғрисида махфий фармон беради. Махфий буйруқ дараги шу буйруқ асосида тузилган махсус комиссиядан ҳам олдин Самарқандга етиб келиб, самарқандликларни қаттиқ безовта қилиб қўйди. Шаҳар оқсоқаллари бошчилигида бир гуруҳ шохарликлар Гўри-Амир мақбарасини ўраб олиб, комиссия аъзоларини соҳибқирон ҳокига тегмасликни илтимос қилишди. Улар Амир Темурнинг ўлим олдидан айтган сўзларини эслатишган. Ammo комиссия аъзолари «доҳий»нинг буйруғини бузолмас эдилар. Бошқа томондан эса, археолог М.Массоннинг гаплари қанчалик ҳақиқатга яқин эканлигини аниқлаш истағи олимларга тинчлик бермас эди. Электромагнитли текирив хулосаларига асосланиб, М.Массоннинг таъкидлашича, Амир Темурнинг жасади шерозлик уста томонидан ясалган темир тобут ичига қўйилган экан.

Қабрни тунда хуфёна очишга киришилган. Аини шу вақт — 1941 йилнинг 22 июни, саҳар соат 5 да фашистлар Германияси «Барба-

росс» операциясини бошлаб, Совет чегараларини бузиб киришади. Гўри-Амирнинг пастки босқичига биринчи бўлиб тушган машҳур мусаавир ва археолог Герасимов жаҳонгирнинг бош суягини тезроқ кўришга ошқар эди. Комиссия аъзоларининг хаёлларидан ўша пайтда қандай фикрлар ўтганидан қатъий назар, бу тоғ 1941 йилнинг 22 июн саҳари инсоният тарихига муҳдиш дақиқа, қонли аломат бўлиб кирди.

Очилган қабр олимлар асослаган барча «илмий тасдиқларни» чиппакка чикарди. Темур жасади темир тобутда эмас, балки оддий ёғоч тобут ичиде ётарди. Нима сабабдан ва қандай манба таъсирда қабр атрофида кучли паромангитли майдон ҳосил бўлмоқда эканлиги аниқланмай қолди. Балки бу Амир Темурнинг ўзидан чиқаётган кучли биологик майдондир?

Улуг жаҳонгир томонидан олти аср бурун айтилган муқаддас гапга аҳамият ҳам бермаган И.Сталиннинг жасади хонасидан топилиди. Унинг юзиде қоғиб қолган сирли ифода, сунгити ондаги фалати ҳолати турли ўйларга, ҳар хил фикрларга оқиб боради...

Қабрни очишда иштирақ этганларнинг тақдирини ҳам сирли кечди. Улар олдинма-кетин, қизик ҳолатларда, арзимас баҳоналар билан оламдан ўтиб кетишди. Уларнинг барчалари ўз хотираларида ёзишларича, ўша машғум кечада қон босимлари ошиб, юрак уришлари тезлашган, бошлари оғриган, тана ҳарорати кўтарилган. Уруш бошланган дастлабки уч кун ичиде И.Сталиннинг ҳеч кимга қўринмай, яқкалданли қоллиши ҳам бежиз эмасдир?! Кўпчилик олимларнинг фикрича, ҳамма маълум даражада намоён бўладиган махсус қувватга эга бўлиб туғилар экан. Бу қувват улуг одамлар, буюк даҳоларда кучлироқ намоён бўлар экан. Ушбу қарашда жон бордай. Амир Темур ҳам сўзсиз шундай қувватга, кучли биологик майдонга эга бўлган шахс. Негаки, ҳозиргача ўлчам асбоблари Темур гўри олдиде кучли паромангит майдони борлигини кўрсатмоқда. Борди-ю, бошқа мақбараларда ҳам шундай қузатувлар олиб борилса, нималарнинг гувоҳи бўлардик?! Балки Табиатнинг сирли сандинги очувчи калит айнан шундандир?

Аъзам АЗИМИЙ



Пойтахтимиз метрополитен бекатларидан ва Бош кўчалардан бирига академик Хабиб Абдуллаев номи берилган. Ҳатто 1992 йилда Президентимиз қарорлари билан Ҳ.М.Абдуллаев номидаги медал таъсис этилди. Хабиб домлани юртимизнинг зиёдилари яхши билишади. Мустақиллигиниз туфайли устознинг номлари тикланди, тез-тез эсланадиган бўлди. У киши ҳақида кўплаб мақолалар, ёднома, очерклар ёзилди. Асарлар битилди. Мақсад, бугунги кун ёшлари мустабид тузум даври мураккабликларига қарамай, юртимизнинг фидойи, жонкуяр, садоқатли фарзандлари ҳақида кўпроқ билсалар, ўргансалар, хулоса чиқарсалар...

Мен геолог, академик Хабиб Абдуллаев ҳақида “Устун” номли хотира-роман ёзиш жараёнида у кишини билган, кўрган, суҳбатда бўлган кўп кишилар билан учрашдим. Асли мени бу ишга ундаган ҳам домланинг шогирди, ҳамюрти маъданшунос Миролим Аҳмедов бўлган. 1995 йил 31 март куни Республикаимиз геологларининг байрами нишонланди. Шу куни Миролим ака менга “Менимча, Хабиб домланинг ҳаёти ибрат — китоб бўларли даражада қизик, мураккаб...” — деб қолди. Кейинчалик бу тақлиф ҳақида кўп ўйладим, ўқидим, изландим, материал тўпладим. Бирма-бир домлани билганлар билан учрашиб чиқдим. Тан олишим керак, асарни бошлаш қийин бўлди. Ўша кунларнинг бирида мени Геология ва минерал ресурслар Давлат кўмитасининг раҳбариятига тақлиф этдилар ва:

— Бизлар бу ерда маслаҳатлашиб, сиздан Хабиб Абдуллаев ҳақида роман ёзишингизни илтимос қилмоқчимиз. Биламиз, сиз геолог эмассиз, тоғу тошдан йироқ одамсиз, лекин сиз ёзувчиларда тасаввур кучли! Сиз инсон ҳақида — ўз миллати, диёнати учун жонини аямаган инсон ҳақида ёзинг. Домла ўз даврининг хизматини қилиб, даврдан ўзган инсон, ўзбекнинг шаъни учун курашган инсон!.. — деб дангал сўз очдилар...

Хуллас, асар кенг жамоатчилик орасида яхши кутиб олинди, назаримда. Мухими бу эмас, муҳими — вақтнинг, замоннинг долғали кунларини енгиб яшаган инсон ҳақида кўп ўргандим, ёздим. Ва шундай алломани, шундай шахсни китоб қилганим учун ҳам менинг асарим ўқилди...

Ёзиш жараёнида кўнглимдан рост ва ёлғон, манфаат ва нафс, садоқат ва хиёнат каби қиёслар кечди. Тувилганидан то умри поёнига қадар Аллоҳга бандлик, Ватанга фарзандлик умиди ила яшаганлар ичра чин фарзанд киму, тирикчилик аталмиш чалғитувчи, бахонаталаб давронга кул бўлиб, қўл бериб яшаганлар ким?


Хабиб Абдуллаев Шаҳс эди, ўз сўзи, эътиқодида мустақил, айтиш мумкинки, ўз миллатининг қалъаси, устуни эди...

“Устун” эълон қилинганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Мени қувонтиргани шуки, асарда Хабиб Абдуллаев каторида, Иброҳим Мўминов, Ойбек сингари фидойи инсонлар ҳақида ёза олдим. Ёздим. Энди қолгани ўқувчиларга ҳавола.

Ражаббой РАУПОВ

Агар Хабиб Абдуллаев мустабид тузумнинг қурбони бўлмаганида ва унга эл-юрт бахтига ишлаш имкони берилганда илмий зиёдиларимиз сафи қанчалар кенгайган, фан ва маданиятимиз янада камол топган, илмий кашфиётларнинг акс-садоқси ўлароқ техник прогресс кенга қанот ёйган, демек, мамлакатимиз бўларди. Зеро, ақл-заковат юксалиши қалитидир.

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари
доктори, профессор



Европа фалсафий тафаккурига 18-асрдан сўнг кириб келган герменевтика методологияси hozirda барча таълимотларда ҳам қўлланади. Бу истилоҳ аввалда муқаддас диний китобларнинг матнини ўрганар ва тушунтирар эди. Айниқса, теолог файласуфлар Вильгельм Дильтей (1833-1911) ва Фридрих Шлеймахер (1768-1834) герменевтикани (юнон асотириларига кўра, йўловчи ва савдогарларнинг хомий Хулоси "Гермес" сўзидан олинган) ўша даврлар нарб оламнинг конституциясига айланган Библия матнларидаги ҳам-сано ва наъллари кенг шархлашда қўлланлар. Кейинчалик эса ўрта ва кенжа авлод герменевтлари томонидан бу метод универсаллашди. Эдмунд Гуссерль ва Мартин Хайдеггер герменевтикани феноменология ҳамда рух ҳақидаги фанларга олиб кирди. Хайдеггернинг шогирди Ханс Георг Гадамер (1900-2001) эса метод имкониятларини кенгайтириб интерпретация сфераларини кўрсатиб берди: "Матнни тушуниш ҳеч қачон охирига етмайди", — дейди у "Ҳақиқат ва метод" асарида. Замондошимиз Юрген Хабермас эса герменевтикани социологияга олиб кирди. Г. Майер, Х.Вольф, А.Бек, Ф.Аст ва бошқалар бу тушунтириш амалиётини фалсафага олиб киришга уринганлар. Шулардан, Вольф, Майер теологияда ҳам, ҳатто теософияда ҳам матнларни соф аклий қувват билан герменевтик талқин қилишни тарғиб қилганлар. Герменевтиканинг ибтидоий шакли ўрта асрлар Ғарба теология, патристика, схоластика, эгзетика баргида яшаганини ахши биламиз. Лекин ҳар қандай таълимнинг ўзига шаклда бўлса ҳам ўтмиши бор. Талқин масаласи билан боғлиқ дастлабки асар Гомернинг "Илиада" си бўлган. "Илиада" ва "Одиссея" асарларини талқин этган грамматистлар герменевтиклар ролида намойён белишган. Кейинчалик, мусулмон Шарқида ҳам герменевтикадан юксак таълимотлар пайдо бўлди. Бу сўзимизга далил шуки, Қуръони Каримни тафсир қилмоқчи бўлган муфассирга қўйиладиган талаб жуда катта бўлган. У 8,10, баъзи манбаларга кўра 13 илмни эгаллаши лозим бўлган. Тафсир ва таъвил вазифаларини герменевтика методига шартли равишда қиёслаш мумкин.

Бу метод мусулмон мамлакатларида жамиятни бошқарув тизимига катта ўрин тутди. Маълумки, шариат фикҳ қондалари асосига қурилган. "Фикҳ" сўзининг этимологияси эса араб лугатларида "англаш", "англайтиш" деган маънони билдиради. Бу эса интерпретация ҳодисаси билан боғлиқ "тушуниш" ва "тушунтириш" маъноларига уйғундир. Фихкада, хусусан, Аҳли сунна вал жамоат маънабининг асосий шохтомирини ташкил қилувчи Ханафий мактаби методлари шундай мукамал ишланганки, мана, асрлар ўтса-да, ундан истифода этиб келинмоқда. Фикҳ рухлари тўрт қисмга бўлинади. Қадриятларимиз силсиласига кирувчи ушбу фикҳ асослари бизда герменевтик сферанинг нечоғли чуқур ва кенглигини билдиради. Дейлик, ўлкамиздаги урф-одат фикхий методнинг Урф рухига кўра, диний қадриятдан наст бўлмаса, миллий урфимизга қараб ҳаракат қилинади.

Тафсир ва таъвил, буюк мутафаккирларимизнинг асарларига шарҳлар — бизнинг энг катта бойлигимиз. Бизда азалдан тушунтириш илми рационалдир. Ваҳоданки, ғарбда Гадамер даврга келиб герменевтика тўла рационлашди.

Тарихшунос бир асарни ўрганар экан, ўрганувчининг тасавури, мулоҳазалари доимо асар мазмунини, руҳини тўла ақ эйтира олмайдди, деган хулосага келади.

Фалсафий герменевтика Форобийнинг акциденцияларнинг кўчиш қонунида ҳам бор. "Расоил ул-хуқом"да таъкидланишича, тушунишдан аввал англаш келади. Буни замондошимиз Э.Бетти, Гадамер герменевтика ва унинг сфералари тўғрисидаги таълимотларида энди таъкидлашди. Гадамернинг матнларни қисмларга бўлиб ўраниш тўғрисидаги таълимоти ҳақида ҳам фикримиз шундай. Бу методнинг ҳам тажрибадан ўтган усули бизда азалдан мавжуддир.

Шукур ЖАББОРОВ, тадқиқотчи

Г
Е
Р
М
Е
Н
Е
В
Т
И
К
А



АНГЛАШ ИЛМИ



МЭҶ ОҒИМ...

*Мен сени топмасам жаҳон ичиндан,
Ўтган ё келажак замон ичиндан,
Чарх уриб шу чексиз макон ичиндан,
Сени булутлардан сўғрим келяпти,
Юзингни бир бора кўғрим келяпти.*

*Эҳтимол, шамоллар сени кўғандир,
Яна кўғмоқ бўлиб излаб юғандир,
Водийлар ичинда чаппор уғандир,
Шамоллар ортидан боргим келяпти,
Юзингни бир бора кўғрим келяпти.*

*Бағримда гўл эмас гуриллар гулган,
Гулшан ё гулханлар ичиндадирсан,
Дунёнинг сахар ё кечиндадирсан,
Оёғим етанча юғрим келяпти,
Юзингни бир бора кўғрим келяпти.*

*Етолмай йиқилсам, излаб топсалар,
Юзимни оқ парда билан ёпсалар,
Қабристон томонга олиб чопсалар,
Ҳатто қабримдан ҳам тургим келяпти,
Юзингни... би-ир бора кўғрим келяпти.*

МУСЛАМА ГУЛЛАР

*Оппоқ гуллар — муслима гуллар,
Рўмолини ташламайдилар,
Гулбарглари очилиб кетса,
Бу дунёда яшамайдилар.*

*Қилишмаган ҳеч бир хиёнат,
Қилишади доим ибодат,
Юзларини шабнамда ювиб,
Айтиб туришади саловат.*

*Қизил гуллар — муслима гуллар,
Рўмолини ташламайдилар,
Улар шундай — бизнинг замоннинг
Қизларига ўхшамайдилар.*

Битта шоир акамик бўларди. Кун ора эмаса-да, хафтада бир галати гап эшитардик у кишидан. Масалан, бундай: «Кеча энди ётувдим, кўнғирок жиринглаб колди, — деб бошларди хиркирок овозда. Тагин ичидан шундай қувонч тошиб келаётирки, гапини тезроқ тугатмаса, бўғилиб қоладигандай энтикиби. — Трубкани кўтарсам, Шароф Рашидов, — дер эди, «энди улфати чор»дан бири хақида гапираётгандек. — «Хозир «Комсомол» достонингни ўқиб чиқдим», дедилар. — Кулиб, хиринглаб кўярди. — Менга ёқди. Омон бўл, шоир. Раҳмат», дедилару трубкани жойига қўйдилар.

Биз билардик, бу гапларнинг ёлгонлигини. Бирок шоир акамик шундай ҳикоя қилардики, ишонмай иложинг қолмасди.

У кишининг бу одатлари хусусида Эркин Воҳидов бир гурунда шундай деган эдилар: «Шоир акамик, айтилик, достони чиққандан кейин Шароф аканинг

курдошлари ҳукмига ташлаганда, Озод Шарафиддинов: «Айтинг. Қўркманг, Абдулла ака», деган эканлар. Чамамда, Одил Ёкубов ҳам маъқуллаган экан.)

Хуллас, ҳикоя (бошқа ҳар қандай асар ҳам) адиб хаёлида қиёмига етгач, унинг ўзи беихтиёр мазкур воқеага ишониб қолади. Ишониш ҳам гапми!..

Воқеа (мазмун) ёзувчининг кўнглидан, яъни туйғулари чироғидан ўтгач, яъники ҳикоя қаҳрамонлари ёзувчининг хис-туйғулари ила йўғрилиб ва айни чоғда ўзининг хис-туйғулари ила воқеани у ёки бу даражада ўзгартириб мустақил Одамга айлангач, адиб баъзан унга четдан қараб, гоят мутаассир бўлиши — ҳатто хайратда қолиши ҳам мумкин.

Пушқиннинг машҳур гапини эсланг-а: «Я плачу над вымыслом!» Ўзи тўқиган — бадий тўқимани салмоқлаб кўриб... йиғлар экан! Ғалат хол, а?

Аммо ёзувчи учун бу табиий ҳолдир.

ЁЗУВЧИЛИКНИНГ



МАКТАБИ ЙЎҚ

кўнғирок қилишларини орзу қилади. Тўшакда ётиб, хаёл суриб... Эрталаб хотинларига таваккал айтадилар: «Сен ухлагандан кейин шундай-шундай бўлди», деб. Тушда редакцияга келиб, танишларига айтадилар. Энди жуда ўхшатиб... Кечкурун бўлса шу воқеага ўзлари ишониб қолади».

Демокриманки, бадий ижод, жумладан, ҳикоянинг дунёга келиш жараёни ҳам шу тарзда кечади: шунинг учун айрим адиблар ёзилажак асарларининг мазмунини худди бировнинг ёки ўзининг бошидан кечиргандек қилиб айтиб беришади. Масалан, Қўшжонов домланинг гувоҳлик беришларича, раҳматли Абдулла Қаҳор ҳам «қуриллажак бино»нинг, яъни асарнинг қурилмасини, яъники «иморат синчи» ўрнатиб бўлинганини яқин биродарларига сўзлаб берарқанлар. (У киши кўпинча ёзилажак мақолалари хусусида маслақдошларидан маслаҳат олишларини мен ҳам билардим. Масалан, 60 йиллик тўйларида сўзлаяжак нутқларидаги ўша машҳур «Мен партиянинг солдати эмасман!» деган гапни ҳам

Ана шунинг учун ҳам азизимиз Абдулла Кодирий Кумуш ўлганида сим-сим йиғлаган... Французнинг буюғи Флоренда Бовари хоним «ўлган» чоғда ўзидан кетиб қолган...

Бу ўринда, дейлик, бу — асар ярალიши жараёнида битта нуктага жиддий эътибор берилишини истаيمان: қаҳрамоннинг (қаҳрамонларнинг) кўнглидан изма-из, босқичма-босқич ва узвий мунтазамликда кечадиган ҳамда (демак) қаёққадир кўтарилиб, ёхуд пастлаб борадиган хис-туйғулари ва ана шулар таъсирида пайдо бўладиган (маънилими, бемаъними — фарқи йўқ) фикр-мулоҳазаларнинг Табиий чиқишига... ҳушёр бўлишини истаيمان: бу шу қадар нозик ва мураккаб жараёнки, ҳар қандай олий математик ҳисоб-китоб ҳам бунинг олдида ҳеч нарсадир!

Фахмлаб турибсиз: мен ҳозир ўзимнинг ижодим хақида эмас, умуман, Ижод — асар яратилиши жараёнидаги Бир Муҳим Нукта хақида гапирдим, холос.

Шу «нуқта» билан боғлиқ яна бир мулоҳаза бор:

«Дейлик, мазмуни тўқилган, яъни ўша скелети — синчи тайёр асардаги бирон-бир қаҳрамоннинг бирон бир нозик ҳолатини, яна ўша гап: маълум вазиятдаги хис-туйғуларини адиб тасвирлай олмаса, яъники, кўнглидан ўтказа олмаса, нима қилиш керак?»

Ахир бундай ҳолатлар кўп учраши мумкин!

Бу тўғрида мен Эренбургнинг (бу аллома адибнинг бадий асарларига нисбатан мақолаларини яхши кўраман!) «Ёзувчи ҳар қандай қаҳрамоннинг (кишининг) ҳам қалбига қалит сола олмайди!» деган хикматини эслагим келади.

Демак, ундай қаҳрамондан, аниқроғи қаҳрамоннинг ўшандай нозик-мураккаб ҳолатидан «йироқ»да туриш лозим бўлади-да? Ёлғонни ёзгандан кўра, ёзмай кўя қол!

Ёки бўлмасам Хемингуэйга ўхшаб ўшандок ҳолатни бошдан кечириш тадоритини кўр.

Хемингуэй шундай қилган. «Тушдан кейинги Мадрид» асарида (шу мисолни бир жойларда эсланганман-ов!) ўлимни... ўлим олди ҳолатини тасвирлашга ожизлиги, шуни хис этмоқ учун испан урушига борганини ёзади...

Койил, койил!

Яна айтмоқчиманки, асарнинг ҳар бир сатрида, жумласида қаҳрамоннинг ички ҳолати сезилиб турмаса, тўғрироғи, ўша ички ҳолат йўрилмасида чиқмаса — ташқи хатти-ҳаракатлар, бундай асар ўша Хемингуэйнинг талайгина — хис-туйғуси «номаълум» диалогдан иборат асарларига ва жўнроқ мисол айтсам, киночиларнинг сценарийларига ўхшаб қолади.

Рост, Италия, Франция киночиларнинг сценарийлари бундан мустасно бўлса керак.

Асар ёзилиши жараёнидаги иккинчи ва учинчи нозик-хавфли «нуқталар» — қискартирилган хатти-ҳаракатлар баёни, қаҳрамонларга бериладиган таъриф-тавсиф ва изоҳлардирки, булар ҳам аслида ўша ички ҳолат — хис ва туйғулар оқимида бўйсунадилар ҳамда ўшалар тақозосида, бу вазиятда меъёрни саклай билиш — бу энди — Маҳорат белгиси, ҳатто айтиш мумкин: гипнозчининг «бемор»га таъсир этиш маҳоратига ўхшайди.

Хуллас, азиз журналхон, юқоридаги гапларни ёзишга ёздиму аммо ўйлаб кўрсам, улар — Асар ёзилиши сирларининг мингдан бирини (албатта, муҳим томонларини) ташкил этар экан.

Шунинг учун бўлса керак-да: ёзувчиликнинг мактаби йўқ. Танқидчилар эса бир микдор билим беришлари мумкин, ахир, танқидчи деганингиз ёзувчи билан китобхон ўртасидаги воситачи-да...



ОЛМОС

Олмос тошлар ичида энг мустақами бўлгани боис қадимдан "тошлар қироли", "тошлар қуёши" деб ҳисоблаб келинган. Бирдамлик ва илоҳий поклик белгиси деб эътироф этилган. Қадимги греклар унга "енгилмас" деб ном беришган. Олмоснинг оқ, қора, пушти, сариқ, малла, кўк ва яшил рангдаги турлари мавжуд бўлиб, унинг барча турлари бошқа тошлар таъсирини кучайтиради, киши руҳияти ва танасига икжобий қувват беради. Киши танасидаги барча энергетик марказларни фаоллаштиради.

Шарқда олмосдан юракни қувватлантирувчи восита сифатида фойдаланиб келишган. Бунинг учун олмосни бир стакан сувга кечаси билан солиб қўйишди, эртаси куни ушбу сувни бир неча бўлакка бўлиб ичишган.

Олмосни одатда эркаклар тоши деб ҳисоблашган. Аёлларга уни тақиб юриш 30-35 ёшдан сўнг, яъни оила қуриб, ақлини таниб, ўйлаб, босиқ ҳулоса чиқарадиган ёшга етган руҳсат беришган. Қизларга эса бу тошни тақиб юришга умуман руҳсат беришмаган. Чунки олмос бўладиган ҳомилага зарар келтиради ва туғилши қийинлаштиради деб ҳисоблаб келишган. Олмослар ичида фақатгина яшил тусли олмос бепуштлигининг олдини олади ва туғилши осонлаштиради деб ҳисоблаган.

Олмос ошқозон оғриғидан ҳалос қилади. Рухий касалликлар ҳамда асаб касалликларида фойда қилади. Уйқусизликни бартараф этади.

Ўзи билан олмос олиб юривчилар ўйламасдан иш юритувчи ва асабий одамларни ёқтирамади. Улар фаоллиқни камайтиришга ҳаракат қиладиган, турғунлиқни ёқтирадиган, янгиликларни киритишига қаршилик қиладиган бўлиб қолишади. Шу сабабли, яъни олмоснинг янгилик яратилишига қаршилик қилиш хусусияти сабабли ҳам қизларга уларнинг келажақда фарзанд бўнад этишлари позимлиги инобатга олиниб олмос олиб юришлари ёки тақиб юришларига руҳсат берилмаган.

Асабий, тез ва таъсирчан одамларга олмос олиб юриш тавсия этилмайди. Бундай вазиятларда тошнинг эгаси худбин бўлиб қолади.

Олмос эгасига мос тушса, унга душманларидан ҳалос бўлишга ёрдам беради. Севги ва ақл-иҳроқ тимсоли бўлган олмосни бировларга совға қилишда эҳтиёт бўлиш лозим. Уни бирор кишига совға қилганингизда сиз ҳам, уни қабул қилган киши ҳам садоқатли бўлишлари лозим.

Олмос ҳар доим ҳеч камчиликсиз (ёриқлар, доғлар ва ҳоказо) бўлиши лозим.

ХОНИМОЙ тайёрлади



Шуқур ХОЛМИРЗАЕВ

Ўзбекининг бирор байрами, тўй-томошаси, йилғини йўқри, унда қўшиқ янграмаса, яллалар, лапарлар икки янғирмас. Чунки қўшиқ — қалб тўғиси. Инсонлар шодлигига ошно бўладиган мўжадлар.

Ижрочи истеъдодли ва маҳоратли бўлса, албатта, куй ва қўшиқнинг гоисини, унинг нотик мўъжизаларини ифодада бера олади. Тингловчиннинг қалбидан жой олади. Кўнглиллари тозалайди, юрак садоларига янги ургу беради, ҳаяжонга солиб, яхши

ўзлаштириб ўз репертуарини бойитади. Атоқли режиссёр Етим Божожонов таълимидан баҳра олди. Жамоа томонидан бериладиган барча концерт ва постановкаларда ўз қўшиқлари билан қатнашадиган бўлди. 1957 йилда ўзининг ижрочилик маҳорати билан томошабинлар қалбидан жой олган ёш хонанда Х.Султонов туман, вилоят ва республика кўринқларида қатнаши фохрли ўринларни эгаллади. Шу йили Москвада ўтказилган VI Жаҳон ёшлари

нинг «Ассалом, юлдузлар», С.Калонов яратган «Келдим», «Кетман», М.Мирзаев қайта ишлаган «Ёр истаб» ва «Мустаҳжод», Фуқрат кинофильмидаги Фуқрат ариясини — «Фигонким», мумтоз қўшиқлардан: «Дугоҳ Хусайний», «Ушшоқ», «Насри узола», «Насри Баёт», «Баёт I», «Қаландар» каби бир қатор асарлар шулар жумласидандир.

1973 йилгача бу улуг даргоҳда фаоланг кўрсатиб, саксондан ортиқ асарларни



САНЪАТГА БАХШИДА УМР



ҳис-тўғуларни уйғотади.

Ана шундай сифатларини ўзида мужасам этган истеъдод соҳибини, юзаб шогирдларини тарбиялаган устоз санъаткорлардан бири Халқ маорифи аълоҳисини Хасан Султоновдир.

Хасан Султонов 1932 йили Наманган вилоятининг Хонобод қишлоғида тутилган. У ёшлиқидан санъатга меҳр қўяди. Унинг ашула айтишга бўлган хоҳиши ва имкониятларини отаси таъминлади. Чунки Султоновхўжа ака санъаткорлар билан улфат, қўшиқчи ва қўшиқ куйлашини жон-диандан севадиган инсон эди. Тез-тез уларнинг хондонига санъаткорлар ва санъат шайдолашни йиғилишиб, суҳбат орасида мумтоз қўшиқлардан намуналар ижро этшарди. Маълумки, бундай мухит ёш санъат шайдоҳисининг келажагига пойдевор бўлди.

Унинг тақдирини санъат билан боғлангани чин эди... У Янгиёйда санъаткорлардан ташкил топанг театр жамоасига келиб қўшилади. Бу даргоҳда у ўзбек санъатининг даргаларини Тўхтасини Ўзалилов раҳбарлигида Комилжон Жабборов, Мухторжон Муртазоев, Фароғат Раҳматова, Саттор Дрешев, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Эргаш Йўлдошев, Сунаат Самадов каби устоз санъаткорлар билан биргаликда фаолият кўрсата бошайди. Тез орада у «Яхши жононлар аро», «Халол нон истасанг», «Пахтакорлар», «Келдим», «Ёр истаб» ва «Мустаҳжод» каби баланд овоз ҳамда кучли маҳорат талаб қиладиган қўшиқларни

фестивалда иштирок этиб, «Олтин медал» соҳиб бўлди. Фестивал ҳақамлари раиси машҳур қўшиқчи Булбул Мамедовнинг «Ўзбек қўшиқлари сизни бутун дунё ёшларига машҳур қилди. Сиз ўз истеъдодингизни ўстиришга интилинг. Бутун куч гайратингизни халқ хизматига бағишланг, энг муҳими, билимингизни оширинг», — деган ўғитини ўз мақсадига айлангирди. Муқимий номан республика Давлат мусиқали драма театрида фаолияти давомида «Муқимий», «Ватан ишқини», «Равшан ва Зулхумор» асарлари постановкасида ўзига хос образлар яратишга муяссар бўлди.

1962 йили Х.Султоновни республика радиосининг Ўзбек халқ чогуларини оркестрига яккахон қўшиқчи лавозимига ишга тақлиф этшарди. Устозлар ўғити ҳамда мусиқа ижрочилигидаги билиминини мустаҳкамлаш ниятида оркестр жамоасида ишлаш билан бирига Тошкент Давлат консерваториясига ўқишга қирди. Юнус Ражабий, Дони Зокиров, Фахриддин Содиков, Набижон Хасанов, Ганижон Тошматов, Санджон Калонов, Хамид Раҳимов, Мухаммаджон Мирзаев каби бир қатор таниқли бастакорлар яратган асарларини ва мумтоз халқ куйларини меъерига етказиб ижро эта олишга эришди. Натижанда, жаҳон мусиқий дунёсиде, ўзбек бастакорлари нуқидан ва мумтоз мусиқа меросидан бир қатор асарларини ўзлаштириб ижро этишга муваффақ бўлди. Д.Зокиров яратган «Қўриқдаги доғима боқ», Ф.Содиковнинг «Қора байир», Н.Хасанов-

Ўзбекистон радиосининг «Олтин фонди»га ёиб қолдиришга муяссар бўлди.

1973 йилда Х.Султонов ҳамюртларининг тақлифини Наманган вилояти театрига ишга қирди. Икки йил етакчини актёр сифатида ишлаб 1975 йили ёшлар тарбиясини билан боғлиқ ишга ўтди. У 1975 йилдан 1999 йилгача Наманган Давлат санъат билим юртида ёшларга қўшиқ сирларидан сабоқ бериб, юзаб шогирдларини етиштириб чиқарди. Унинг бу соҳада эришган ютуқларини ҳамда ўзбек мусиқа санъатини ривожига ўз фаолияти билан ва шогирдлари орқали қўшган меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Х.Султонов хизматлари учун 1996 йилда «Халқ маорифи аълоҳисини» унвоинига сазовор бўлди.

Х.Султонов ўз ҳаётида халқ хоҳиларини йўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Муроджон Аҳмедов, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Муҳриддин Мансуров, Ваҳожон Фаёзовларнинг агванасини ўзлаштириб, уларнинг йўларини давом эттиришга муваффақ бўлди. Халқимиз эъзоида бўлган устоз тўққиз фарзандини тарбиялади. Айни пайтда уларнинг бағрида бахтан ҳаёт кеңириб, қарилк таштини сурмоқладар. Устозга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, доимо халқимиз эъзоида бўлишларини тилаб қоламиз.

Набижон Кодиров,
Тошкент Давлат
Консерваторияси ўқитувчиси

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, филология фанлари номзоди Муҳаммад Алининг навбатдаги “Абадий соғинчлар” номли тарихий-хроника романи чоп этилиб, китобхонларга етиб бориши маънавий-маърифий ҳаётимизда ўзига хос янгилик бўлди.

Асарда ҳали тарихчи ва бошқа соҳа олимлари қўл урмаган тарихимизнинг ажралмас бир қисми ҳисобланмиш тақдир тақозосига кўра Ватандан айро тушган юртдошларимизнинг тарихи-саргузаштлари баён этилган. Муаллиф тўғридан-тўғри асар мазмунини баён этишдан олдин “Ватан тарихи нима?” деган саволни ўртага ташлайди. Бу савол дастлаб жуда жўн кўринса-да, тарихимиз қайта ангазилмаётган бугунги даврда анча мураккаб ва ўйинли эканлигини асарнинг мазмун ва моҳиятидан англаш мумкин. Бу саволга муаллифнинг ўзи жуда теран жавоб бериши баробарида Ватандан четдаги ватандошларимизнинг тарихи ҳам бизнинг тарих тушунча ва тафаккури-миэни янада бойити.

Асарда адб ўз эътиборини XIX асрнинг охири-XXI асрнинг дастлабки тўрт-беш йиллари оралиғида мамлакатимиз ва қўшни Афғонистонда юз берган катта тарихий инқироз ва ўзгаришларга қаратади. Лекин бевосита уларни баён этмайди, балки уларнинг салбий қусури ва ижобий таъсирида пайдо бўлган иккинчи бир тарих ичигаги тарихни баён этади. Бу “тарих” Қўқон хони Худоёрхоннинг жинни (синглисининг ўғли) Саид Акрамхон Тўра (1854-1924), Афғонистон шоҳи Амир Дўстмухаммадхоннинг набираси Абдурахмонхон (1845-1901), чуствлик Саид Исоқхон Тўранинг ўғли Саид Махмудхон Тўра (1887-1959) ва унинг фарзанди Саид Насруллох Тўраларнинг туташ келган ҳаёти-фаолияти, тарих-тақдирларидан иборатдир.

Тарих ва тақдир тақозосига кўра чоризм мустамлакачилик зулмининг натижаси ўлароқ, Саид Акрамхон Тўра билан Абдурахмонхон Тошкент қамқонхонасида маҳбусликда учрашиб, умрбод дўст бўлиб қоладилар. Дўстмухаммадхон вафотидан сўнг Афғонистон тахтини эгаллаган Амир Шералихон амакис Абдурахмонхонни рақиб билиб, унга зимдан суиқасд уюштиради. Шу сабабдан ҳам, у Туркистонга қочиб ўтади ва Чор маъмурулари томонидан қамқоқ олинади.

Ва ниҳоят, Абдурахмонхон вақти келиб, 1881 йилда Россиянинг ёрдамида, Англияга ён бермаслик шарти билан 36 ёшида амакисининг тахтини эгаллайди. Ўзи билан доимо бирга бўлган, 27 ёшли дўсти Саид Акрамхон Тўрани эса Афғонистоннинг вазири аъзами этиб тайинлайди. Шундан сўнг бу икки содик дўстлар 21 йил ҳокимиятини ўз қўлларида ушлаб турадилар.

Амир Абдурахмон вафот этгач, тахтни унинг ўғли Ҳабибуллахон эгаллайди. У Саид Акрамхон Тўрани ўз лавозимида қолдириб, унга катта иззат-ҳурмат билдиради. Шундан сўнг Саид Акрамхон Тўра у билан бирга яна ўн етти йил Афғонистон ҳукуматини

бошқаради. Омонуллохон отаси Ҳабибуллахон 1919 йили улдрилгач, унинг тахтини эгаллайди. Орадан кўп ўтмай, 1924 йилда Саид Акрамхон Тўра ҳам 70 ёшида бандаликни бажо келтиради. У жами 38 йил Афғонистонда вазири аъзам лавозимида ҳалол ва адолатли фаолият юритади. Унинг кўмаги ва марҳаматидан Ўзбекистондан қочиб ўтган ҳамда инқилобий босқиндан олдин четда қолиб кетган кўпгина ватандошларимиз баҳраманд бўладилар.

Саид Акрамхон Тўранинг қаноти остида паноҳ топиб, катта мартабаларга эришганлардан бири Саид Махмудхон Тўра бўлди. У ёшлиғидан китоб мутоласига катта ихлос қўяди. Она шаҳри Чустдан чиқиб, Бухорода бир йилча таҳсил олади. 23 ёшида Мадинаи Мунавварага бориб, Ислом дунёсининг энг йирик шайхи (олими) Ҳаққий Маккий Мадинаий Деҳлавийдан илм ўрганadi. Уламо ва валий даражасига кўтарилади. Мумтоз олимларимиз аънарасига кўра ҳақим-табиблик илмини ҳам мукамал эгаллайди. Етти мартаба Ҳаж сафарини адо этади.

Шундан сўнг, Саид Махмудхон Тўра Ватанга қайтиб, олган илму ҳикमतларини ўз халқига сарфлаш ниятида турган бир пайтда Ҳажга келган ватандошдан Ўзбекистонда юз бераётган машъум қатаронлардан хабар топади. Бундан икки йил олдин Ҳаж сафаридида тақдиран ўз тоғаси Шайхулислом Саид Нуъмонхон Тўра билан учрашиб, ундан Ватан ҳақида биланлари ҳолва эканлигини англайди. Ватан илинжида, ҳеч бўлмаса, унга яқинроқ

ТАРИХ ВА ТАҚДИР САИД АҚРАМХОН ТЎРА

келиб, хол-ахволидан хабардор бўлиб туриш умидида Афғонистон пойтахти Қобул шаҳрига келади. Лекин Саид Махмудхон Тўрага Ватан дийдорини кайта кўриш насиб бўлмади. Худоёрхоннинг жияни ва ўзининг бобо кайнотаси Саид Акромхон Тўра вафотидан сўнг, у Афғонистонда таъқибга учрайди ва ҳатто, ўлимга ҳукм қилинади. Шунинг учун 1952 йилда тўксон уч ўзбек оиласига бош бўлиб, Туркиянинг Мосул шаҳрига келади. 1959 йилда Адана шаҳрида 72 ёшида вафот этади. Отасининг вафотидан сўнг беш ука ва бир сингил Саид Махмудхон Тўранинг бош фарзанди Насруллох Тўранинг қарамоғида қолади. Кундузи ишлаб, кечқурун ўқиган Насруллох Тўра дастлаб отаси раҳбар бўлган Ҳабибия ўқув юртида, Туркияда эса Адана лицейи ва Анкара Олий техника ўқув юртида таълим олади. Кейинчалик уйлиб, Германияга кўчиб ўтади. Гёте институтининг кечки бўлимига кириб, немис тилини муқаммал ўрганади. 1972 йилда Берлин Техника университетига докторантурига битиради. Икки йилдан сўнг Берлинда «Тўра экспорт-импорт» ширкатини ташкил этади. Ширкат тез ривожланиб, дунёнинг уч қитъасида ўзининг кўп тармоқли бўлимларини очади.

Бу даражага у фақат тинимсиз ўқиб ва меҳнат эвазига эришди. Онг-шуури ўслани сайин отаси қалбда абдий қолган Ватан муҳаббати, соғинчлари унинг қалбига ҳам ўтади. У доимо ота соғинчини Ватанга етказиш орзу-ҳаваси ва орзуси билан яшайди. Ниҳоят, Ватан озод бўлиб, унинг бу ниятлари амалга ошди. У отасининг «Албатга, Ватанга қайтажаксиз!» деган васияти ижобати йўлида 1993 йилда Ўзбекистонга келади. Ватанда у ишбилармонлик билан ёнма-ён 1996 йилда «Тўра Интернейшл Ко» фирмасини, 1998 йилда эса «Т&Т Интернейшл Ко» кўп тармоқли қўшма корхонасини ташкил этади.

Булардан ташқари, Ватанни саждагоҳ деб билган Насруллох Тўра ўзининг бутун отамерос меҳр-муруввати ва қалб кўрени унга ҳамда ватандошларига сарфлашдан тўхтагани йўқ. У Андижон Давлат университетини ўз оталиғига олган. Халқаро «Олтин жероқ» хайрия жамғармаси ва Халқаро Амир Темур жамғармаси билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. 1998 йилда «Камолот» жамғармаси орқали 20 та ўзбек ёшларининг хар хил ўқув курсларида ўқишига ҳомийлик қилиш билан бир ўқув юртига 6 та компьютер совға қилади. Мусика мактабининг учта иқтидорли ўқувчиси Италиянинг Неапол шаҳридаги халқаро мусика танловига юборади. Шарқшунослик институтининг бир иқтидорли талабасини Германиянинг Гессен университетига олти ой ўқишига ёрдам беради. Тошкент шаҳар ички ишлар бўлимига компьютер ва нусха кўчириш аппаратини олиб беради.

Ўқорида айтилганлар асарнинг жуда қисқа асосий йўналиш ва мазмунини ташкил этади. Буларни атайлаб китобхонлар бизнинг фикр-мақсадимизни осон ва тўғри англаб олишади, деган умидда келтирдик. Бизнингча, унинг характери ҳам шунга тақозо этади.

«Абдий соғинчлар»даги тарих ва тақдирлар баёни биз юқориди кўрсатиб ўтганлар билан чекланмайди. Унинг тарихий хроникаси ва географияси жуда кенг. Асарнинг «Ўтмишга биринчи сафар» қисмида муаллиф китобхонни қадим мумтоз олим ва уламоларимизнинг тарихи-тақдирини билан ошно қилади. Бу билан у, 783 йилда дунёга келган Мухаммад ал-Хоразмийдан тоғ 1075 йилда таваллуд топган Мухаммад аз-Замашарийгача бўлган саккизта нафақат Ислом дунёси, балки бутун дунё илм-фани, маданияти тараққиётига чексиз ҳисса қўшган бобокалонларимиздан сабоқ беради.

Муаллиф қадимдаги мумтоз олимларимиз билан икки ватандошимиз тарихи-тақдирдаги ўхшашлик(мухожирлик)ларни таъсирли сўзлар билан беради ва бу билан ўқувчини чуқур мулоҳаза юритишга ва ўйлашга мажбур этади.

«Абдий соғинчлар»нинг яна бир қисми «Ўтмишга иккинчи сафар» деб аталади. Унда муаллиф ҳозирда хар бир оила ва авлодларимиз учун ўта зарур бўлиб турган, яъни тарихимизнинг унутилаёзган муҳим бир соҳаси — шажаралар ёзиш аънаъаси тикланишига каттагина ҳисса қўшган.

Тарихшунос адиб Саид Махмудхон Тўра 1487-1571 йилларда яшаб ўтган маълоно Лутфуллох Чустийга ўн учинчи авлод, Чустий эса Пайғамбаримиз Мухаммад С.А.В.дан кейинги биринчи халифа Абу Бакир Сиддиққа ўн еттинчи пушт эканлигини аниқлайди.

Асарда ёзилишича, Мухаммад Алига шажара илмига бўлган ихлос отаси Аҳмадқул сўфи ўғлидан ўтган. У отасининг давъати билан ўзининг етти авлоди шажарасини тиклайди. Бу шажара асарнинг «Лирик чекиниш» қисмида батафсил келтирилади.

Шоир, тарихшунос олим сифатида Мухаммад Али ўз асарида тарихни тушуниш ва таъриф-тавсифлаш соҳасида янги бир фикрни олға суради. Ўз қаҳрамонларига нисбатан «уларнинг тарих-тақдирлари» деган жумлани ишлатади. Бу, бизнингча, дин билан дунёвийлик масаласига тўғри муносабатнинг ёрқин бир кўринишидир. Дарҳақиқат, тарих тақдир демакдир. «Тарих-тақдир»нинг туб маъноси тарих ва тақдир Оллоҳдан деган тушунчани англатади. Асардаги ватандошларимизнинг ҳаёти-фаолияти ва саргузаштлари мана шу нуқтаи-назарга ёрқин мисол бўлиб турибди.

«Абдий соғинчлар»ни, менимча, хар бир китобхон тўлқинланмай ўқий олмайди. У мутахассис тарихчиларни янги, хали ёзилмаган тарих, тарихий воқеа ва ҳужжатлар билан бойитса, китобхонлар оммасини тарих ва тақдирлар уммонига олиб қиради. Улардаги Ватанга бўлган садоқат ва муҳаббат ҳис-туйғуларининг мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшади.

**Сотимжон ХОЛБОВЕВ,
тарих фанлари номзоди**

Лексикология, терминология ва тилшуносликнинг бошқа соҳалари бўйича бир юз ўттиздан ортиқ илмий-назарий, илмий-оммабон ва методик-амалий мақолалар, рисоалар, монографиялар муаллифи, таниқли атамашунос, филология фанлари доктори, профессор Ренат Дониёров таваллудига 70 йил тўлди. Р.Дониёров ўндан ортиқ атамашунослик ва изоҳли луғат, ўқув методик қўлланмаларга ҳаммуаллифдир.

Олим 1936 йил 5 февралда Қашқадарё вилояти Косон туманининг Гувалак қишлоғида туғилган. У Самарқанд Давлат университетининг филология факультетини муваффақиятли тамомлагач, дастлаб ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанларидан дарс берди, кейин Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг терминология бўлимида ишлаб бошлади. Домла иш фаолияти давомида «Ўзбек тилининг техник терминологияси ҳозирги боқичда» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Кенг омма ва илмий жамоатчиликка тўхфа қилинган илмий монографиялар, изоҳли таржима луғатлари, илмий-оммабон рисоалар яратиш, шунингдек, юртимиз ҳамда чет элларда уюштирилаётган илмий-назарий ва илмий-амалий анжуманларда фаол қатнашиш олимнинг фан йўлида фидойи, тиниб-тинчимас ва серкира фаолият эгаси эканлиги далилидир.

Олимнинг тадқиқотлари умумий лексикологияга ҳам узвий алоқдорлиги туфайли Москва, Киев, Уфа, Новосибирск шаҳарларида уюштирилган тилшунослик анжуманларида ўз маърузалари билан қатнашди, тезислар эълон қилди.

Таниқли тилшунос тадқиқотлари ва наслрларининг анча қисмини луғатлар ташкил қилади. Маълумки, луғатчилик миллий маданият равнақи кўринишларидан биридир. Олимнинг тадқиқотлари атамашунослик соҳаси билан узвий алоқадор бўлганини сабабли республикамизда атамашунослик

сўзликларини тузиш тамойилларини яратиш бевосита унинг номи билан боғлиқ.

Олим фаолиятининг яна бир қирраси Республика атамашунослик қўмитаси фаолияти билан боғлиқ. У қўмита нашрининг масъул муҳаррири сифатида фаолият кўрсатиб, вақтли матбуотда, радио ва телевиденида атамаларнинг тўғри қўлланилиши бўйича илмий-назарий асосланган тўғри йўл-йўриқлар бериб, уларнинг фаолиятини назорат қилиб, тил ҳақидаги Қонуннинг изчил бажарилишига ўз улушини қўшмоқда. Булардан ташқари домланинг мураббийлик фаолияти ҳам диққатга сазовор. Унинг раҳбарлигида ўн беш киши номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ўндан ортиқ номзодлик ва докторлик диссертацияларига оппонентлик қилди. Шу билан бирга устоз қатор ёш олимларнинг илмий раҳбари. Шогирдларига ғамхўр, меҳрибон, талабчан ва қаттиққўл домламининг бу борадаги хизматлари ҳам ибратлидир, албатта. Атоқли атамашунос, филология фанлари доктори, профессор Ренат Дониёровни етмиш ёшлик кутлуғ сана билан шогирдлари, касбдошлари, кенг тилшунослар жамоаси номидан самимий табриклаймиз. Ўзбек тилшунослигини, хусусан, атамашунослик соҳасини янада ривожлантиришда зафарлар тилаймиз.

Бобо Сароий



А Т О Қ Л И

АТАМАШУНОС

Хаёл худонинг энг улуғ марҳаматигир. ГЁТЕ.

Кеча ким эдинг у бугун кимсан?! Туерисини айт, утган кунларни унутиб бахтли бўлмақчимсан? О, хотиралар... Улардан воз кечиш шунчалар осонми? Унутми шартми? Шу билан ўзингни бахтли ҳис қилмоқчимсан? Бахт нима ўзи? У шу ерга келганда ўз-ўзига савол беришдан тўхтади. Чунки у бахт нималигини билмасди, уни сираям кўрмаганди. Фақат бир нарсани биларди, бир нарсага қаттиқ ишонарди, ана ўша нарсага эътиқод қўйганди. Мана шу нарса унинг орзуси эди. У шундай ўйлардики, мен кўраётган қора кунлар қанча қора бўлса, бахт — ёп-ёруғ кунлар шунчалар нурлики, қуёшга тик қараш осон бўлмаганидек, ҳақиқий бахтга эришиши ҳам мушуқул иш. Унинг ҳаётий фалсафаси мана шу икки қутбдан иборат эди...

Ахир ҳаётдаги ҳамма фалокатлар одамнинг ўзини-ўзи алдаб яшашидан бошланади-ку! Бир қарашда бир одамнинг маънавиятидаги бундай туғма дангасалик кўзга кўринмайди, арзимас камчиликдай туюлади. Бироқ одамларнинг кўз ўнгида йўқсуллигини намойиш қилишга фақат Худо сийламаган бандаларгина журъат қилиши мумкин. Кейинги пайтда бундай одамлар кўпайиб қолди ён атрофимизда. Шахсий камчиликларимизни тан ололсақ, бу айблардан қутулишнинг энг яхши йўли уларни тангрининг тухфаси, деб тушунишдир. Кўп нарса ўзимизга боғлиқ-ку! Ҳа, фақат кўпинча ўзимиздан узоқлашиб кетамиз. Юрагимизга ақл ўргатмоқчи бўламиз. Инсониятнинг энг катта хатоси мана шу! Яхши билан ёмоннинг фарқини ажратиш қийин, жудаям қийин. Чунки ҳеч ким



— Қанча бетгачопар бўлманг, барибир яхши одамсиз, тўғрироғи, яхши кадрсиз, ўз ишингизни яхши биласиз...

У раҳбарнинг бошқа гапларини эшитмади. Лекин қайсидир куч унинг оёқларини михлаб қўйганди шу лаҳзаларда. Хонасидан чиқиб кетолмади. Қулоқлари ўз ишини бажармаяпти. У юрагидаги ўзига ёқмаган қайсидир одатича шундай бўлиши кераклигини жаҳл билан тушунтирди. “Ҳа, шундай бўлиши керак. Аччиққина заҳарханда қилиб кулсин у, барибир гапларини эшитмайман. Эшитганга ўхшаб туриб ҳам эшитмайман. У ёлғончи. Бошқаларни алдагани майлику-я, бироқ ўзини-ўзи алдаб яшашини қандай тушуниш мумкин?

Ўзини ёмон одам деб ўйламайди. Ҳаёт шундай мураккабки, билмадим... Яхшиси, ҳеч нарсани ўйламаслик керакка ўхшайди. Шундай қилишнинг иложи бўлганда эди... Йўқ, иложи йўқ! Лекин гапирмасдан туриб дилингни оғритган одамни кўнглингни тўлғунча жазолашингни мумкин. Мен уни шундай жазолайман. Тушунса ҳам, тушунмаса ҳам...”

Шу хаёллар билан анча вақт ўтганини сезмай қолибди, бечора. Эски телефоннинг хунуққина жиринглаши уни ҳушига келтирди. Бошлик аллақачон айтиб қотиб кетиб бўлган, у эса деразадан ташқарига — ёмғирнинг эзгилаб ёғишига қараганча, турган жойида қотиб қолганди. Ўзининг кимлигини ёдига тушди, бир зумда умр

йўлларидаги нурли ва нурсиз кунлар кўз ўнгидан ўта бошлади. Ям-яшил телефон фангишб-фангишб овозини ўчирди. Ҳамма нарса, ҳамма одамнинг аклдорлиги билан яратилган нарсалар кўнгилга тегади, нимага? Узоғимизни яқин қилувчи хабарчи симлар, мана бу матоҳ ҳам. Кейинги пайтда ихтиро деб баҳоланаётган нарсаларнинг ҳаммаси одамнинг роҳат қилиб яшаши учун қулайлик яратишни кўзлайди. Негадир кундан-кунга ана шундай кашфиётларнинг мевасини еганимиз сари яшаш осонлашиб эмас, қийинлашиб бораётганга ўхшайди. Кимга қанақа... билмадим... "Ҳаёлпарастман, — деб ўйлади у, — ҳақиқий хаёлпараст". Шамоллаганга ўхшайди, бурнидан курук сув келяпти. Чўнтагидан рўмолчасини оломқочи эди, гижимланиб кетган юз сўмлик пул полга тушди. Шундан бошқа бирор сўм йўқ киссасида. Корни ҳам очикқанга ўхшайди. Битта нон беради шу пулга ёки битта газета олиш мумкин, агар уйга пиёда кетса. Аксинча бўлса, йўлқирага тўланади бу пул. Уйгача тўрт қақиримлик йўл, бунинг устига ёмғир ёғаяпти... Кўчага чиқиб ҳам шу гижимланиб кетган пул ҳақида ўйлади. Бекатдаги автобус кутаётган одамлар орасига бориб қўшилдиямки, хаёлларини йиғиштиролмади. Агар шу пулига анави одам мактаётган лаҳзалик лотереяни олса, миллионер бўлиши мумкин эмиш. Хар ким ўз молини мактайти. Ҳаёт бозорга ўхшайди. Одамлар эса мактовга ўч харидорлар. Балки шунинг учун одам боласи ақлини таниганидан бошлаб, умрининг охиригача чўнтагини қаппайтиришни ўйлар. Ахир ҳаёт бозорку! Яна... яна умр савдоси деган гаплар ҳам бор. Бошқаларга қандай, билмадим, лекин бу савдо фирром бўлса ёмон, жуда ёмон. Совчилар... улар элчилар эмас, даллолар! Ўғил-қизнинг кўнглига қараб ўтиришмайди ҳамма оиладаям, ёшлар ниманиям билишарди... Куёв томон — харидорларга энг арзон, лекин сифатли мол керак. Иложи бўлса, қишнинг совуғига, ёзнинг иссиғига дош берадиган оёқ кийим керак уларга. Келин томон — сотувчилар ҳам анойи эмас, ялаб-юлкаб катта қилган арзандалари ерда қолибдими? Қалин пулининг қатлами қанча қалин бўлса, шунча яқши. Пули қуйган қалампир чойнасаям, фалон пулга сотиб олган нарсасини оёқ ости қилиб қўймас! Ана, сизга ҳаёт! Тўй нима? Тантанани у, балки байрамдир умрда бир марта бўладиган? Байрам бўлмаса, кимга, нимага шунча пулни кўкка совуриб харажат қиладилар? Байрам дегани йиғиб-териб, емай-ичмай топган-тутганини, тишининг ковагида асраб юрганларини бир кунда ямламай ютиш-ку! Еб-ичиб... яшаш учун яралмаганим бу дунё?! Камбағалнинг бир кун тўйгани, борини дастурхонга қўйгани байрам. А, нима бўпти, пул қўлнинг кири-да... Аммо-лекин шу қўлнинг кирини


ҳамма вақт ҳам тоза сув билан ювмаяпмиз-да... Негадир шу кеча кўрган ёмон туши эсига тушди. Агар анави садақа тиланаётган, ёши ўзи қатори гадоёга садақага шу гижимланган пулни берса, ҳамма ташвишдан қутулади. У шундай қилди. Одатда ирим-сиримларни унчалик худш кўрмасди-ку, лекин янги тугилаётган асари, ўзида бўлаётган ўзгаришлар уни шундай қилишга ундади. Юз сўм пул — арзимас нарса ҳақида хаёл суриш илҳом париларини ранжитиб қўйиши турган гап. Кўпичи шундай бўлади. Йўқ-йўқ, ҳамма одамларда шундай... шундай бўлишига ҳам ишонаман. Кўпичи корин ғамидан қутуллолмаслигимиз, турмуш ташвишлари оёғимизни кўзга кўринмас чилвир иплар билан ўраб олиши бизни яқши ишлар қилишдан баёхара қилади. Одамзотнинг қўлидан кўп иш келади, унинг ақли ҳар нарсасга қодир. Фақат одамлар ўзларининг рухий олами билан яшаш қанчалик завқли эканлигини ҳамма вақт ҳам тушунавермайди. Балки шунинг учун ҳам кўпчилик одамлар арзимас муаммоларни ҳал қилишда ожизлик қилишар. Улар шундай вақтда бафуржа ўйлашдан кўрқишади. Одамларнинг ёрдамига таяйиб, ташвишларини янаям қўпайтиришади. Нималар деяпман ўзи? Ўзимни ўзимга ақлдор кўрсатмоқчиманми?

Агар ҳозир анови раҳбаримга кўнглимдаги гапларни айтиб берсам, устимдан мазза қилиб қулган бўларди. Унга яқши кадр керак, лекин ўша яқши кадрга яқшигина муомала қилолмади. Мен фақат пул топиш илжинида ишлаганимда, балки у билан тил топишиб кэтган бўлардим... Уни фақат пул қизиктиради. Аёл киши бўлганим учун боя озрок ширин гапирди. Кайфияти яқши, шекилли. Нимадан хурсанд, балки ёғлироқ жой топилгандир, чўнтагинини қаппайишидан умидвор. Тўхта, нега у ҳақда бунчалар кўп уйлаяпман? Унга ўхшаганлар учун ўзимча қайғураяпман. Сабабини билганимда эди... Бирам ғалатиманки, ўзимга-ўзим тушунолмайман. Ҳозир ҳам нималар деб валдираяпман ўзи... Ҳақдан ташқари эзмаман, балки шунинг учун умрим ёлғизликда ўтаётгандир? Нега мен бошқаларга ўхшамайман? Нимага? Буни ўзим ҳам билмайман. Аёл кишини ўттизга кирса, ўтин бўлади, дейишади. Бир яримта ўттиз ёшни кўрибман...

У пичирлаб таниш сатрларни такрорлади:

*Умрини ўткинчи сабога бердим,
Энг сўнги чақамни гадога бердим,
Бу талба руҳини Худога бердим,
Сабо елиб борди, гадога берди,
Гадо йиниб борди, Худога берди,
Худо мени сенга хатога берди,
Сен мени кимларга бердинг, Азизим?*

Гулбахор ОРТИҚХЎЖАЕВА



МИРЗА ХОЛМЕДОВ ВА "МИРЗО" ТЕАТРИ



Мирза Холмедов — тажрибали қизиқчи, малакали актёр. У сахнага чиқар экан, юз ифодасида кулги, ҳажв руҳи сезилиб туради ва бу кайфият аста-секин томошабинларга ўтади. Ҳатто қовоғини уйиб ҳам шинавандалар чехрасида кулги уйғотишга қодир. Ўзи таъкидлаганидек, унинг ижро услубидаги асосий йўналиш ҳаётимиздаги жиддий воқеа-ҳодисаларни кулги орқали томошабинларга етказиш, уларда фикр-мулоҳаза уйғотишдир.

Қаҳрамонимиз нафақат кулги устаси, балки театр ва кино санъатимизнинг тажрибали актёри ҳамдир. Айниқса, дубляж соҳасидаги ишлари эътирофга лойиқ. "Нима учун кинода суратга тушасиз, сизга кинонинг нимаси ёқади?" — деган саволга М.Холмедов шундай жавоб беради:

— Аввало, ҳалол меҳнати билан ёқади. Мен меҳнат қилишни ва меҳнатни қадрланишини истайман. Анча вақтгача телевидение билан ҳамкорлик қилдим. Лекин телевидение

менинг ишим эмас экан. Кино эса бошқа гап. Рус қизиқчиси Геннадий Хазанов ижросидаги "Дайди тўтиқушнинг қайтиши" мултфилмига овоз бердим. Элёр Эшмухамедовнинг "Алвидо, гўр ёшлигим", Темурмалик Юнусовнинг "Марҳумлар хурмати" филмида қатнашдим.

Таниқли кинодраматург ва режиссёр Фарҳод Мусажонов уни "Кўзларим йўлингда" фильмига тақлиф этди. Ролни айнан М.Холмедовга атаб ёзганди. Очиги, актёр ўз ишидан унчалик қониқмади. Ютуқлари билан бирга камчиликлари ҳам анчагина. Бироқ бу филм бугунги анчайин тижорат филмларидан савиялидир. Мирза Холмедовнинг филмдаги иштироки хусусида Ф.Мусажонов шундай дейди:

— Филмга мен уни қизиқчи сифатида эмас, балки драматик актёр сифатида тақлиф қилгандим. У ўзига юклатилган вазифани ҳар томонлама ортиғи билан бажарди. Айтмоқчиманки, унинг имкониятлари ҳам, истеъдоди ҳам етарли даражада шаклланган.

Мирзабек Холмедов "Ким жинни?", "Насриддин Афанди", "Ғаройиб парвоз", "Қисмат" каби ўнлаб филмларда ҳам ўзининг ёрқин истеъдодини намойиш эта олган. Унинг дубляждаги фаолияти ҳақида ҳам илиқ гапларни айтиш мумкин. Айниқса, Ўзбекистон телевидениеси





орқали берилган кўп қисмли “Шарки ва Жорж” мультфильми унинг бу борадаги истеъдодини яна бир бор намойён қилди.

Энди икки оғиз унинг “насиҳат-гўй” лиги ҳақида. Бу борада кўпчилик ижобий фикрда. Эҳтимол, бу қизиқчи ижодининг янги қиррасидир. У ўзининг қалбини ўртаган, изтиробга солган ўй-фикрларини томошабинларга тўкиб солади. Санъаткор бу дунёнинг янада гўзалроқ, ҳаётимизнинг шабнамдек мусаффо, тиниқ бўлишини истайди. Томошабин қизиқчини тинглар экан, унинг сеҳрли овозига маҳлиё бўлади. Бу сеҳр уларни ўйга толдиради, ҳаёт ҳақида жиддий мушоҳада қилишга ундайди.

Бироқ санъаткор ижодида биров ўйлаб кўриладиган жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Ваъзида томошабинлар илтимосларига кўра пардасиз латифа-ю ўшатишларни ҳам айтади. Бу эса ўз навбатида меъёр бузилишига олиб келади.

Қизиқчининг энг катта ютуғи ўз номи ва йўналишидаги профессионал қизиқчилар театрини ташкил этиб, халқимизга манзур қила олаётганлигидадир. “Мирзо” театри кулги эстрадасининг барча шакл ва йўналишларида баракали ижод қилиб келаётган ноёб театр. Ижодий жамоа асосчиси, раҳбари ва режиссёри М. Холмедов ўзининг иқтидорли шогирдлари билан бирга айни пайтда ўзбекона кулгининг тарихан шаклланган ўзига хос ижрочилик мактабининг барча сир-синаотларини ўзлаштириш мақсадида тинимсиз изланиш олиб бормоқда.

Театр ташкил этилганидан буён ўтган давр ичида қизиқчилар жамоаси тўлиқ шаклланди. Ўз номига, ижро услубига, киёфасига ва ниҳоят ўз томошабинларига эга

бўлди. Бугунги кунда уларни нафақат Ўзбекистонда, балки қўшни юртларда ҳам яхши билишади.

Театр ҳар йили баҳорда янги томоша дастурини халқимизга намойиш этиб келади. Ҳар гал ҳеч ким кутмаган, теша тегмаган, мутлақо янги мавзудаги томошалар ижро этилади. Ҳар сафар олқишлар, қарсақлар, хатлар ва гулларнинг кети узилмайди. Томоша кечаси ҳақиқий байрамга айланади.

Қизиқчиларнинг ижро маҳорати вақт ўтган сари ҳар томонлама шаклланиб бормоқда. Турли соҳа ва мавзуларда ўз қобилиятини намойиш этиш улар ижодига ранг-баранглик олиб кирмоқда. Санъаткорлар ҳар гал саҳнага чиқар экан, томошабинларга айтмоқчи бўлган гаплари, энг аввало, уларнинг либослари-ю, юз-кўзларида ўз аксини топади. Гоҳ жўшқин кўшиқлар куйланади, гоҳ ичакузди латифалар тингланади. Ҳозиржавоблик, шартлилик, муболаға, тақлид — ҳамма-ҳаммасини уддалашади. Ана шулар востасида ўзларининг узоқ йиллар давомида шаклланган бой фантазиясини ишга солиб, саҳнада томошабинлар билан осонгина мулоқотга киришадилар, уларга таъсир ўтказиб, кези келганда ўзлари ҳам таъсирланишади, куч, илҳом олишади.

Шу ўринда, бу йил “Мирзо” театри 12 йиллик “Мучал тўйи”ни нишонлаётганини айтиб ўтмоқчимиз. Халқимизнинг яхши кунлари кўпаяверсин. Кўнгилларга кулги сизгисин. Насриддин Афанди, Матмуса... ҳаммаси бизда бўлган. “Мирзо” ҳам ўзимизники.


Тўйлар муборак бўлсин!

Эсон ЎРИНОВ,
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ





Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирилик, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Халқаро “Олтин мерос”, Ўзбекистон оқсоқоллар Кенгаши ва “Маҳалла” хайрия жамғармалари, Ўзбекистон Бадий академияси, Тошкент фото уйи ҳамкорлигида 2006 йил 14-18 март кунлари Ҳаваскор фотосуратчиларнинг Республика кўргазмаси ўтказилди.



ҒУРУР

ёки

Соҳабқарон ҳайкаллари пойига

1. ШАҲРИСАБЗ

Киндик қони тўқилган макон,
Ота макон... қуйилар оқшом.
Шаҳрисабз осмонда илк
Пайдо бўлди ярқироқ юлдуз.
Ўша юлдуз — мангулик юлдуз —
Мурғак Темур кўрган илк юлдуз.

Қўл етқулик тоғлар бағрида
Қўнғироқлар жаранг-журунги.
Қўйларини ҳайдар кўрага
Болаларнинг шовқин, гурунги.
О, Темурбек боқиб турар жим,
Ичда бир бола — Темурим.

... Тун бағрини ёриб қашқирдай
Пайдо бўлди вч-тўрт сувори.
Қутқазолмас чўпон йити, оҳ,
Кеча уйга қирган ёрини.
Қилич ўйнар мўғул бошида,
Бошлар учар тоғнинг тошидай.

Қайта қинга кирмади қилич,
Номус, гурур, қазабу нафрат
Яп-яланғоч бўлди қақиндай.
Яп-яланғоч ор ва муҳаббат.
Ориятсиз қайда гар эркак,
Юлдузларга абадий эрмак!

...Жойидан бир кўзғалди Ҳайкал.
Юрак келди бир дам жунбушга.
“Урхо-ур” лар, отлар дупури
Ўфон қайтарди... қадимий Кешга!
Овоз бўлмас экан то Ватан,
Бош кўтариб юролмагай тан!

Шаҳрисабз узра тонг отди,
Юлдуз ботди... Ассалом, Қуёш!
Етмиш икки томирларда қон,
Томирларда ҳаётбахш кўз ёш!
Амир Темур боқиб турар тик,
Овозлик-хур, абадий тирик!

2. САМАРҚАНД

“Дунё — тижорат бирла обод”.*
Дунё — тинчлик ила мухташам.
Тахтида хотиржам Темурбек,
Кабутарлар бунда хотиржам.
Тиллашлар ўз тилларида,
Шукроналик жон-дилларида.

Гувилайди Сиеб бозори,
Тўлкин-тўлкин тўрт томон оқим.
Кўзна пойтахт дарвозалари
Кутиб олар, кузатар халқни.
Кундуздади, оқшом, тундади
Олам аҳли гўё шундади.

Пойтахт бўлган Самарқанд нечун?
Бирлашдилар бунда Ғарбу Шарқ.
Соҳибқирон хотиралари
Илк кўкларнинг кўкидаги барқ —
Шуурида чақнайди чақин,
Гўё тарих сўзлайди — оқин.

Ў, ўшанда... Ургут тоғларин
Зирвасида турарди отда.
Ер юзини қанот остига
Олмоқ бўлган олмос бургутдай.
Зарафшон сола-а-р гулдурос...
“Бас, Самарқанд пойтахт бўлур, бас!”

Ўша нонлар... Самарқанд нони
Олов бўлиб чиқар тандирдан.
Самарқанднинг келинчақлари
Меҳмонларни сийлар шом, тонгда.
Бардавомдир азалий удум,
Шеърлар ўқир май хўлаб Хумий.

Гуллар келди яна пойига,
Гулчамбарлар келди хосу мос.
Гулчехралар... чехраларида
Бир фарзандлик эътимод-ихлос.
Тахти равон атрофи гулгун,
Соҳибқирон боқди мамнун!



3.
ТОШКЕНТ

Темур хиёбони.
Мен ҳар куни
Метродан чиқаман савор*га.
Майин ҳаво яйратар танини,
Ҳазор раҳмат, дейман, Оллоҳга.
Ҳиёбонда яшинвор тулпор
Кўзларида олис бир ўт бор.

Дунё алғов-далғовдир бугун,
Ўқлар учар ҳар бир пучмоқда.
Тебранади бу Курраи Арз,
Муаллақ шар каби титроқда.
Тугамаган... тугамас ҳарб-зарб,
Нима истар Шарку Ҳануб, Фарб?

Нима истар бу бани одам?
Бир-бирига ташлашар тушов.
Портлаатади обидаларни
Ўзи қуриб қўйгандек биров.
Кемалар фарқ уммон, дарёда,
Самолётлар портлар самода.

Эътиқодлар, маслақлар мужмал,
Не исташин бимас одамзот.
Ўзин урар оловга, сувга,
Огоҳ бўлиб яшамоқ — қисмат!
Оводлигим, огоҳ бўл, дейди!
Ободлигим, огоҳ бўл, дейди!

Дунё кўрган Соҳибқирон бу,
Тип-тикка тур ё бўлми тахтада.
Шаҳрисабзда маърур турар у,
Тахтидадир у Самарқанда.
Пойтахт Давлат юраги эрур,
Унда Темур тулпор-ла турур!

Фарбий Тиёншоннинг ортидан
Водий, воҳа узра гул сочиб,
Мангуликка даҳлор даҳо
Қуёш чиқар бағрини очиб.
Бедор кутиб олади Темур,
Кўзларида сўнмас асло нур.



4.
ЮРАК

Ўнг ёнимда менинг юрагим,
Унда бордир муазаам хайкал.
Фурур, дейди, унинг отини,
Ифтиҳорга қўйилган тимсол,
Гулачамбарлар ясаб меҳрдан,
Пойларига қўйғум сахардан.

Юртлар кездим. Айландим талай
Ўрусинё ўрмонларини.
Совқотганда ёқдим гулханлар
Исинтирдим меҳбоналарини...
Тап-тортмайин айтғум, о, ҳаргиз
Хайкалимни чўктирмадим тиз.

Амриқонинг маҳобатини
Кўриб ёқа ушлаганим бор.
Чиқиб Эйфел минорасига
Ҳайратда лаб тишлаганим бор.
Ҳавас қилдим, ҳасад қилмадим,
Хайкалимга лаб тишлатмадим.

Тафаккурга хайкаллар қўпдир,
Хайкаллари бор заковатнинг —
Айтаверсам бўлмас адоси
Япония деган бир юртнинг.
Бамбук каби хайкалим тикка,
Бамбукдан ҳам қўйдим юксакка!

Дўппи каби Ўзбекиюртининг
Шон-шавкатин юрдим тик тутиб.
Темур бобом тирик руҳини
ТИККА, ТАХТДА, ОТДА кўтариб!
Абад мерос — азалий мерос,
Азал мерос — абадий мерос!

Дунёда бор талай жаҳонгир,
Қабрлари йўқ эрур бирок.
Эртасига ишонмай улар,
Қолдирмаган бир қисм тулпор.
Зиёраттоҳ — Темурбек қабри,
Буни билар бор дунё аҳли!


Баҳор бўлиб чорлар Келажак,
Халқим, Юртим бўлсин барқарор.
Асрагувчи уларни абад
Юракларда Темурларим бор!
Ишонгумдир Ўзбек авлоди,
Мангу сақлар гурур — ажлодин!

2006 йил, март

* Амир Темур сўзи

* Савор — улов минган, отлақ

МИЛЛАТ САНЪАТИМИЗ ДАВОМЧИЛАРИ



Дугчилик санъати нима? У бошқа санъат турларидан нимаси билан ажралиб туради? Қандай хусусияти билан одамларни ўзига жалб этади?

«Дугчи» сўзи пахтадан ип йигирадиган урчук, оддийгина асбоб — дуг ясашдан келиб чиққан бўлиши мумкин. Жиззах воҳасида эса дугчиликнинг ёнига «бешикчилик» сўзи ҳам қўшилиб, фалончи дугчи ёки бешикчи деб айтилади. Аслини олганда, дугчилик ёғочга зеб бериш санъати дейиш мумкин бўлган хунардир.

Кейинги пайтда дугчилик санъатига ҳам аҳамият кучайди. Бу эзгу ишни, албатта, мустақиллигимизнинг шарофатидан деб

тушунмоқ керак.

Жиззахлик Кўчқор Қозоқовни бундан 5-10 йиллар аввал фақат Қозоқовни бешикчи сифатида билишар эди. Эндиликда эса у ўз ҳунари, санъати билан турли тантаналарда, кўрик-танловларда муносиб ўрнига эга бўлиб келмоқда.

Хусусан, ўз маҳсулотлари билан 1995 йили хунармандлар орасида Республикада 2-ўринни эгаллаган бўлса, «Ташаббус-98» хунармандлар кўригида «Энг яхши хунарманд» дипломи билан мукофотланди. Кўчқор Қозоқов 1995 йил 10 октябрда Вирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллиги муносабати билан ташкил этилган хунармандлар кўригида иш тирок этди. Шундан бери ҳар йили Тадбиркорлар палатасининг кўрик-танловларида қатнашиб, энг яхши ўринларни эгаллаб келади. Унинг ишлари орасида юртимиз мустақиллигига атаб ишланган асарлар, истиқлол рамзлари алоҳида ўрин тутади.

Кўчқор Қозоқов аслида устазодалар авлодидан. Бир пайтлар Жиззахда Эрназар деган уста бўлган экан. Унинг ўғли вақти келиб, уста Пирназар номи билан машҳур бўлди. Вақти келиб, унинг ўғли Азим дугчи бўлиб танилди. Қозоқ дугчи Азим дугчининг ўғли эди. Кўчқор Қозоқов ўша санъаткорларнинг бешинчи авлоди ҳисобланади.

— Фарзандларим Саъдулла, Файзулла, Нурилла, Дадажонлар менинг хунаримни яхши ўзлаштириб олишган, — дейди Кўчқор Қозоқов. — Улар, Худо хоҳласа, олтинчи авлод бўлиб етишадилар!

Фарзандлар изидан набиралар ҳам бўй кўрсатиб келишяптики, Акбаржон Қозоқовнинг 2001 йилда дугчилик маҳсулотлари учун Республика «Улугбек» жамғармаси Дипломи билан мукофотланганлиги бунинг исботидир. Шу билан бирга, Кўчқор Қозоқовнинг яна бир набираси Пўлатжоннинг ишлари ҳам кўзга кўриниб қолган. Уларга боқиб, орамизда ўз ҳунарини санъат даражасига кўтара олган юртдошларимиз бор экан, миллий кадриятларимизнинг умри бардавом бўлажак, дея ишондик.

Оқилжон ҲУСАНОВ

Сайёра Абдуллаевани юрдошларимиз тележурналист сифатида танийдилар. Айниқса, ТТКнинг “Пойтахт” ахборот дастурида узоқ вақт суҳандон, мухбир сифатидаги фаолияти, шунингдек, “Таманно” теледастури ҳам уни ўз касбининг билимдон мутахассиси сифатида элга танилди.

— 4-5 ёшли қизалоқлигимда қўлимга тушган нарсани микрофон қилиб, дикторларга тақлид қиларканман, — деб сўз бошлайди Сайёраҳон. — Менинг ўша ҳаракатларимни кўриб, отам раҳматли завқланардилар. Бетоб бўлиб ётиб қолганларида ҳам “диктор” қизимни чақиринглар, деб айтарканлар... Билмадим, балки отамнинг ҳавасими ёки Насиба Қамбаров, Раъно Умарова, Мираҳид Раҳимов, Ўткир Сиддиқов каби ўнлаб устозлар фаолиятига ораумандликми, ҳуллас, улғайгач, шу йўлни танаадам.

Ҳуллас, тележурналистика оҳанрабодек ўзинга тортарди. Дастлаб Халқаро кўрсатувлар дастурларида фаолият бошладим. Устозим Нуриддин Очилов, Ирисмат Абдухолиқовлардан телекўрсатувлар тайёрлашни ўргандим.

Меҳнат жамоанга доимо ўзингдан катталарни ҳурмат қилиш, кичикларга йўл кўрсатиш, тенгдошларингдан эса орқада қолмаслигинг даркор. Менинг озми-кўпми элга танилишимда телевидениенинг ўрни катта.

— Ахборот-таҳлил материалларини тайёрлаш, айниқса, муаммоли материалларни ёритиш журналистлар учун ҳам ҳақиқатан қийин кечмас керак?

— Саволингизга тушундим. Тайёрлаган материалингиз ўзингизга қарши бош кўтарса-чи, демоқчисиз-да! Бунга йўл қўймаслик учун журналист майда-чуйда, ярим соатда бартарарф этилиши мумкин бўлган хато ва камчиликни даида қилиб олмаслиги керак.



Сайёра АБДУЛЛАЕВА:

КАСБИМГА ХИЁНАТ ҚИЛМАЙМАН

— Бу билан қундалик кичик муаммоларга журналист аראлашиб нима қилади, демоқчисиз?

— Йўқ, жавобни бошқачароқ тушундингиз. Айтмоқчиманки, журналист, айниқса, телевидение ижодкорлари умуммуаммо, долларб хабар ва маълумотларни имкон қадар тез оммага етказиши керак. Лекин бир кўчага муҳим бўлган муаммонинг иккинчи кўча учун аҳамияти борми? Республика йўлларига бунинг дахли қандай?.. Агар журналист шундай мезонларга таяниб, тайёрлаётган материални ўзидан тажрибалироқ устозларига бир кўрсатиб оласа, бундан ижодкор ҳам, томошабин ҳам зарар топмайди.

— Бундай ҳолларда ўзингиз қандай йўл тутган бўлардингиз?

— Аввало, бизда бундай вазият деярли юзага келмайди. Чунки ишлаш механизмимиз аниқ, такомиллашган. Тайёрланилган жиғиди материал тўғридан-тўғри эфирга узатилади. Материал бир ёқлама бўлиб қолмаслиги учун ҳам кўрикка қўйилади. Ортиқча, томошабин учун муҳим бўлмаган жиҳатлар ўрнига қўшимча қилинадиган жойлари бўлса тавсия этилади. Кўрсатувлар омманики. Шу бонс, тақдим

этилатган маҳсулотни кўпчилик баҳолагани маъқул.

— Шу ўринда ижодий жамоангиз ҳақида ҳам айтиб ўтсангиз.

— Жамоамиз жуда ахл! Улар билан бир оиладекмиз. Яна кўштироқ ичида тушунишмасин, ҳақиқатан ҳам жамоамиз яхши, кўз тегмасин! Чунки ҳар бир ходимнинг қиладиган ишлари аниқ. Воқеа жойидан тасвирга олиш, монтаж ишлари дегандек. Ортиқча гапга вақт ҳам топомайсан.

— Борди-ю, сизга журналистик билан концерт дастурлари бошловчилигидан бирини танлаш керак бўлса, қайси бирини афзал билардингиз?

— Барибир, журналистик фаолиятини танлаган бўлардим. Шу касба сунгим қотди. Дўст-биродар орттирдим, инсонларга танилдим. Шундай бўлгач, мен бу касба хиёнат қилолмайман.

— Фидойи журналистларга бўлган талаб ва эҳтиёж катта бўлган бугунги даврда Сиздек серғайрат журналистлар кўп бўлишини истаймиз. Сухбатингиз учун ташаккур!

Абдулла ВАХШИВОРИЙ
суҳбатлашди.

Оила — кишилик жамияти шаклланишининг бирламчи бўғини, оилавий муносабатлар маданияти эса ижтимоий тараққиётнинг узлуксиз жараёни бўлиб, унинг шаклланиши минглаб йилларни талаб этган. Ана шу узлуксиз жараён оила барқарорлиги, унинг маънавий-ахлоқий, моддий-иқтисодий заминлари ҳам мунтазам такомиллашиб боришига сабаб бўлган.

Оила ижтимоий мавқенининг қай даражадалиги кўп

онанинг ўрни ҳам ундан кам бўлмаган.

Ўзбек оилаларида ўзаро ҳурмат, ички интизом асосида барча оила аъзоларининг ўз бурч ва вазифаларини адо этишлари, бир-бирларига нисбатан эзгулик ва меҳр-оқибат кўрсатишлари табиий ҳол. Ўзбекларда ўз шахсий манфаатидан кўра оила шаънининг баланд тутилиши, қариндош-уруғ, яқин одамлар, кўни-кўшниларга ғамхўрлик қилишнинг биринчи ўринга



ОИЛАДА АЁЛ МАСЪУЛИЯТИ



жиҳатдан аёлларнинг оилада тутган ўрни, бошқача айтганда, унинг оила масъулиятини қандай ҳис қилишига боғлиқ. Зеро, аёл ўзида муайян масъулият ҳиссини тўловчи шахс — она сифатида оилавий муносабатлар тизимида муҳим ўрин тутadi.

Буюк француз адиби Оноре де-Бальзак «Миллат келажаги — оналар кўлида» ёки Гарбий Европа маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган Жон Полнинг «Яхши одамлар кўпайсин десангиз, яхши оналарни кўпайтиринг», деган ҳикматларида ҳам оилада аёл масъулиятининг ижтимоий моҳияти ўз ифодасини топган.

Аёл сўзи арабча «оила» калимаси билан ўзакдош. Эски тилимизда «Оила аъзолари» тушунчаси «ахли аёл» бирикмаси билан ифодалангани шундан. Чиндан ҳам, оиланинг файзу баракаси кўп жиҳатдан аёлга боғлиқ. Халқимиз бекорга аёлларимизни «уй бекаси», «хонадон фариштаси» деб улуғламайди.

Аёл оилада ўзининг маънавий-ахлоқий поклиги, тежамкорлиги, гайрат-шижоати билан намуна бўлади, унинг мустаҳкам қалъага айланишида жонбозлик қилади. У фарзандларни дунёга келтириш, вояга етказиш каби фақат ўзигагина тегишли бўлган индивидуал, айна пайтда, ижтимоийлик билан узвий боғланган ўта муҳим масъулиятни ҳам ўз зиммасига олади. Ана шу масъулият замирида унинг яна бир вазифаси — оилада тарбиячи бўлишдек юмуш ҳам юзага чиқади.

Худди шу боис Шарқда аёлга эҳтиром, унинг оиладаги ўрнига диққат-этибор ўзгача. Хусусан, республикамизда ҳам оилавий муносабатларда аёлга алоҳида шароит ва имтиёзлар яратилмоқда. Оиладаги тарбия, тартиб-интизомда ота қандай масъул бўлса,

кўйилиши олий даражадаги кадрият бўлиб, оилани маҳалла ва жамият билан боғлашга хизмат қилади. Бундай интизом ва тартиб бутун халқ ва миллатнинг шарафига айланади.

Жадид маърифатпарварларидан бири Абдурауф Фитрат ёзганидек: «Миллат тақдирини мана шу миллат вакиллари яшаган оиланинг ҳолатига боғлиқдир. Каерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади».

Фитратнинг ёзишича, илм диний ва дунёвий ишларни бажариш учун зарур, аёллар ҳам илм ўрганишлари шарт. Эракка аҳли аёлини боқиш учун ҳар куни эртадан кечгача хизматга боради. Таниган-танимаганлар билан мулоқот қилади, кун давомида бир неча марта ғамга ботади. У уйига қайтганда уйи саранжом, овқати муҳайё бўлишини орзу қилади. Рафикаси очик кўнгил билан уни кутиб олиб, қайғу-аламини кўнглидан кўтаришга ёрдамлашади. Илмли ва тарбия кўрган аёллар бу ишларни ортинг билан бажариб, эрларини мамнун қиладилар. Фарзандларини жисмонан, ақлан, ахлоқан етук инсон қилиб тарбиялайдилар.

Бу матлабга эришиш учун хотин-қизларимиз — миллат оналари тарбия ва илм олишлари лозим, ахлоқ ва билимларини камолга етказишлари зарур. Акс ҳолда, хотин-қизлар ўз зиммаларидаги масъулиятни мукамал англаб, фарзанд тарбияси, уни файзу камолга етказишдаги мураккаб вазифалар моҳиятини чуқур тушуна олмайдилар. Ўсиб келаётган янги авлодни она алласи билан эзгуликка ўргатиш, Ватанга, халққа садоқат руҳида тарбиялашдек улғу ва масъулиятли иш фақат оналар фидойилиги билан



амалга ошади.

Собик тузум мафкураси барча соҳаларда бўлгани каби, аёлларнинг оила ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда ижтимоий масъулияти масаласига ҳам ноҳолис муносабатда бўлган. Ўша давр тузумидаги демографик ҳолат ва унинг хотин-қизлар саломатлигига ёмон таъсир кўрсатадиган жиҳатлари, меҳнат ва турмуш шароитининг ниҳоятда оғирлиги, кишлокларнинг

ижтимоий жиҳатдан қолоқлиги, иқтисодий қашшоқлик, экологик ахвол ва демографик вазият вужудга келтирган ҳолат аёлларнинг оила-турмуш муносабатларида ҳам бир қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Бу даврда аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллашуви турли тўсиқ ва муаммоларга дуч келди.

Оқибатда аёлларнинг саломатлиги ноҳорлашди, уларнинг кўп вақти иш жойларида ўтганлиги учун бу ҳолат уларни репродуктив вазифаларини бажаришлариغا, болалар тарбиясига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Оиладаги қариялар қаровисиз, болалар назоратсиз қолди, бу эса ўсирилар орасида жиноятчиликнинг кўпайишига олиб келди. Оилавий ажралишлар сони кўпайди.

Мустақиллик аёлларнинг оиладаги ўрнини мустаҳкамлаш, уларнинг фарзанд тарбияси, оила барқарорлигини таъминлашдаги масъулиятини оширишга кенг имкониятлар яратиб берди.

Оилаларнинг демографик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек: «Республикада оилалар асосан кўп сонли бўлиб, уларда турли авлод вакиллари бирга яшаши ва бирга ҳўжалик юритишлари. Бу эса болаларни тарбиялаш, уларни умуминсоний маънавий кадриятлардан, анъаналардан баҳраманд қилиш, билим даражасини ошириш учун қулай шароитлар яратди. Худди ана шундай оилаларда одамлар болалик чоғларидаёқ меҳнатсеварликни, катталарга ҳурматни, билим эгаллашга интилишни ўргандилар». Ана шундай оилаларда баркамол шахс тарбиясида оналар масъулиятини янада ошириш, фарзанд тарбияси учун уларга кенг шароитлар яратиб бериш бугунги куннинг долзарб вазифалиридандир.

Арофат ТОЖИАКБАРОВА

КОФЕ ЗАРАРЛИМИ!

Кофе фойдалими ёки зарарли? Бу ҳақда хар хил фикрлар мавжуд.

Бир сўз билан айтганда, кофенинг ўзига яраша яхши ва ёмон томонлари мавжуд.

Кофенинг яхши томонлари шундаки, у қон томирларини кенгайтиради, қон босимини оширади, чарчаш оқибатида келиб чиққан бош оғринини бартараф этади. Кўпчилик кофени гипертония, баъзи ошқозон-ичак касалликларини кўзгаши мумкинлиги, юрак-томир касалликларида ва кўз қорачиги зарарланишида умуман мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Бу фикрларга қўшилиб бўлмайди. Аммо кофенинг ушбу салбий таъсирлари фақат уни кўп миқдорда истеъмол қилгандагина юзага чиқиши мумкин. Чунки ҳар қандай фойдали озиқ модда ҳам ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилинганда ёмон оқибатларга олиб келади.

Унинг салбий томонларини камайтириш учун нима қилиш позим? Уни қанча миқдорда ичиш мақсадга мувофиқ? Унинг ёмон хусусиятларини қандай нейтраллаштириш мумкин?

Кофе ичгандан сўнг, албатта, бирор нарса ейиш позим, уни оч қоринга ёки тўйиб овқатлангандан кейин ичиш тавсия этилмайди. Кофени спиртли ичимликлар истеъмол қилганда ва чекиб туриб ичиш умуман тавсия этилмайди. Чунки спиртли ичимликлар ва сиргари юрак-томир касалликлари келиб чиқишига асосий сабаби бўлиб, кофе уларнинг таъсирини кучайтиради.

Кофеге сут маҳсулотлари қўшиб ичиш масаласида фикрлар жуда хилма-хил бўлиб, олимларнинг баъзилари кофеге сут маҳсулотлари қўшилганда териға ёмон таъсир кўрсатиб, унинг рангини бузувчи баъзи ферментлар ажралиб чиқиши тезлашади, деб ҳисоблашади. Бошқа бири олимларнинг фикрича, кофеге сут маҳсулотлари қўшиб унинг ошқозон-ичак тизимига бўлган ёмон таъсирини камайтиради.

Кофе ичиш ва унинг ижобий томонларидан дори сифатида фойдаланишнинг энг яхши йўли уни наъматак қайнатмасида дамлаштириш.

Кофени қанча миқдорда ичиш мумкин?

Маълумки, кофе таркибида доривор кофеин моддасининг мавжудлиги ва унинг миқдори билан қадрланади. Тиббиётда кофенинг одам ишлаш қобилияти ва кайфиятини қандайдир мудатга оширадиган миқдори белгилан қўйилган. Бу миқдор граммнинг ўндан бир миқдори» ташкил қилиб, ушбу миқдордаги кофеин 3 чой қошиқ майдаланган ва ярим чой қошиқ эрувчи кофеда мавжуддир.

Кофеинсиз кофе тайёрлаш усули ҳам мавжуд бўлиб, бунинг учун кофе донларини иссиқ сув бўларида булганатириб, бир сутка давомида сувда ивитиш ва шундан сўнггина уни қуритиш, майдалаш ва дамлаб истеъмол қилиш позим. Бундай ишлов берилган кофенинг ранги ҳамда унинг ўзига хос бўлган таъми бузилмайди.

Сўз охирида кофе истеъмол қилувчиларга яна бир неча фойдали маслаҳатлар берамиз:

1. Кофенинг ошқозон шиллиқ қаватиға таъсирини камайтириш учун уни совуқ сув билан истеъмол қилиш позим. Бундай кофе "Колумбия кофеини" деб аталади.
2. Кофе ичганда пишириқлар истеъмол қилиш ярамайди. Чунки у чарчоқ ва бош оғриқ пайдо қилиши мумкин.
3. Кофени қайнатганда унда ҳосил бўладиган кўпчики олиб ташламаган маъқул, чунки у кофенинг ўзига хос ҳиди ва таъмин сақлаб туришда ёрдам беради.

Кофени қайнаб турган сувда дамлаган ва иккиламчи кўпик-кофени, шовул кислотаси ва пурин молекуласи асослари пайдо бўлгунга қадар оловдан олган маъқул.

ХОНИМОЙ тайёрлади

Турмуш оврагарчилиги ва хизмат билан бўлиб анчадан буён кўришолмай юрган дўстларим хайит куни уйимга йиғилдилар. Кўлимдан келганича дастурхон тузадим.

Дугонам Розия мен умуман танимаган, фалатирок яسانيб олган ўрта ёшлардаги бир хотинни бошлаб келибди. Меҳмонлар билан дастурхонга ўтирдик. Бир пайт қарасам,



бояги хотиннинг холати бошқача. Қошқовоқларини сузиб, бўялган лабларини буриштириб, дастурхонга қия бўлиб ўтирибди. Ўнғайсизланган Розия уни дастурхонга таклиф қилди:

— Ўрток, бундай тузукрок ўтир, ширинликлардан ол.

— Кўп зўрлама! — деди у хотин қовоқларини янада сузиб. — Биз қачонгача мана шундай нарсаларни худди от жўхори егандек қисирлатиб еб юрамиз? Хозир маданиятли уйларда колбасаларни ялтираб турган вилкаларга чиройли санчиб, шундай сиполик билан ейшар, ажойиб ичимликларни ичишар экан. Зерикдим бу ердан. Вайгу дегани нечоғли яхши!

— Ўрток, нималар деб алжираяпсан? — деди Розия аламдан кизариб. — Вайгу деганинг нима ўзи?

— Шуни ҳам билмайсанми? Вайгу чет эл деган гап, чет эл!

Хотин шундай деди-да, оғзига солиб олган сакичини худди аравакаш камчи ургандек қарсиллата бошлади.

Ҳаммамиз анчагача жим бўлиб қолдик. Кайфиятимизни бузган бояги аёлга ер остидан қарадим.

— Хайит байрамига йиғилиб, мотамга келгандек ўтираверамизми? — деди Розия чидамай. — Қачондан бери энди кўришдик,

бундай гаплашиб ўтирайлик. Қани, Сабохат, гапни аввал ўзинг бошла.

— Маъкул, — дедим мен. — Биз-ку, ойда-ийлда бир кўришсак ҳам, ўз ватанимизда яшаймиз. Лекин болалик дугонамиз Чамангул биздан, Ватандан айрилиб чет элда яшайпти. Шу дугонамиздан кеча хат келди.

БОҒИЧУ

Ҳикоя

Гулбахор СИДДИК,
уйғур адабаси

Ичимизда энг таъсирчанимиз бўлгани учун Шамсия:

— Жон ўрток, аввал шу хатни ўқиб бер!

— деди юзлари ловуллаб ёнган ҳолда.

— Майли, — дедим-да, хатни ўқий бошладим.

“Ассалому алайкум, азиз дугонажоним Сабохат. Айёминг муборак бўлсин!

Шу топда Ватанда байрам шодлигига чўмиб, қариндош-уруғ, ёр-биродарлар билан жам бўлгандирсизлар?

Мана, мен ҳам ўзимнинг каттагина дачамада байрамни кутмоқдаман. Эримнинг башанг кийинган дўстларининг аслзода хонимларини байрам билан табриклаётган, уларнинг табрикларини қабул қилиб, юзимда қувонч билан ўтирган бўлсам-да, ўз юртимизнинг хайит дастурхонидаги ширинликлар, пишириклар хиди димоғимга урилаётгандек бўляпти.

Хайит кунлари баланд пештоқларда янграйдиган ноғора, сурнайларга жўр бўлиб байрам нишонлайдиган оташқалб юртдошларимизни, сочларини майда ўриб, хайитга атаб тиктирган кўйлақларини кийиб, кўчага чиқадиган бепардоз, табиий гўзал кизларни соғиндим.

Мана, олдимдан Франциянинг аташга одамнинг тили келмайдиган турфа ноз-неъматлари турибди. Лекин Турфоннинг ёз куёшига тобланиб пишадиган узум, қовун-тарвузлари кўз олдимдан кетмайди. Уйимга тили, дили

бошқача талай меҳмонларни чақириб қўйиб, ўзим ёлғиз балконда, кўзларимни олисларга — Ватан томонга тикиб сизларни эслаяпман.

Болалик чоғларимизда айём кунлари онам кўзёш килсалар, нимага йиғларканлар, деб ҳайрон бўлардим. Энди ўйласам, одам улғайган сари юртини, ота-онасини, қариндош-уруғларини соғиниб, гурунглашгиси, ўтган ишларни эслаб қулишгиси, йиғлагиси келаркан. Гоҳида, машинамни озода йўлларда ҳайдаб келаётиб, ушқай аравада қизилча ташиган вақтларимни соғинаман. Эрим, болаларим билан денгиз соҳилига бориб, уйимиз ёнидаги биз доим чўмиладиган анҳорни соғинаман. Эски тегирмон, маҳалламиздаги ромлари қийшайиб қолган коронғи жувозхона хануз кўз олдимда.

Энг хавотирланадиганим, болаларимнинг ўз тилини билмай улғайишидир. Уйда болаларим билан доимо ўз тилимизда гаплашаман. Бу ерда менга ўз тилимни эштитиш имконияти жуда оз бўлгани учун ҳам, тилимиздаги чиройли гап-сўзларнинггина эмас, кўчага чиқиб олиб, бир-бири билан талашадиган вайсақи хотинларнинг гапларини ҳам соғиндим. Агар, мана шу кунларда бу ернинг кўчаларида мени биронтаси соф уйғур тилида сўкса ҳам, хурсанд бўлардим.

Сабохат, мен турмушга чиқиб, чет элга кетадиган пайтимда сен менга хавас қилган бўлсанг, мана, энди мен сенга хавас қиляпман. Оллох насиб қилса, Қурбон ҳайитига қадар болаларим билан Ватанга бориб, ота-онамни, яқинларимни кўрмоқ, она заминнинг тупроқларини кўзларимга суртмоқ ниятидаман. Соғинчли саломларини айём ахлларига етказиб қўйгайсан. Олисдаги мусофир дугонанг Чамангулдан.”

Хатни кўнглим бузилган ҳолда ўқиб бўлиб, стол атрофида ўтирган меҳмонларга қарасам, ҳаммасининг кўзларида ёш. Лекин барчамизнинг ёшли кўзларимизда недир бир мамнунлик бор эди. “Ўзга юртда султон бўлгунча, ўз юртингда ултон бўл”, деган хикматнинг тагига етгандек эдик. Шу лаҳзада дўстларим билан бир-биримизга авалгидан ҳам кадрдон эдик. Бояги “вайғунараст” хотин ҳам нимагадир кўзларидоғи ёшларини тўхтатолмай, антикиб-антикиб йиғларди...

Уйғур тилидан
Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН таржимаси



Ёш истеъдодларни қўлаб-қувватлаш мақсадида бир қатор вилоятларда, нуфузани мусиқа мактабларида кўрик-танловлар ўтказиб туриш аънамага айлини қолди. Бундай танловларда турли қобилияти ёшлар кашф этилади. Шундай ёшлардан бири Лобар Жумадиловдир. У кўрикларда ўзини синаб кўриш, истеъдодини намоён қилиш мақсадида иштирок этиди. Ҳайбат аъволари Лобарни голиб деб топиди. Тенгдошларининг ижоди билан яқиндан таниди. Танловда иштирок этган ёшлар ичидан унинг голиб бўлиши тинимсиз изланишларининг самараси бўлди, десак муболага эмас.

Асида санъат — маҳорат мактаби, истеъдодни юзага чиқариш майдони. Шуни таъкидлаш лозимки, Лобар бу танловда иккинчи бор иштирок этиши. Биринчи қатнашганда анчагина тажрибасиз, тортиноқ қиз эди. Бу йилги кўрикда у ўз истеъдодини тўла намоён эта олди. Чин дилдан ҳаракат ва изланиш самараси бўлди. Унинг ўзи бу ҳақда: “Ҳар бир инсон чин дилдан ҳаракат қилса, унга омад ёр бўлиши муқаррар экан. Устозларимиз бекорга тинимсиз ишлаш, меҳнат қилиш ҳақида гапиришмас эканлар. Мана, бутунги ғалабадан уларнинг хурсандчилиги меннинг қувончларимдан кам эмас. Танловга тайёралини жараёнда тингловчи билан сирли мулоқотта киришишни, саҳнанинг сир-синоатларини, ўзини табиий тугишни ўргандим”, — дейди.

Дарахтни ширин меваси, устозни оқил шоғирди манзур қилади. Лобар устозлари Фаттоҳхон Мамадалиев, Муножот Йўлчиева, Коммуна Исмоилова, Ўзбекистон Давлат Консерваторияси профессори Рифатилла Қосимовларнинг номларини аъвоз билан тилга олади. У устозлари ўғитларига амал қилиб, бутунги кунда “Эй чехраси тобоним!”, “Чаман ялла”, “Ҳануз”, “Чоргоҳ I-II”, “Талқини ушшоқ”, “Таманно” мумтоз ашулаларини яхши ўзлаштириб олган. Ҳозир кўпчилик ёшлар остра-



да йўналишида ўзаларини синаб кўрмоқдалар. Лекин миллий мақомларимизни қуйлашга қизиққан, уларга меҳр қўйган ёшларимиз ичида Лобарга ўхшаган истеъдодлар борлиги қувончли ҳодир.

Ҳозир Лобар орзулар оstonасидан оламга бўйламоқда. Унинг келажақда устозлари сингари эл суйган хонанда бўлишини тилаб қоламиз.

Назокат
КАРИМОВА



Мустақиллик йилларида аксари соҳа ходимлари қаторида ижодкорларнинг ҳам хорижий мамлакатларга чиқиши осонлашди. Бир қатор ёзувчи ва шоирларимиз Туркия, Жанубий Корея, АҚШ, Германия, Хиндистон каби давлатларда ўтказилган халқаро анжуманларда иштирок этиб, янги нафас ила қайтишди. Дунёнинг турли юртлирида яшайтган адиблар билан танишдилар, ижодий тажриба алмашдилар. Бу сазй-ҳаракатлар миллий адабиётимизнинг жаҳон миқёсига чиқишида қўл келади, албатта.

Спортчиларимизни курраи замин аҳди яхши танийди. Эстрада қўшиқ-чилигимиз дунё бўйича ўз мухлисларини топди. Ўзбек ёзувчи-ю шоирлари шундай мақомга қачон эга бўлишади, қабилидаги савол адабиёт шинавандаларини ўйга толдираётган бўлиши табиий. Тақлилатилган эшик очилмай қолмас, деганларидек, қаламкаш аҳлидан, аввало, фаол ҳаракат жоз. Ҳазрат Навоий, Мирзо Бобур, Қодирий, Чўлпон сингари бетақроп истеъодлари билан етти иқлимга танилган бу юрт ёзувчилари бадий тавофаккур

қўқиларига дадил қадам ташлайдиган кунлар яқин.

Шу эзгу ният йўлидаги илк қадам сифатида журналимиз қошида "Таржимонлар клуби" ташкил этилди. Мазкур клуб хорижий тиллардан она тилимизга таржима амалларига қизикувчи ҳар бир қалам соҳибини бағрига чорлайди.



К.В.ТИРУМАЛЕШ,
ҳинд шоири

ШОҲ ТЎҒЛОҚ

Тун эди. Бир бутун Дехлиннинг Жимликка кўмилган ҳар ёғи. Бўш ўйларнинг очиқ эшиги. Ишониш қийиндир, бир кун илгари Бу шаҳарни тўддириб юрган Узилимиш одамлар оёғи.

Улар кетиб боришар ёлғиз, Икки киши — Шоҳ ва бир Сайёҳ, Йўл устида кўринмас бир из. Ҳатто итлар хурмайди қасддан. Ибн Батута сўрайди аста: "Маъниси не буларнинг, эй шоҳ?"

Шоҳ жилмайиб беради жавоб:
"Бу тарихда юз бергай баъзан,
Сен яхшиси завқдан жимликдан!
Бир кун яна шу кўчаларга
Тўлар одам, шовқин ва шитоб.
Имкон бўлса, етсайди кучим,
Бўшатардим ҳатто денгизни
Тубида сайр этмоқлик учун".

Сўнг ибн Батута узлатда
Аллоҳга юзланиб айтади:
"Жимликка кўмилган хилқатда
Сўзлар туғилсайди дафъатан,
Гулханлар ёнсайдди қайтадан.
Золимни этмагин ҳеч оғоҳ,
Уммонлар сиридан, эй Аллоҳ!"



Вивьен ПЛАМБ,
Янги Зеландия
шоираси

АКВАРИУМ (Викторга)

Хиргойи қиларкан, ёзаман,
"Бетс"нинг' олдидидаги аква-
риумнинг
тилла балиқчалари ҳақда.
Аквариум "Бетс" яқинида
Ўрнатилган стол устига. Бор
уқта балиқ,
Иккиси оқдйи бир тилла
баалиқдай,
учинчиси чиндан бошқача,

кўзларин устида қора ҳалқалар,
худдики бировдан калтак
егандай.

Виктор изоҳ бера: "Ҳейди"
айтарки,
агар шундай чертсанг аква-
риумни
улар ўтақасин ёрмоқлик мумкин".
Ва у черга бошлар аквариумни.
Мен эса англаган бўламан
баъзан ҳис қилинса бўлар
нарсани,
аквариум чертаётган бу ахир

Викторнинг каттакон семиз
бармоғи.

"Бетс" — Веллингтондаги театр
"Ҳейди — киши исми



Ткачом ПОЙИЛ РАЖИВАН,
хинд шоири

ЁНИШ

Ёнаётган кўчада
ловулаган уй
ёнаётган хона
ёниб очаман
ёнаётган эшикни
Оловли тахта ўрнига
Ётиб оламан
Ёниб

Тун кулга дўнда
Тахта ўриндиқмас
на эшик
ё хона
ва на уй
кўча

рўйи заминда бир
ёнаётган
МЕН



Курт ФОЛЧ,
Чили шоири

ТОНГ

Ёруғлик. Губор
оқаётиб
сачрайди

хиралик; денгиз ўтлари
кўешнинг бурчакларида

дераза рахларидан ўтиб
етиб келар у
сочларинггача

ҳашаротлар ини
тўзиб кетади
болишнинг устида.



Кристофор МЭРРИЛ,
АҚШ шоири

Кўмирнинг устида юрай деб
аста
Оёқ кийимимни ечдим, бош-
ладим,
Ўз теримни шилдим, мана,
бирпасда
Сени айлангириб, ўраб ташла-
дим.

Танамни қийма гўшт этдим,
оғринмай,
Сени севмоқ учун асли бу
ришта.

Ниҳоят, жонимни сугурдим
атая,
Сена айланмоқ-чун, фариш-
там!

Илья КАМИНСКИЙ,
АҚШ шоири

ОНАМНИНГ ТАНГОСИ

Қарайман: ёмғирда деразаси очиқ
онамнинг

Чойшаблар осиглиқ унда
тувилган кунимга дея оқ тойни
еттинчи қаватта миниб чиқар у.
“Қаерда сақлаймиз уни,
онажон?”

“Айвонда, болам!”
тўққиз ҳафта кишнаб чиқар той.
Ҳаётимнинг қоқ ўртасида: рақс
тушади онажонгинам,

Ҳа, шу жойда, болалиқдаги каби у
қанчалик бахтиёрлигимни
таърифлаб бер, дея сўрайди —
шўрвалар ҳақида эслатар мента:


ликопча ва сочиқлар аро
тиним нималигин билмайди —
ҳаракатсиз у, эшикларни очиб-
ёпади.

Бироқ, бахтнинг ўзи нимадир?
Айвондаги оппоққина той!
Онамнинг ўтмиши, елкасига илган
ёмғирпўш.
Кун орқали ўтказаман ўқ

кўрмоқ учун олтмиш ёшда чет
тилини ўрганишини —
ёш, йўқ, ёш эмас, еттинчи қаватда
тойчоқни сакратиб ўйнайди онам.

У бегона бўлар, бемалол эплайди
ўзини,
Очар неки ёпиғлик бўлса ва ёпади
очиқ нарсани.

Аъзам Обид
таржимаси



Фаргона водийсининг шарқий қисмида, ҳозирги Ўш ва Жаллобод атрофларига Чор Россияга мустамлакачилик стратегияси жиддий эътибор берган. Чунки бу ҳудудлар Ирқиштом орқали Шарқий Туркистон билан бевоҳсита қўшни эди. Россиянинг Шарқий Туркистон учун Фарб мамлакатлари билан рақобати туфайли Тяньшаннинг бу қисмида мустақкам ўрнашиб олиш муҳим ҳисобланди. Шу сабабли рус маъмурияти Кукёнғоқ, Мойлисув, Қораунгур, Норин, Қорасув дарёларининг

томонидан хариталаштирилган. Аммо русларни бу ерда жойлаштириш маҳаллий аҳолининг манфаатларига зид келди. Жумладан, Кўгарт водийсининг Қўшкенти, Қўтир камон, Гадоӣ арик, Бағиш, Қилич тамға каби қатор қишлоқларида 9000 таноб ерга маҳаллий аҳоли русларни киритмай, экин майдонларини ўлчаб тақсимлашни талаб қилдилар. Маҳаллий халқ бу ўринда авлоддан-авлодга анъанавий ўтиб келган ерларга эгалик ҳуқуқлари борлигидан хабардор эдилар. Зеро, 1886 йилда қабул қилинган

қолди.

Аҳолининг ерларини ҳазинага топширишга уриниши маъмурият томонидан рад этилган ҳоллар мавжуд. Бунга асос қилиб қуйидаги ҳолат келтирилган: аввало, эгасиз ер рус қонунларига мувофиқ бўлиши мумкин эмас. Ер ёки ҳазинага ёки деҳқонга тегишли бўлиши мумкин; иккинчидан, Кўгарт водийсидаги ерларни 1890-1893 йилларда эгалари ҳазинага топширишни афзал билганлари ҳолда 1901-1904 йилларга келиб, ушбу ерларни ўзларига қайтиб бериши талаб қилганлар. Бу

КЎРАГАТ ДАРЁСИ ВОҲАСИДА РУС КЎЧКИН АҲОЛИСИ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА МАҲАЛЛИЙ АГРАР ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВАЗИЯТ

(XIX аср охири-XX аср бошлари)

юқори оқимларини демографик стратегияси сифатида рус поселениел ири билан тўлдириб режасини олға сурди. Бутун Туркистон ўлкасида бўлгани каби бу ерларда ҳам бирин-сирин, лекин изчил суръатлар билан рус аҳолисини жойлаштириш ҳаракати давом этди.

Туркистон ўлкасини “руслаштириш”га қаратилган бу тадбирларнинг кенг моҳиятини Кўгарт водийсидаги воқеалар мисолида ҳар тарафлама кўрсатиб бериш мумкин. Шунини кўзда тутиб, бу ўринда бир архив ҳужжатига мурожаат этишни лозим топдик. Ҳужжат Туркистон генерал-губернаторлигига қарашли 11-1 фонддан бўлиб, илгари биз қўйган мақсадлар билан ўрганилган эмас эди.

1900 йилда рус маъмурияти деҳқончилик учун қулай ва серунум Кўгарт водийсидаги 1513 десятина ерни рус кўчкинчи аҳолига қишлоқлар қуриш учун ажратиб, ер ўлчовчи Стариков

Туркистонни бошқариш ҳақидаги Низомда ушбу масала аниқ-равшан қилиб ёзилган ва бундан деҳқон оммаси ҳам хабардор бўлган, деб ҳисоблаш мумкин. Мазкур қишлоқлар аҳолиси рус маъмурлари томонидан олинган планда бу ерларни акс эттиришни ва ўзларига бириктиришни талаб қилдилар.

Рус маъмурлари томонидан Кўгарт водийси ерлари маҳаллий аҳоли талабига кўра тақсимланиб, чек-чегаралар белгиланган хусусий ва дахлсиз ҳисобланган ерлардан олиндиغان солиқ тизими оғирлиги сабабли деҳқонлар бу ерларни подшолик ҳазинасига ўтказишни, бу орқали солиқнинг нисбатан энгил вариантга эришишни кўзда тутиб жиддий ҳаракат бошладилар.

Аҳолига чек-чегара қилиб тақсимланган ердан ташқари майдонлар ҳазина мулки деб эълон қилинди ва Андижон уезди тасарруфига киририлди. Шунга қарамай, бу ерлар амалда уларга ишлов берувчи аҳоли қўлида

орада Кўгарт водийсидаги ерларга рус мужиклари жойлаштирилиб қатор қишлоқлар пайдо бўлган эди; учинчидан, ерларини ҳазинага топширишдан кўра ўзларидан сақлашни афзал билганлари Кўгарт водийси аҳолисида ерга муносабатнинг ўзгарганини кўрсатди. Рус маъмурларининг фикрича, 1890-1904 йиллар орасида қирғиз чорвадор “ярим ёввойи” аҳоли ерга ишлов беришдан келадиган фойданинг фарқига борган эмиш. Илгари суғорилмаган ерга нисбатан яйловни афзал билган халқ энди ерга боғланиш истагини билдиармиш. Бу ўринда муҳим бир жиҳатга эътибор қилмоқ лозим. Бу ҳам бўлса, рус маъмурияти Кўгарт водийсидаги ерларнинг деярли барчасини рус деҳқонлари ўзлаштирганларидан кейин, гўё маҳаллий “дангаса” аҳоли ерга қизиқиб қолган эмиш. Маҳаллий аҳолига нисбатан бу қадар паст назар билан қараш рус мустамлакачилигига хос улў миллатчиликнинг яққол кўринишларидан

бири эди.

Аммо қизиғи шундаки, рус маъмурлари Кўгарт водийсида жиддий бир найрангни ишга содилар. Бу ҳам бўлса, маҳаллий аҳолининг ёзги яйловларга кетишидан фойдааниб, экин мавсумида уларга тегишли ерда ҳади томорқа олиб улгурмаган русларга вақтинча деҳқончилик қилишга рухсат берилди. Ер эгалари қишки мавсумга келган пайтда келгинди аҳоли билан маҳаллий чорвадорлар ўртасида зиддий келиб чиқиб, ғалаёнларга сабаб бўлди. Вазиятнинг қалтирилигини ҳисобга олиб, рус маъмурлари Кўгарт водийсидаги маҳаллий аҳолининг ерга бўлган ҳуқуқини қонуна эътироф этишга мажбур бўлди.

Андижон уезида ер-сув масаласи комиссияси юқоридаги вазиятдан келиб чиқиб, уни юмшатиш учун қўйидагича йўл тутди. Биринчидан, Кўгарт водийси аҳолиси бу ерларда азалдан ота-боболаридан қолган мерос ҳуқуқини рус маъмурлари тан олади. Иккинчидан, Кўгарт аҳолисининг ўз ерларини давлат хазина мулкига қўшиш тўғрисида билдирган истаклари рус подшоши томонидан қўриб чиқилмаган ва кўрсатма берилмаган. Демак, аҳоли ерларининг эгалик мақоми аслича қолавереди. Учинчидан, маҳаллий аҳолининг ерга солинадиган солиқ миқдорларидан норозилиги 1890 йилларда асосли бўлган. Чунки у пайтларда Кўгарт водийсида чорвадорлик хўжалик уклади етакчи эди. Шу муносабат билан қирғиз аҳолидан солиқ тўловлари асосан чорва ҳисобидан ундириб келинган. Бир ўринда, масалан, Қилич тамға жамоаси ерларининг план-харитага туширилмагани баҳона қилиниб, хазина мулкига қўшиб олинган. Гўё Қилич Тамға ерлари солиққа тортилмаган, шу сабабли уни подшолик мудки қилиб, янги ҳуқуқий мақомга ўтказилган. Мамасодиқ, Қуш кенти, Қўтур камон, Гадоӣ ариқ, Бағиш жамоалари маъму-

рият билан, тўғрироғи, маъмурият номидан иш қўрган солиқ инспектори билан протокол тузишга ва ўз ерларини қисман топширишга рози бўлганлар. Лекин бу усул билан маҳаллий аҳоли ердан расман маҳрум қилиш, хўжжатда кўрсатилишича, биргина солиқ инспекторининг ишида учрайди. Бу юқорида кўрсатилган қирғиз жамоаларига нисбатан алдов ва зўравонлик эди. Ушбу ҳолат бўйича 1886 йилги Туркистонни бошқариш ҳақидаги Низомнинг 255-банди қўпол равишда бузилган, деб хулоса чиқариш мумкин. Бинобарин, мазкур бандда “Маҳаллий аҳолига тегишли барча ерлар уларнинг мулки қилиб ўзларига бириктирилади”, деб кўрсатилган. Бу ўринда мустамлакачи маъмурият жамоа ерлари ўртасидаги чегараларни белгилаб беришда қатнашуви мумкин эди. “Замежевание” сўзи билан ифодаланган ушбу акт ўз навбатида қирғиз жамоалари орасида асрлар давомида амал қилган аънавий таудий тасаввурларни бузиб ташлашга қаратилган эди. Чунки энди чегаралар ўтказиш (замежевание) ички низоларга сабаб бўлиши табиий эди. Шуларни кўзда тутиб, ерга эгаллик тамойилларини бошқаришда ерли аҳолининг онгига бир қатор ҳолатлар сингдирилиб, ерни давлатга топшириш, давлат мулки мақоми афзал қилиб кўрсатишга ҳаракат қилинган. Натижада, Кўгарт водийсида мустамлака шароитида ерга эгаллик масаласидаги муносабатлар ҳар хил бўлиб, бир тоифа ер эгалари (Қилич Тамға жамоаси) ўз ерларини чегаралаб беришни сўраб мурожаат этишган. Бошқа қишлоқ жамоалари эса илгари ўзларидан хазина фойдасига соқит қилмоқчи бўлган ерларини режа-харитага туширишни (яъни рўйхатдан ўтказишни) ва сўнгра солиқ тўланадиган ер сифатида ўзларига қолдиришни талаб қилдилар.

Шу ўринда ўрганилаётган

хўжжат муаллифи маҳаллий аҳолининг ер эгаллигига интилишидан ўзича айбли хулоса чиқаришга ҳаракат қилган. Масалан, у ёзди: “Ер ўлчовчи, солиқ ҳисоби ишлари бораётган пайтда Қилич тамғаи жамоаси чегаралари ташқарисидаги ўзларига қарашли қўшимча майдонларни ҳисобчиларга кўрсатмаганлар. Энди аҳоли ўша илгари ҳисобга киритилмаган ерларини ўзларига расмийлаштириб берилишини сўрамоқда”.

Аслида, Кўгарт водийсида иш олиб борган ер ўлчаш комиссари ерларнинг эгаллик ҳуқуқи текшириш шартига мувофиқ белгиланганки, 1891 йилга қадар ер эгаллиги аънавий тарзда авлоддан-авлодга қолиб келган. Андижон уези ерларини ҳисобдан ўтказиш натижасида Кўгарт ерлари расман уезд маъмурияти ихтиёрига ўтган. Лекин амалда ердан азалдан ишлаб келган аҳоли фойдаланмаган. Аҳолининг бундайлигига хўжжат муаллифи ер ўлчовчи комиссарларни айбдор қилади. Демак, ерларни ўлчаш, режа-харитага тушириш солиққа тортиш орқали хазина фойдасига расмийлаштириш иши аста-секин зимдан давом эттирилган. Бу ҳол низоёт, 1886 йил Низомнинг аграр масалаларига оид қоидаларига ҳам зид эди.

Хулоса шуки, Чор Россияси мустамлака Туркистоннинг унумли ер бойлиқларини турли найранглари билан бўлса-да, хазина фойдасига ишлашини таъминалашга зимдан ҳаракат қилган. Демак, Низомнинг маҳаллий аҳоли тасарруфидаги ерлар амалдаги эгаларига одатдаги шароитга кўра, гувоҳлик асосида ва бошқа шаклларда тегишли бўлиб қолавереди, деган мазмундаги банди декларатив баёнот даражасидаги қуруқ расмиятга айлана борган.

Ойгул СУЮНОВА,
тарих фанлари номзоди



Кўлингизда китоб ушлаб турибсиз. Китобнинг бежирим муқовасига, этиборни тортадиган безакларига маҳлиё бўласиз. Қоғози, харфлари, хаттоки, ўзига хос хиди диққатингизни жалб этади. Қанчаллик уринсангиз-да, бунинг ортида турган қора меҳнатни тасаввур эта олмайсиз. Гўёки китоб хумдонда пишиб узилган гишт янглиғ осон яратилгандек. Аслида эса бундай эмас. Уша китобнинг қўлёзма ҳолатидан токи сиз кўриб турган шакл-шамойилга киргунига қадар, қанчалаб кишлар бош қотиришган, кўз нуруларини тўқшиган. Бунни тасаввур қила олмак баробарида матбаачилар ғайрат-шижоатига тасанно айтмоқ жоиз.

Бугун кўпгина юмушларни техниканинг ўзи уқдалайди. Лекин ўтган юз йилликда — Марказий Осмё матбаачилиги эндигина шакллана бошлаган бир вақтда ноширчилик амалининг даярили бутун жараёни қўл меҳнатига асосланган эди. Бинобарин, ҳар битта китобнинг рисоладагидай чиқishi матбаачиларнинг ишбилармонлигига, пухталигига, зукколиги-ю эстетик билимларининг даражасига боғлиқ эди. Худди шу жиҳатдан қаралганда, уларнинг яқин ўтмишимизда қолган фидокорона меҳнатларини эслаш фойдадан холи бўлмас.

Ақсари ноширларнинг устози Азиз Бобохоновни “Матбаачилигимиз пири” десак, муболага бўлмас. Негаки, у киши ўз ҳаётининг улкан қисмини ўзбек матбаачилиги тараққиётига бағишлаган.

Азиз Хамид ўғли 15 ёшидан бошлаб матбаачилик ишига қўл урди. Аслида, унинг иш фаолияти бундан анча илгари бошланган эди. Азиз саккиз ёшга тулганда отаси Хамид ака тўсатдан вафот этди. Онаси Карима ая бир этак болалари билан қолди. Орадан икки йил ўтар-ўтмас жаҳон уруши бошланиб кетди. Қорин оч, усти юпун тенгдошлари сафида Азиз ҳам иш излаб кўчага чиқди. 1941 йили папирос асовчи уста тижоратчига шогирд тушди.

Кейинроқ, Сақичмон гузаридаги қандолатчи Абдурахмон отага обакиданон пишириш, уни Эски Жўва бозорига пуллаб, онаси ва укаларини хурсанд қилишни одат қилди. Бир куни бозорда: “Обакиданон олиб кетинг”, — деб турганида тартиб ўрнатувчилардан бири ёш Азизни ушлаб, маҳалла оксоқолига топширади. Маҳалла фаоллари Карима аянинг розилигини олиб, бир йўла икки ака-укани Оқтепадаги 1-сонли етимхонага топширдилар. Ўн уч ёшга тулган Азизни етим болаларга хунар ўргатувчи колонияга ўтказишади. Шу тарика, 1947 йилда унинг номига меҳнат дафтарчаси очилади. Чакқон, ёшига нисбатан зыйрак Азиз уста Рашид Идрисов устозлигида қўлда харф териш сир-асрорларини ўрганади. Икки йилдан сўнг 5-тоифали қўлда харф терувчи хужжати ҳамда тўликсиз ўрта маълумот аттестатига эга бўлади. 1949 йилда у Тошкент шаҳар 1-сонли босмахонасига ишга йўлланди. Еш мутахассис матбаа харф терув бўлимида уста Мурод Мансуров, етук мутахассислар Зайнаб Орипова, Васил Набиевлардан матбаачилик соҳасида билиманларини астойдил ўрганди. Матбаачи ёшларнинг сардори этиб сайланди. Украинада йигитлик бурчини ўташ чоғида ҳам дивизия газетасини чоп этувчи бўлимда ҳарбий хизматни давом эттирди. Хизматдан қайтгач, Азиз Бобохонов кечки ёшлар мактабига қатнаб, етуклик аттестатини қўлга киритди. Ва республикамизнинг отахон нашриёти бўлмиш “Ўздавнашр”, хозирги “Ўзбекистон” нашриётига ишга кирди. Устози Осмондёр Бахтиёров ёрдами туфайли моҳир техник муҳаррир бўлиб этишди. Муваффақиятларини инобатга олган нашриёт бош муҳарририяти уни ТошДУ (хозирги ЎЗМУ) журналистика факультетига сиртдан ўқишга тавсия этди. У 1963 йилдан бошлаб етук олимлар Тўғон Эрназаров, Озод Шарафидинов, Расул Муҳаммадий, Очил Тоғаев каби устозларнинг мазмундор маърузаларидан баҳраманд бўлади. Худди ўша йили илк мақоласи “Ўзбекистон маданияти” газетасида дунё юзини кўради. Шу тарика иш малакаси оша борди. Эндиликда у муаллифлар билан биргаликда қўлёзмалар устида ишлар, тахириннинг рисоладагидай чиқишига қўмак беради.

— 1966 йил 26 апрелда Тошкентда рўй берган зилзила туфайли босмахоналар зарар кўрганги едимда, — деб эслайди кекса ношир. — Шу жумладан, “Ўзбекистон” нашриётининг буюртмаларини бажарувчи 3-сонли босмахона ҳам ишга яроқсиз, дейилди. Собик Иттифок матбуот қўмитаси бурунгига биноан Ўзбекистондаги барча нашриётларнинг 1966 йил режасига кирган қўлёзмалар қўшни республика ва Москва босмахоналарида чоп этилидиган бўлди. Ушанда “Ўзбекистон” нашриётга ўзбек тилидаги қўлёзмаларни Бокуда, рус тилидагиларни Москва ва хозирги Санкт-Петербургда чоп этириши топширилди.

“Ўзбекистон” нашриёт раҳбари каминани ўз хузурига чақириб, ўзбек тилидаги қўлёзмаларни йиғиб, қоғоз қопларга

жойлаштиришни, яқко-уч кунда Бокуга учиб кетишимизни, у ерда қўлэмаларни матбааларга жойлаштириб, мени барча қўлэмаларни китоб холида Тошкентга юборгунча, у ерда қолдиришни айтганида, раҳбарга: “Бу ишни бажариб бўлмайдми, чунки ўзбек алифбосидаги “ў”, “к”, “ғ”, “х” харфлари Боку матбаасида йўқ”, — деганимда, раҳбар: “Лозим бўлса, бу тўртта харфни чўнтагингизга солиб olasiz”, — деган эди жиддийлашиб.

Хақиқатан ҳам, бу юмушлар кийин эди. Негаки, ўзга республикаларда қўлэмаларни китоб холига келтириш, барча ишларга бош-қош бўлишининг маъсулияти катта. Азиз Бобохонов бу ишни яқко даражада уддалади. Шунинг учун ҳам рус тилидаги нашрларни етказиш ҳам мохир ноширга топирилди.

Республика Матбуот қўмитаси ҳайбат йиғилишида бошқа республикаларда ўз вақтида босиб чиқарилган матбаа махсулотлари коникарли деб топилди. Азиз Бобохонов Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти директор муовини лавозимга тасвია этилади. Қисқа муддат ичнда нашриётни моддий жиҳатдан яхшилаш чора-тадбири белгиланади. Орадан икки йил ўтгач, нашриётга таниқли ёзувчи Хамид Гулом раҳбар бўлиб келди.

Хамид Гулом ишни ижодий ходимларнинг савиясини оширишга ундашдан бошлайди. Нашриётга Одил Ёкубовни Бош мухаррир ўринбосарлигига, Миртемирни поэзия бўлимига, Сунватилла Анорбоевни наср бўлимига тақлиф этади. Шу тарихи Одил Миршаропов, Малик Рахронов, Миркарим Осим, Рустам Комилов, Тохир Иброхимов, Иброхим Фафуров, Мирзиёд Мирзоидов каби ноширлик устунлари, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Рауф Парфи сингари кўпгина ёшлар нашриётни ўрта Осё микёсида ижодий лабораторияга айлантириш ишига муносиб хисса қўшди-лар. Нашриёт Ўзбекистон Ёзувчилар уюмсинининг таянчига, Мирзо Турсунзода, Чингиз Айтматов, Константин Симонов, Римма Казакова сингари жаҳонга машхур адиллар тез-тез келадиган масканга айланади.

— Ғ. Гулом номли Адабиёт ва санъат нашриётида адабий мухит таъсири остида каламим анча чархланди, — деб эслайди отахон. — Биринчи китобим — «Устозлар ва шоғирдлар» таниқли олим Очил Тоғаев қўригидан ўтиб китобхонлар қўлига тегди. Дастлабки таржима китобларим (Архангелскийнинг «Бухенвалд» асари, «Даштдаги жала» (Бурят хикоялари) ёруғлик юзини кўрди. Хозир буларни эслаш, ўша, 70-йиллар адабий мухитини хотирга келтириш менга завқу шавк бағишлайди.

Азиз Бобохоновнинг меҳнатлари сингтан китобларни бугунги кунда жаҳоннинг кўплаб мактабларида учратиш мумкин. Негаки, у Москвадаги «Прогресс» нашриётининг Тошкент бўлими раҳбари ўринбосари лавозимига ишга ўтганидан

сўнг, Ўзбекистонни хорижга танитиш амалларига бош-қош бўлди.

1974 йил охирида биринчи гуруҳ таржимон-мутахассислар — Хиндистондан Манзар Салим, Судхар Кумар Матхур ва Рай Ганеш Чандралар Тошкент бўлимида шартнома асосида ишлашга розилик билдиришди. Шу аснода «Прогресс» нашриёти Тошкент бўлими штат рўйхати тўлдириб борилади. Бўлимида хорижликлар сони 50 дан (оиласини қўшиб ҳисоблаганда), ерлик ношир-мутахассислар сони 70 нафардан ошди. Алхол, матбаачиликда ўзига хос инкилоб рўй берган эди. Хорижга китоб экспорт қилишдек очилмаган қўриқ кўпчиликка ўша замонларда мўъжиза алфозида кўрингани бор гап.

Азиз Бобохонов фаолият кўрсатган «Прогресс» ва «Радуга»нинг Тошкент бўлимлари салкам 17 йил давомида озлаб адилларнинг ижод намуналарини етти шарк тилида 10 миллиондан зиёд нухсада босмадан чиқариб хориж китобхонларига етказадими, бу ҳазилакам гап эмасди, албатта. Фидокорона меҳнати инобатга олиниб, Азиз Бобохонов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвонига лойик кўрилади.

Айни вақтда у уч фарзанднинг отаси, олти набиранинг бобоси. Нафақага чикиб ҳам қўл қовуштириб ўтирмади. У «Ўзбекистон мустақиллиги» махалласида оксоқоллар қатори махалла юмушларини бажаришда ёшларга елкадош.

Меҳнат фахрийси Азиз ота ўтган умрига хаёлан назар ташларкан: «Мен ўз хаётимдан мамнунман, ўтган хаётим давомида жуда яхши одамлар билан ишладим. Улардан кўп нараса ўргандим. Энди менинг изимдан шоғирдларим шаҳдам кадам ташлаб келишмоқда», — дейди. Отахоннинг турмуш ўртоғи Муқаддас ая ўзининг 38 йил умрини «Медицина» (хозирги «Ибн Сино») нашриётига бағишлади. Ўғли ҳам ота изидан бориб «Мажнунтол», «Ёзувчи» нашриётларида раҳбар ўринбосари лавозимига фаолият кўрсатди. Кизи Раънохон — китобшунос. Ухуллас, бу сулоланин китобга меҳр-муҳаббати бўлачка.

«Инсоният ихтиро этган кашфиётлардан энг афзали китобдир», деган экан донишмандлардан бири. Бинобарин, китобга бағишланган умр инсонийликка, эзгуликка садқа этилган умр саналади. Азиз ота ана шундай бахтга мушарраф бўлганлар сафига кирди.

Бугун Азиз ота 75 бахорини қаршилаётир. Шундай улуг айёмда барча яқинлари, шоғирдлари Азиз ота хамиша омон бўлиб, юз ёшларга етиб, хонадонлари файзига файз қўшиб юришларини истайдилар.

Акбар Али

КҮНГЛИОЧИҚ ОДАМ... ЭДИ

Бу оламда кўрганидан хулоса чиқаролмаслик, биганига амал қилмаслик бобода одамзода тенг келадиган яратқч йўқ. Акс ҳолда, умрининг ўткичи, мавжудлигининг омонат эканини билатўриб, бир-бирига бу қодар беларво бўлмаган, ўзгалар тириклигини азобга айлантиришга бунчалик уринмаган бўларди. Яқиндагина давраларнинг гули бўлиб юрган кўнгли очик, суҳбати ёқимли профессор Нурилла Ахмедовнинг кутилмаганда вафот этиши мени шу хил ўйларга толдирди. Ҳамиша кулиб турадиган, чертиб кийинадиган, оқибатли экани, одамнинг кўнглини толиб гапиргани туфайли таниш-билиш керагидан ҳам кўпроқ бўлган соғпа-соғбу йигитнинг ҳаёти йўли эллик еттинчи бекатга келганда бирданига узилгани унинг яқинларига қаттиқ тасвир кийди.

Асл улуглик савлату салябат, адоқсиз давлат ёки доно насихатда эмас, балки эзгу амалда ноаён бўлар экан. Чинакам улуг иш деб фақат дунёнинг тақдирини ҳал этадиган глобал муаммоларни ечишигина эмас, ёнинг-да яшөөтган кишиларнинг дардига шерик бўлиш, уларнинг елқосидаги оқибатлилаш ҳам қаралар экан. Нурилла ўттиз бешга кирганда қирқ беш яшар акиси Хайрулла вафот этиб, унинг бири-биридан кичик ўн боласи етим қолди. У ўша пайлар Миллий университетнинг доқласи эди. Нурилла ўзининг тўрт боласига қўшиб, ақасининг ўн боласини ҳам бағрига олди. «Бағрига олиш» тўғри маслаҳат бериш шаклидагина бўлмагани боис қисқагина умримобайида Нурилла ўттизга яқин тўй ўтказди. Ақасининг борча фарзандларини ўқитиб, уларга жойлик кийди. Шу сабаб у дөим ташвишга кўмилиб яшди. У ҳал қилмаслиқнинг бўлган муаммоларининг саногий йўқ эди. Жўрамиз 2005 йилнинг октябрий оқасининг кеңжа ўлимини уйлантирган. «Узим учун яшайдиган даврга ҳам етиб келдим, шукур!» — деганда. Афсуски, қисматнинг мўлжаллари бўлак-чақан.

Ташқаридан қараган кишига фақат омадёр одам бўлиб кўринадиган Нурилла аслида синовларга туғла, азобли умр кечирди. Айни ўйнаб-қуладиган ёхуд илм-чўққиларини эгалайдиган ёшда икки йилнинг болаларини оёққа турғизиб билан андормон бўлди. Шулардан ортириб, фанномзода доктори бўлишга имкон топди. Туппа-тузук мансабларда ишлади. У катта лавозимда экани ҳам, имкон қадар, одамларга яхшилик қилишга

уринди.

Кетма-кет ташвишларга кўмилиб яшайдиган жўрамизни чағлиғиш мақсадида Нурилла эллик бешга тўлганда яқин дўстларнинг кўнглига кичикроқ доирада бўлса ҳам, шу санани нишонлаш керак деган фикр келди. Бунга Нурилани кўндириш осон бўлмади. Кўпчилик илм одамларидан фарқ қилароқ у ўзини улкан олим ҳисобламас, ўрнини жуда яхши билар ва ўзини давралар тўрига уравермасди. Жўралар бирикиб, бу «юбилейча»ни 2004 йилнинг 15-16 май кунлари Зомида — Нурилла туғилиб воёга етган қишлоқ ва ўқиган мактабда ўтказдик. Тоққа чиқиб, бу кунни нишонлаган бўдик. Шоирлар: Мухаммад Али, Азим Суяюн, Ширин Али, олимлардан: Уйроқ Ҳамидов, Аҳдхубек Алимбеков ва мен Зомидан чиққан адабиётшунос олим ва домла Н. Ахмедовнинг шахсияти ҳамда илмий фаолияти ҳақида икки-уч жойда чиқишлар қилдик. Энди ўйласам, Нуриланинг ҳаётидаги энг масрур дамлардан бўлган экан ўша кунлар. Чунки ўй кишиси учун бекорга яшаманглигини билишдан каттароқ бахт йўқ-да ўзи!

Ўша кунлари дид билан чертиб кийинадиган, ўйлаб-ва толиб сўйлайдиган сарқомат Нурилани эллик бешга тўлган профессорга ўхшатиб бўлмасди. Чунки бирпасда ҳамма учун: «ўзимизнинг Нуриллага» айланиб кетадиган, одамнинг жонидай бу йигитда ёшига муносиб савлат ҳам, докторлигининг эгаси туртирадиган димоғ ҳам йўқ эди. У ўзининг қилиш-интиш қилмайверадиган иззатлаб қас ҳам эмас эди. Бунинг ўрнига унда тиниб-тинимаслик, оғаларча жонқурлик, қимга тегишли бўлишга қарамай, ҳар қандай мушкулотни ҳал қилишнинг энг самарали йўлини топишга адоқсиз ташналик бор эди. Назари қиличдай ўткир, қомати новдадай эгилувчан, ўзи қолондай ҳаракатчан бу йигитга ҳайвонд кетөөтган вақтида ҳам эллик етиёш бериб бўлмасди!

Нурилла кечаги кунини, сув иган булоқларини унутмайдиган одам эди. Шунинг учун ҳам ўттиз йилдан бери Тошкентда яшөөтган ва ишөөтган бўлса-да, қишқик қони тўклаган ота маконидан бирор кун ҳам узилган эмасди. Унга тегишли бирор тўй-маъракага бормай қолмасди. У кўнглидан чықарқиб кўнги оладиган одам эди. Шунинг учун ҳам, кўп йил олдин раҳматли Мухсин

Олимов домла: «**Нуриланинг одамлари даладаги ғўзаяздан ҳам кўп**», — деганда муболага қилмаганди.

Нуриланинг тийнатидаги чығилар ҳақида гапирганда, унинг ота қадрдонларини йўқлаши, умрининг охирига қадар ултар билан қариндошлик иларини узмаганини мени қойил қолдиради. Фарғонанинг Бағдод шаҳрида Нуриланинг отаси ва акиси билан қадрдон бўлган кишиларнинг урлоқлари яшашди. Шундай тезкор замонада, ҳаммиша минглаб ташвишларга кўмилиб юрадиган жўрамиз ота қадрдонларининг авлодлари билан алоқани узмай келди.

Нурилла доим одамлар орасида, улар билан, улар учун яшарди, уларга сўтган кунни кун ҳисобламасди. Мен шунан йилдан бери бирор марта унинг уйини меҳмонсиз кўрмаганман. Шаҳарда эшик очик қолдирмайди. Шунинг учун ҳам Нуриланинг да дарвоза эшиги билан унинг кўнгиригизинг кўп тузатилади. Чунки улар **тинимсиз** ишлатилверадиган яроқсиз бўлиб қоларди. Яқинда жўрамизнинг руҳига фотиҳа ўқиш, уйдагилардан яна бир кўнгли сўраш учун Нуриланингига борас... дарвоза кулф экан. Анчадан кейин ҳайхотдай ҳолида биргина Норойяга пайдо бўлди. Ҳар доим ғала-ғовур ва кулги эшитилиб турадиган уйи совуқ сукунат оғушда эди.

Нуриланинг қариндошларига, яқинларига оқибати ҳақида бутун бир китоб ёзиш мумкин. Мен унинг шаҳардаги ўз уйига уқаларини жойлаштиришнинг биланман. Қариндошларининг ҳар бирига иш топиб бериш учун қилларгадир йўлиқиб, эвазига қилларнингдир икки дунёда битмайдиган юмушларини битириш Нуриллага қандай мапоп келмаганини, муқсофоти ҳам, адоғи ҳам бўлмаган бу югур-югурлар жўрамизни қандай толқитмаганини ҳалиям тушунолмаман. Биз, жигарларига ҳали яхшилик қилмай туриб, чорчаб кетадиган одамлар назарда Нуриланинг фидойилиги жуда тушунарсиз кўрилади. Аслида, шояннинг сўзи билан айтганда: «**Шундай яшар, одамла, одам!**» Эҳтимол, унинг жисмидаги қувватнинг эртароқ тугашига шу жонсарақлиги ҳам тасвир қилгандир.

Нурилла жўрамизнинг бағри кенглиги, жигарларига меҳрибонлиги мени ҳам тўқилантирарди, ҳам уйлтирарди. Тўқилантиргани — унинг яқинларига меҳрини,

одамгарчилигини, қилган ёрдамини кўриб, ҳавас қилман, уялтиргани — худого шукур бизда ҳам яқинлар йўқ эмас, лекин мен яқинларимга у қариндошларига қилган ишининг юздан бирини ҳам қилолмаيمان. Ақдақдан қолган бир этак болонинг ҳаммасини уйли-ҳойли қилиб, умрининг охирига қадар уларнинг оёққа туриб, рўзгор тебратиб кетишини кузатиб бориш, керак бўлганда ҳеч масалолманмай ёрдам бериш учун фақат Нурилла бўлиш керак. Шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтида Нурилла билан бирга ишлайдиган Рўзмондеган йигит авжи навқирон чоғида вафот этиб қолди. Чироққилиб бу йигитни ота юртига Нурилла олиб кетди. Холбуки, шу вақтда ўзининг оёли тузалмас дардга қўликиб, сўнгги кунларини кеңироётганда. Қайтиб келганидан бир кун кейин оёли тилла буви олсамдан ўтганда.

Мен Нурилланинг шоир Азим Суломоннинг тоғ қишлоғидаги қариндошларининг қўю мойли кўп, ўзига тўқ эканини кўриб яраб кетганига, улар билан жончиқлар парваршиш тўғрисида эзилиб гурунлашганига ғувох бўлганман. Накуртиқлар бугунгача ҳам биргина марта кўрган бу одамни унуттишмайди. Чунки кўнгилик кишиси бўлган Нурилла ўзгаларнинг кўнгилига ҳам кириб боради.

Шуна фазила тариқетга монандай, раҳматли Нурилла худ таиниб-тинчмаси ва турли синалмаган ишларга ўч ташкилотчи ҳам эди. Шунинг учун ҳам унинг боймоқли қишлоғида ери, фермаси, транктори, экинлари, боғи бўлиши бизни унга ажаблантирмасди. Чунки дунёни ақл ва ғайрат бошқаради. Фақат дағнассавношудки мисалларини мушкулотдан чўчиб, тиржиччилигини унда айлалмай оради.

Нуриланинг инсон сифатидаги фазила-ларини айтиб адо қилиш қийин. У синиқ одам эди. Шунинг учун ҳам иззатталаблик қилвермас, айна вақтда шайини баланд тутарди. Шунини ишон билан айта оламаник, унинг олимлиги ҳам эътибор соғайиқ эди. Қасд қилган қўрғонини олмай қўймайдиган, қўзлаган марраси гаёт мадантини қийиндиган Нурилла 1979 йилда «**Ўзбек ва Болтиқ-бўйи халқлари адабий алоқалари**» мавзусида номзодлик, 1994 йилда эса «**Бадий адабиётда Алишер Навоий образи тарқалини муаммолари**» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади. Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультетида узоқ йиллар довллаш қилди.

Н. Аҳмедовнинг олим сифатидаги қиёфасидаги ўзига хослик хазрати Алишер Навоий сиймосининг бадий адабиётдаги тарқалини муаммосини ҳал этишида аққол қуринган. Олим 1989 йилда Гафур Фулом номлидаги нашриётда чоп этилган «**Тарихий шахс тарқалини**» китобида буюк шоир ва мутафаккир

сиймосининг нафақат ўзбек, балқитуркман, тожик, азарбайжон, рус, литва, латиш, эстон ва б.к. халқлар адабиётларида тасвирланганининг илмий тамойилларини, Бундаги қонунлар, ютуқ ва камчиликларнинг итирларини хусусида жуда асосли фикр юритган. Олим Алишер Навоийдай бадий эстетик феноменнинг юзага келиши сабабини жуда ишонарли асослади. Унинг жойда тасодифан бўлмаганини, дунёдаги энг кудратли

салтанатлардан бирини юзага келтирган туркий миллатнинг тили эга бўлган бадий инкони ятарли амалий ва назорий жиҳатдан кўрсатиш учун Навоийдай даҳога ижтимоий эстетик эҳтиёж пайдо бўлганини, ана шу эҳтиёж туғрайли Алишер Навоий феномени юзага келганини ишонарли асослаб беради. Олим ёзади: «**Унга [ўзбек адабиётига — К.И.] энди қудратли ва кўп арлик ананаларга эга бўлган форс тилидаги буюк асарлар билан ижодий беллаша оладиган, кашфиётлар ярата олишга қодир улкан санъаткор, мутафаккир ҳамда ватанпарвар, фидойи шахс керак эди. Бу шахс маълум даражада шаклланган ўзбек ёзма адабиёти ва адабий тили заминига таянган ҳолда поэтик тафаккур бораида қатъий сифат ўзгаришларини вуждга келтириши ҳамда ўзбек адабиёти, адабий тилининг тараққиёт уфқларини белгилаб бериши лозим эди**». Эътибор қилинг, олим Навоийни ўзбек адабий тилининг асосчиси демайди, миллий адабиётни, бинобарин, адабий тилни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарган ижодкор деб қарайди.

Нурилла домла Алишер Навоий тимсолининг бадий тақлими муаммоларини ҳал қилиш асосида миллий тафаккурдаги янги лангашларни ақд эттиришга ҳаракат қилади. Жумладан, шўро замонидаги или халқни мукаддас, ҳар қандай камчилигу нуксонлардан холи бир куч сифатида қўрар эди. Аҳмедовнинг «Тарихий шахс тарқалини» китобида бу масалага янги ёндашуш намойён бўлди. Олим: «**Мазкур адабий ҳодисанинг (Навоий ҳақида асарлар яратилишининг — К.И.) юзага келишида ўзига хос ички қонуният мавжуд. Мазкур қонуниятнинг асосларидан бири халқнинг ўз сукукли фарзандига бўлган меҳр-муҳаббати ҳамда бу буюк фидойи ватанпарвар олдидagi адаб бўлмас манъавий қарзини узишга интилишидир**» — деб ёзади. Кўчирмага эътибор қилинг: Нуриллага ҳар қандай шахс, жумладан, Навоий ҳам халқдан қардор деб ҳисобланар эди. Олим масалани ўзгана қўяди

— халқ Алишер Навоий шахси олдида адоқ бўлмас даражада манъавий қардордир ва озаки ижод намуналаридан Навоий ҳақидаги асарлар айнан шу қарзларни узишнинг оқибати ўлароқ пайдо бўлган!

Тарихий шахсларнинг халқ озаки ижодига ифодаси учун қайси жиҳат муҳим эканини ҳақиқатда Нурилла Аҳмедов қарашлари оҳорли эканини биландиқлати тортади. Олимнинг фанқор асарлари учун: «**...факт аниқлиги эмас, балки тарихий моҳият аниқлиги, унинг буюк шахс шаклу шамойилига мутаносиблиги муҳимдир. Бу ўзига хос хусусият, яъни тарихий моҳият аниқлигини бериш ҳатто халқ ривоятлари асосида яратилган ҳам адабиёт намуналарида ҳам сақланиб қолади. Чунки у халқ бадий тафаккурининг узоқ асарлар давомида шаклланиб, тегишли тақомилга етган ифода-лашу усулидир**» — деган қараш миллий адабиётшунослигимиз учун ўзига хос топилма эди. Нурилла Алишер Навоий шахсияти моҳиятини ўша замонда яратилган тарихий-илмий битиклардан кўра буюк шоирнинг ўз асарларидан қидириш самаралироқ деб билади: «**Ҳар қандай шоирнинг ўз шеърларидан ҳаммаи — тан олинган ҳақиқат. Башундай экан, шоир сатрларидаги ҳолат ҳам, ифода услуби ҳам шоир ҳаёти билан ҳаммоҳандир**».

Олим халқ озаки ижодининг Алишер Навоий шахсияти ҳақидаги намуналарида муайян қонуниятга амал қилинганини, ижодкор халқ шоир шахсида чиндан ҳам мавжуд бўлган сифатлардан кўра, унда бўлишини ўзи истаган хусусиятларни кўрсатишга мойил эканини тасдиқлаб ёзади: «**Халқ поэтик тафаккурдаги фактларини ўта нозиклик билан ўзгартариш, уни ўта фантастик аниқлик билан тўйинтириш бошланган**». Чунки халқ ижоди учун Навоий шахси ҳақидаги тарихий ҳақиқат эмас, ўзи яратадиган бадий ҳақиқат муҳимроқ эди. Қизиғи шундаки, факт аниқлигидан кўра, ўшандай бадий «қуйдирма» баъзан даҳо шахсиятини очинга кўпроқ хизмат қилади. Тодқиқотчи миллий адабиётшунослиқда илк бор «фантастик аниқлик» тушунчасини қўлади. Холбуки, «**фантастик**» тушунчаси ўз-ўзидан «**аниқлик**» тушунчасини инкор этади. Олимнинг хизмати шундаки, у халқ ижодида фактларни беришдаги ноаниқлик ўз ўрнида бадий аниқликни яратишга қўл келган янги нозик эстетик бади.

Н. Аҳмедов туркман, азар, рус, болтиқ-бўйи, қозок, тожик ва б.к. халқлар адабиётда Алишер Навоий ҳақида яратилган асарларни

мисқоллаб излаб топган, кирилл ёзувиغا табиий этиб, таржималарини тайёрлаган, сўнг уларда Навоий шахсиятининг қайси жиҳати қандай ақс эттирилганлигини асослашга уринган. Хуллас, профессор Н. Аҳмедовнинг адабиётшунос сифатидаги фаолияти ҳам мутахассислар эътиборини тортганидан, уларни мунозарасига чорлайдиган даражада эди. Шунинг учун ҳам унинг айрим чиқишлари юзасидан қаттиқ баҳслар бўлган. Олимнинг «Алғомиш» талқинлари» китоби юзасидан 2003 йилда қилган чиқиши мамлакатимизнинг катта олимлари томонидан турли нуқтаи назардаги учта мақола ёзилишига сабаб бўлдики, бу Нуриланинг илмий имкониятлари қандайлигидан далолат беради. Нурилла уч китоб, ўттиздан ортиқ мақола эълон қилган. Агар у ҳам бутун эътиборини фақат илминг ўзига берганида ҳозиргидан кўра бир неча баробар маҳсулдорроқ ижод қилиши мумкин эди. Серқирра шахсият эгаси сифатида у фаолиятининг бошқа жиҳатларидан ҳам ўз кечмади. Нурилла турфаликни севадиган, бир хил ҳаёт тарзига кўнкулмайдиган шахс эди.

Нурилла хотиржам бўлмасигина хотиржам бўладиган ҳаракатдан одам эди. Ҳаракат эса ҳаёт демакдир. Демак, у узок яшаши мумкин эди. Лекин тақдирнинг хужми унгача бўлди. Мана, Нуриланинг боғишлар ёдлов ёзаётгирмиз. Демак, у жисман биз билан бўлмасида, кўнги билан рўзга яшаётгирми.

Нурилла жўғам ғоят оқибатли одам эди. Унинг устози Лазиз Қасимовга садоқатини ҳаммага ибрат қилиб кўрсатса бўларди. Тузум ўзгариб, домла амаллардан тушган, унитаркид қиларидан, у ҳақда написандроқ оҳангда гапираридан «ботирлар» кўпайди. Нурилла ҳар қандай даврада домласининг ҳимоясига сўз айтганига ғувохман. Лазиз ақанинг соғлиғида ҳам, хасталиғида ҳам ундан хабар олиб турди, устознинг ўлимидан кейин ҳам кўлидан келганча оқибат кўрсатганини биларман. Бўлмаса, домлада бошқа шогирдлар ҳам кам эмасди.

Нурилла Аҳмад 2006 йилнинг 9 январида соат тўққиз яримларда вафот этди. Ҳаёт муаммоларининг энг тўғри ва осон ечимини топишга эғил бўлган жўрам ўлимига ҳам энг ташвишсиз йўлдан борди. Янги оғиримди, ётиб қолмади, бировга малоллик келтирмади. Жума кунини ўз овия билан бориб, ўзини текширтирмоқчи бўлган одам душанба кунини ўлиб кўюлди.

Нурилла одамнинг жони эди. Каттаоқ кичик билан тил топилиб кетаверарди. Ҳеч кимнинг суҳбатидан зерикмасди ва ўзи ҳам ҳеч кимни зериктирмайдиган одам эди. Жўрамдан Аллоҳ рози бўлсин!

Қозоқбой ЙЎЛДОШ



Баҳор келиб, далаларда иш бошланиши билан, бунёдкорлик юмушлари ҳам авж олиб кетди. Ўз-ўзидан маълумки, қурилиш ишлари осон битадиган ташвиш эмас. Дастлаб, зарурий ашёларни олиш учун қурилиш моллари бозорига югураемиз. Бугунги кунда маҳсулотларнинг турли-туманлиги, замонавий ускуналар кўпайиб қолгани танлаш имкониятини кенгайтириш билан бир қаторда, бироз бошни ҳам қотиради. Уйимизни хомаки тасаввур қилганимиз бир томонда қолиб, замонавий ускуналарни танлашга тушиб кетамиз. Ҳаммаси битди. Ниҳоят, томни ёпиш керак. Яна тасаввуримиздаги шифер ўрнига бозордан ранг-баранг черепицалар, замонавий том ёпиш маҳсулотларини танлай бошлаймиз...

1-4 март кунлари пойтахтимизда 7-Ўзбек Халқаро қурилиш кўرғазмаси бўлиб ўтди. Унда замонавий, пишиқ, сифатли ашёлари билан бир қанча қўшма корхоналар, компаниялар иштирок этишди. Айтиб ўтиш керак, кўрғазмада ромлар павильони биринчи, том ёпиш маҳсулотлари иккинчи ўринни эгаллади. Демак, бежирим, замонавий маҳсулотлар ўз баҳосига сазовор бўлибди.

Мухбиримиз «Ипак» Том ёпиш маҳсулотлари Туркия — Ўзбекистон қўшма корхонаси маҳсулотларини сотиш ҳуқуқини олган «Ondulin» корхонаси Бош менежери Низом Қораев билан суҳбатда бўлди.

— Юртдошларимиз, уй-жой ва бошқа биноларни асосан шифер билан ёпишга одатланишган. Сизлар тавсия этаётган рангли черепицалар ўрнатилиши мураккаблиги, нархи масалаларида харидорларга қийинчилик туғдирмайдими?

— Биз ўрганган одатий шиферларга эътирозим йўқ. Келинг, яхшиши маҳсулотларимиз тўғрисида батафсил маълумот берай. «Oндулин» деб номланувчи черепицаларнинг бўйи икки метр, эни 95 сантиметр, ўн ўрқачли бу маҳсулот икки квадрат метр жойни ёпди. Донаси 14 минг сўм туради. Ўзининг махсус миҳлари билан ўрнатилади. 40-60 градус совуққа ҳам, бизнинг жазирама иссиқ иқлимга ҳам дош бера олади. Яна бир жиҳати ўрқачлари ихчам, ўрнатилиши қулай, жуда чидамли. Шунингдек, маҳсулотларимиз Франция технологияси асосида Туркияда ишлаб чиқарилганлигини, халқаро ИСО ва «Ташэкспертиза» сертификатларига эгаллигини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Яна бир маҳсулотимиз «Битулин» деб номланади. Уни ҳовлиларга, полга, томга ҳам ўрнатиш мумкин. Қисқаси, бу «ёйиқ шифер»нинг ҳам ўзига хос қулай томонлари кўп. Биринчидан, уларнинг эстетик томонига аҳамиятли. Бир ўрамаси 20 квадрат

метрни ташкил қилади. Ўрнатилган ҳам миҳ ишлатилмайди. Махсус елим билан ёпиштирилади. “Фандулин” эса, “сув юқтирмас” маҳсулот бўлиб, бассейн, ҳовуз, ванналарнинг девори ва полига ишлатилади.

— Кўпчиликка тушунарли бўлмаган “Isoline” ва “Rufoline” тизимлари ҳақида ҳам тушунча берсангиз.

— Бунинг тушунарли бўлиши учун расмлар, каталоглар чоп этдик. Кўрғазмада кўпчилик бу тизимларни “астар-аврали” ёпиш деб таъкидлашди. Черепицали ёпиш бир асрдан зиёд вақт ўтдики, энг оммавий, энг чиройли, иқлимбоп қурилиш материали сифатида ўзини оқлаб келаяпти. Аҳамиятли томони — ёгингарчилик, иссиқ-совуқ ва табиий офатлардан асрайди. “Isoline” тизими томни, ҳар қандай сатҳни махсус қурилиш плиталари билан қоплаш жараёни бўлиб, ишлар марсел усулида амалга оширилади. Ҳамма ишлар махсус қўлланма асосида амалга оширилади. “Rufoline” тизими эса “Алатурк” черепицалари билан қоплаш усулидир. Бунда ашёлар бир-бирига кириштирилиб терилади. Бу материал қулайлиги, сифатлилиги билан ажралиб туради.

— Бу маҳсулотлар билан ёпилган биноларни кейин ҳам ўрганиш учун назорат қиласизларми? Умуман, Сиз тавсия этаётган материалларни қаерлардан топиш мумкин?

— Шаҳарнинг Яккасарой, Чилонзор, Мирзо Улугбек туманларидаги ишхона ва идоралар бинолари, маҳаллалардаги турар-жой бинолари, кўпгина хусусий уйлارни ёпишда бу маҳсулотлардан фойдаланилган. Ўзи маҳсулотларимиз тез кўзга ташланади. Узоқдан томларга қараб қайси материал билан том ёпилганини айтиб бера оламан, Шукурки, харидорларимиз, биз билан шартнома тузувчилар кўпайиб бораёпти. Шикоятлар йўқ.

Кейинги саволингизга келсак, Содиқ Азимов кўчасида идорамиз жойлашган. Паркент, Ўрқизор, Қўйлиқ бозорларида сотув дўконларимиз бор.

Абдурауф РАҲИМҚУЛОВ
суҳбатлашди



СОЗ СЕҶУРИ

Ҳаётимизни куй-қўшиқсиз, мусиқасиз, бир сўз билан айтганда, санъатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, эрта тонгда, субҳидамда янграган куй-наво кун бўйи кайфиятни кўтаради, инсонни эзгу ишларга чорлайди. Қалбдаги губорларни тарқатиб, киши руҳиятига ором бахш этади. Агар тинглаган куйингиз най созида моҳир созанда

ижросида янграган бўлса-чи? Унда бу навонинг сурури яна-да ортади.

Шундай созлар бўладикки, ундан таралаётган навои тинглаб чоғланиши ҳам, борлиғи ҳам унутиб, куй оғушига фарқ бўлади киши. Бироқ ҳар қандай сознинг сеҳри чоғланишнинг маҳорати ила намайен бўлади. Шундай ижрочилардан бири Ўзбекистон Давлат Консерваторияси

профессори Мирза Тоировдир. У киши салкам олтинш йилдан буён ҳам созадалик, ҳам педагоглик фаолиятларининг фидойиси.

Мирза акадан ўзи ҳақида гапиришларини сўрашса, талабалитини, Консерваторияда А.И.Петросяц синфида таҳсил олганини биринчи бўлиб ёдга олади. Чунки, ҳар қандай инсоннинг ўз касби устаси бўлиб

Қоронги тушиши билан Овқашка тоғининг сойда тунашга қолади. Тунни гулхан атрофида ўтказиб, сахарда шу тоғнинг қозларидан ов қилоқчимиз. Гулхан ёқиб, ўзимизга жой ҳозирлади.

Шоҳлари сувга эгилган оқ қайинларнинг сийрақлашиб қолган тилларан барглари орасидаги ажойиб “қандил”га кўзим тушди. У ҳам шуъла таъсирида гоҳ ярақлаб, гоҳ сўнардди. Қоя устидаги арча тагидан шилдираб оққан шаршора қат-қат сумалақлар ҳосил қилиб, биллур “қандил” яратибди.

Хаёлим олисга, уруш йилларига олиб кетди. Худди шунақани ноябр кунларида Москва остонасида оғир жанглар борарди. Генерал фон Гудерианнинг танк армияси колонналари Москвага интиларди — хатто дурбин билан Москвави кўришадиган бўлишарди. Бизнинг 18-тоғ кавалерия дивизиямиз Эроннинг Машҳад шаҳридан Қушгага қайтгач, эшелонлар билан Москва яқинидаги Клиш шаҳрига келди. Вагонлардан от ва техникаларимизни тушириб, дарров шаҳар химоячилари сафига қўшилдик. Полкимизнинг семимли офицерларидан бири Набижон Усмоновни ҳаммаимиз яхши танирдик. Баланд бўйли, киррабурун, лаблари устида ўзига ярашган ингичка мўйлови хунига ҳусн қўшиб турарди. Полкимизга қўшилганидан икки ой ўтмасданок ўзини дуюрак йигит сифатида кўрсатди.

Мен у билан тез танишдим. Дивизиямизда туркман йигитлари кўпчилик эди. Эртаси кунiek мен Набижоннинг бутун таржимаи ҳолини билиб олдим. У етилликда катта бўлиб, интернетда таълим олган. Хатто туғилган шаҳрини билмас экан. “Аммо Фарғона водийсида туғилганимни аниқ билмаман”, — деган эди. Айтшича, қурилиш техникумини тамомлаб, Фарғона каналини қазишда иштирок этади. Шундан сўнг, Ленинград(ҳозирги Санкт-Петербург)даги транспорт институтини битириб, Москва метрополитен қурилишида муҳандис бўлиб ишлайди. Ва шу пайтда Рангли металлур институтида ўқийдиган Мухаббатхон исмли қиз билан танишиб, уйланади.

Унинг буш вақти бўлди дегунча, жингалак сочли Ҳасан-Ҳусан ва Мухаббатхоннинг суратини ички чўнтағидан олиб, меҳр билан тикилиб қўйишлари уларни жуذا ҳам шевиқидан далолат берарди. Уруш бошланиши билан Набижон

кўнгиллилар сафида фронтга жўнаган. Ўша кезларда оила-сини қўмсаган киши учун уйдан келган қат буюк бир бахт бўлиб қолган эди. Фронтда хат олиш муқофотланиш демакдир. Хатнинг мазмунини ўқийётган одамнинг кайфиятига қараб, билиш мумкин. Қўзларида севинч аламатлари, кўтаринки руҳ билан ўқийётган киши, албатта, “Мана, кўрдингизми?” дегандай атрофини бир кўзатиб, қойта ўқиб бошласа, хат оила аъзоларидан эканлиги равшан бўлади...


Мактубдаги хушхабар ҳам, шодлик ҳам, кайгу ҳам дўстлар билан ўртада эди. Чунки қайгу ҳам агар ҳеч қимга айтилмаса, юракни эзади. Мен Набижоннинг қандай хат олишидан хабардор эдим. Мухаббатхондан бошқа ҳеч қим унга хат ёзмаз эди. Мухаббатхон хатларининг бирида “Узингизни биз учун авайлаган, Сизсиз ҳаётимизни тасаввур қила олмайман”, деб ёзганди ўша кезларда. Бу хатлар унинг сўянч тоғлари, бахт-саодати эди.

Ўша пайтда биз янги келган солдатларни “танк ва техникадан кўрқиб” касаллигидан “даволаш” билан машғул эдик. Бунинг учун оқодаги солдатларнинг устидан танк юргизиб, “дазмоллаш” яхши натижа берарди. Бундан ташқари тўрт-беш гранатани бир-бирига боғлаб танк тағига ташлаш усулларини ўргатардик. Албатта, урушнинг биринчи кунлари техника кўрмаган, тажрибаси йўқ аскар жанг майдонида тажриба қилишга мажбур эди.

Шундай кунларнинг бирида қисимимизга Илья Эренбург келиб, “Красная звезда” газетасида босилган “Ўзбеклар” мақоласини менга эсталикка бериб кетди. Унинг “Сизлар ажойиб халқсизлар, йўқбеклардай кўнгли кенг инсонлар дунёнинг ҳеч қаерида йўқ”, деган сўзлари ҳамон эсимда.

1941 йилнинг декабрида биз ҳам катта ҳужумга ўтдик. Фашистларни Москвадан 400 километрга қувиб қидик. Шундай ҳурсандчилик кунда оёғимдан яраландим. Мени қим ва қандай госпиталга олиб борганини билмайман.

Тузалиб чиқганимда тошкентлик катта сержант, радист Абдураҳмонов (қабри Белорусиянинг Сож дарёси яқинида қолди) менга ёзган хатида Набижоннинг немис танкини портлаётиб халок бўлганини билдириди. У жанг олдидан парижохтир бўлиб қолган, ҳеч қим билан гаплашмас, соч-соқолини ҳам олмай қўйганди. Сабабини ҳисса, қўшнилари



етишувида устознинг ўрни беқиёс.

Мирза Тоиров ўзини битиргач, Тўхтасин Жалилов номидagi Ўзбекистон Давлат Академик халқ чолгулари оркестрига ишга юборилади. Севимли дарғонинг тоши оғир чиқди. Мирза ака Консерваторияда ҳам мураббий, ҳам чолғучи бўлиб ишлай бошлади.

“Фидоий инсон” деган сўз айнан Мирза акага ярашади. “У кишининг ҳеч қачон ҳафсаласиз, иштиёқсиз бир иш бошлаганини кўрмаганмиз”, — дейишади шогирдлари. Ростдан ҳам, Мирза ака доимо тингловчини “ўзиники” қилишга эришади. Найни ажиб бир жунун билан, катта муҳаббат билан, дил-дилдан чаладики, эшитаетган одам беихтиёр соҳир овоз билан ҳамоҳанг тебрана бошлайди.



“Ижро пайтида турмуш ташвишлари туғул, ўзингни ҳам унут, ана шундагина маҳоратинг юзага чиқади. Ана шундагина сени тинглашади. Ҳеч қачон ҳафсаласиз ишлама, ҳафсаласиз ижро тингловчини нафақат созандадан, создан ҳам бездиради”, — дейди Мирза ака шогирдларига. Кўриниши оддийгина бўлган созга мўъжизакор тараннум бағишловчи созанда ўз созини яхши билмоғи, мукамал ижрони ўрганмоғи, ва сева олмоғи лозим. Маҳоратнинг илдизи муҳаббат бўлса не ажаб.

Мирза ака Тоиров шу мўъжаз соз туфайли бутун шогирдларининг меҳрига, тингловчиларнинг эътиборига, эъзозига сазовор бўлди. Буларнинг барчасига устоз созга муҳаббати туфайли, назик деди, қадриятларимизга меҳри туфайли эришди. Мирза ака найнинг ҳар бир сифати, авж пардалари ҳақида, куйининг ижро этилиш йўллари ҳақида гаширар экан, созга меҳри, муҳаббати юз-кўзларидан сезилиб туради.

Устоз бутун “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби. Мирза аканин шогирдлари бутун найнинг навоси билан юртимизда, хорижий давлатларда инсонлар юрагига эзгулик улашмоқдалар.

Ҳақиқий ижодкор изланишдан толмайди. Санъатга умрини, ҳаётини бахшида қилади. Мирза акага умрбоқий оҳанглар, соҳир наволар ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламан.

А. Сайфуллаев,
Ўзбекистон Давлат Консерваториясининг
Дамли чолғулар кафедраси катта
ўқитувчиси



мудҳис хабар ёзишган: Муҳаббатхон ва Ҳасан-Ҳусанлар фугас бомбасининг портлашидан ҳалок бўлишган экан. Уша кўнлори немислар Москвони самолёт билан бомбардимон қилишарди...

— Дўстингиз ажайиб инсон бўлган экан, — деди ҳамроҳини халғга чўмиб.

— Набижонга ўхшаганлар кўп бўлган, Фазлиддин ака, у дўстинга охириги учрашувида “Мен энди оққушга ўхшаб қолдим”, деган экан ва оққуш ҳақидаги ривоятни айтиб берган экан. Оққушлар жуда вафодор бўлишаркан. Агар бирортаси ҳалок бўлса, иккинчиси ўзини осмондан қояга ташлаб ҳалок бўлармиш...

— Ҳа, ойласининг ҳалокати Набижонга ёмон таъсир

қилган, у ҳаётга қизиқмай кўйган. Вафодорлик — асл инсонга хос фазилат.

Берлин рейхстагини эгаллаганимизда, деворига дастлаб “Н.Усмонов” деб ёздим. Кейин ўз исмларимизни ёздик. Чунки галабада унинг ҳам хиссаси бор эди. Уруш тамом бўлганига ярим асрдан ошди. Ҳамон қузда, шундай чароғон кечаларда ўша йилларни, дўстим Набижонни эслайман. Ва албатта, оққушлар ҳақидаги ривоятни ҳам...

Гулхан бир маромда липиллаб ёнаркан, ҳаммамиз ўйга чўмгандик. Энди ҳамма эртанги овни эмас, оққушларни ўйларди, назаримда...

Гофир Жўраев

С Ў Р Ў Ш

С О В Ё А

Ишга кечкиброк келган Қайтмас Зоҳирочининг кўзи ипак тасмага ўралган нарсга тушди. Кимдир унутиб қолдирганмикин? Ҳийла вақт ўтди. Омонат эгаси келвермагач, унга яқинлиқиди. Эгаси бўлса, шу вақтгача олиб кетган бўларди. «Бу совға ўзингга эмасмикин?» шу фикр ўтди ҳайдадан. Вақт ўтгани билан шубҳага ўрин қолмади. Аммо номидан? Қайси хизмати аъзагин?

Қайтмас Зоҳирочин «совға»нинг ипак боровени оҳиста ечиб, кутубча қопқовгани кўтарди: воҳ, антиқа нарса! Ҳаворанг биллур ичида им-яшил арчалар, мигтги тоғлар орасидаги мовий қўлда оқ қўшлар сувиб юрарди. У бундай нодис нарсаларнинг қадрига етарди: «Йсаган устасига розмат, хаётидан ўтказди у. Бу юмтақлар санъат асари, муътабар ва ноҳик дидан кишиларга совға бўлса арзийдиган буюм».

Ҳойнаҳой, бу тухрфани Ганижон олиб келган бўлса керак. Қайтмас Зоҳирочин унинг ишпни чала деб, қайтарган эди. У рўтага тушганларга рози бўлмаганида, Ганижон, «Сизга аталган ақойиб совғам бор, Исидиқўлдан келтирганиман», дея ялатоқланганди. Ганижон Қайтмас Зоҳирочиннинг табиат шайъси эканлигини яхши биларди. Ўтган баҳорда Зомин тоғларига сайрга боришганда, унинг шаршарага узоқ тикилиб ўтирганайи, шу жонни маънафа деб «сула сайрга»га ҳам чиқмаганидан хабари бор эди.

«Ганижонга ҳеч ақд кирмади-кирмади-ди! Махфий бериладиган «хўли»ни стол устига қўйиб қолдириб кетадими, қовиб? Биров кўриб қўлса, янама дейди. Айниқса, Қўлбек кулоққа ўхшаганлар сезиб қолса, яна пора олади, деб оламга жар қолмашиди». У совгани олиб, тортулмага қўйди.

Бўрини сўрса кулоли кўрилади деганларидек, Ганижоннинг ўзи хонага кириб кетди. Қайтмас Зоҳирочин раҳбарлик вазифинидан тушгандан кейин ҳодимлар унинг олдига тортилмадан кириб туришларини, айримлари қўл бериб сўрашиб ўтадиган бўлишганиди. Ганижон ҳам табассум ва одоб билан олдигаги кўришиб, унга қўлсизани топширар экан, «камчиликларни тузатдим» дея ўз хонасига ўтиб кетди. Бошқа ҳеч нарса демеди. Демак, совгани унинг қолган.

Қайтмас Зоҳирочиннинг юраги яна ҳалприда бошлади. Ахир, гапнинг илдассизини айтганда, 20 йиллик раҳбарлик фаолияти даврида ҳар хил катта-кичик ҳўдьялар олган, лекин бунга ўхшаган «сирли ҳўдья»ни кўрмаган эди. Бу уни яна беэюкта язма бошлади. Тогтумдаги тухрфани авайлаб олди-ди, иш пастки қаллобнинг тўғрия яварди. Лекин бу билан унинг кўгани таскин топмади.

Унинг яна бир қишдан гумони бор. Бу ҳожаббарор Шоди шайтон эди. Унинг ишбилармонлигини, топширлигини айтмайсизми.

Ҳўтто юқоридан келган кишилар ҳам тартитба рию қилиб қабухонада навобат кириб ўтирсалар-да, у йўлини тошиб, улардан олдин кириб келарди. Гапни ҳам жойига қўярди. Хамир учидан, дея антиқа совға қолдирарди-да, дарҳол мақсадга ўтарди. Хўшмадани ҳам боилардики, унинг илтмосига рози бўлганининг ўзинг билмай қолардинг. Аммо шу толда кўганин бўлмаган бу шайтонни қардан топсин. Ҳа, айтгандай, қўйида қўймай телефон номерларини ёдиргани ёдига тушиб, мановичи тоғди-да, қўйиқоқ қилди. Овоқ эшитилганда, ҳар эҳтимолга қарши гапни узоқроқдан бошлади: «Шодийовнинг совганини сўрамоқчи эдим...»

— Вой, айланай, шайтонваччамингми? Сўраган дўстаридан ўргилмай. Худога минг марта шўқурмоқ, совғилари откед! Шу ой ичида Тоштурмадан чириб, Товоқсойга кетадиганлар...

Қайтмас Зоҳирочин трубкини қандай жойига қўйганини ўзи сезмай қолди. Уриндан туриб уюлдан баққо юра бошладик. Қалаванг учини тополомаганидан роса лиққинарса бўлди. Ҳўнутага қўла солиб сигаретасини излади, чекишни ташлагани эсига тушиб, яна тортиди. Пастки тортадаги боғия «қўйдирги»ни олди-да, ахлат идишига жойлаштириб, чиринди-ю қорозларни устига ташлаб, бекитиб қўйди. Бу ўрғида унинг бошқа гумон қилмагани кишиси қолмади. Асмада у ўлган жетлоқига, туюқларига чиқдан ҳам айрсуланган киши эди. Кейинги бир йил мобайида бирорта хўфия эки ноҳикоз ишга айланди йўқ. Ичшини ташлаган, шу рамазондан масжидга қатнашини кўнгилига тутиб ҳам қўйиб эди, нафислабвирийни айтганда, бировдан қарни ҳам йўқ, биров ундан қардор ҳам эмас. У поқланган инсон. У энди ўзига нисбатан ҳеч кимнинг ноқўйи фикрга боришга йўқ қўлимаслиги олам.

«Одилнома ўйлаб кўр, — дея у унга. — Бу қимматбаро буюмни ким менга тортиқ қилди? Ёки мени синамоқчимикан! Баки яна қўлга турилмоқчидинг... Хатоларини тан олиб, тавба-тавазару қилдим-ку. Жавосиз қоладим — раҳбарларни топширдим. Жўмао ҳам мени тушуниб, кечирди. Эндиликда барча билан бараварман. Лекин айрим шахслар олдида ҳалигача ишончасиз одам эканман-да. Йўқ, энди устимдан қуаишларига йўл қўймайман. Милциянга телефон қиламан, «пора»ни олиб кетсин, бу иш билан ўзлари шўғуланганисин».

«Қўншима, Қайтмас Зоҳирочин, — дея у яна ўзига ўзи, — сен ахир энди тўғри йўлни ташладинг. Бу йўлдан энди қайтмай! Ахир сен мулоҳазали, барин кенг қўйсан, бир чўриб етти қараганинг... Йўқ-йўқ, етти ўлаб бир кесганинг

уқун ҳам омон қолдинг. У ноҳикоз ишларини энди китиб қилма, сабр қил, ўйла, шўшмама...»

Қайтмас Зоҳирочин махфий ишларда суявқв бўлган, бир пайтлар бундай пораларни уюнга элтиб турган, ҳўйлағиши бирор бўлса-да, қўлга тушмаслиги билан собиқ шефинг ишончини оқлаган Гаёбулла чилтингчи қачиртирди. У шефингнинг уюндаги барча юмушларини ҳам бажарарди. Ўша келари ишонхонада текшир-текшир бошлангандан аввал у масъула ишдан бўшиб, бошқа жойга ўтиб кетган эди.

Чилтинг қўлалини йириқитиб кириб келди.
— Менга кимдир совға қолдирибди. Хабаринг борми?, — сўради собиқ шеф.
— Умиддан хабарим бор...
— Оғзингдан гуллама тағин.

Доймо шефта алоқдор ҳамма нарсани билган Гаёбулла бу сафар ҳеч нарсани билмасди. Унинг охириг умиди ҳам пучга чиқди.

Хонага бир тўда қизлар вижирлашиб қияришди-да, Қайтмас Зоҳирочинга ўраб олмишди. Ҳўли фикрларини бир нўстгага йиғиб улгурмаган, қизларнинг нима мақсадда келганига ақин етмай турган собиқ шеф қизларга бир-бир боқиб, табассум қиларди. Хўллас, ҳўтурчўқларнинг гапидан шу нарсани аниқлави, иш бошлангандан беш дақиқа олдин қасаба қўмитасида йиғилиш бўлиб, Ватан зўрмоқчилари куни билан ишқон-надаги барча эримқорларни қўриқлаштириб, Қайтмас собиқ шеф хонасига қирганлариди, Қайтмас Зоҳирочин йўқ эканлар, улар совгани стол устида қолдирилган экан...

Қизлар ишонхона хотин-қизларини номидан Қайтмас Зоҳирочинга байрам билан чви қалбдан табриқлашди. Эсини йиғиб олган собиқ шеф дарҳол уларга жўба қайтарди:

— Размат қилар! Совганинг ноҳикозитдан дидалингизнинг роғат ўтқирмағига тасанно айтманман. Совгани аса авайлаб сейғимга солиб қўйдим. Фақулодда ййраб кетган Қайтмас Зоҳирочин қизларга ҳўли қилди:

— Насиб ағса, Хотин-қизлар байрамиди ба яхшимқорлигини сизларнинг ҳам бурунла-тиригиздан...

Жўвоб ишонига текканидан қизлар чандон қулишди-да, ҳўтурлашиб, яна бир вумда қойиб бўлишди.

Қайтмас Зоҳирочин иш тутганга, қўла остидагилардан бирига буюрмасдан, совганинг ипак бошиқчани авайлаб ушлаб, биринчи маротаба ошқорча ифтиқор билан уюнга йўл олди.

Рауф Раҳим



Бозор. Тиқилинчада бир киши чўнтагини кавлаётган ёш болани тутиб олиб сўради:

- Бировнинг чўнтагини кавлашга уялмайсанми?
- Ўзингиз кап-катта киши бўла туриб, пуласиз юришга уялмайсизми?



— Азизим, ҳайдовчимизни бўшатиб юборайлик. Кеча у мени яна ўлдириб қўйишига сал қолди.
— У яхши бола. Кел, унга яна бир бор имконият берайлик.



Авиаҳалокат содир бўлиб, қутқарувчилар қора кутини топишди ва ундаги охириги сўзларни ўқишди "Қара, нима ишлар қўлимдан келади..."



Икки дугона суҳбатлашмоқда:

- Мен йигитим билан муносабатни уздим.
- Нима учун.
- Чунки унда камчиликлар жуда кўп эди.
- Сен унга узугини ҳам қайтиб бердингми?
- Йўқ, узукда ҳеч қандай камчилик йўқ.



Ҳамшира палатага кириб деди:

- Бемор, уйронинг... тезроқ уйғонсангиз-чи...
- Бемор уйғониб сўради:
- Нима бўлди?!
- Мен сизга уйқу дори олиб келдим.



Икки дугона:

- Кеча кўчада кетаётганимда бир киши «Жигули»сини тўхтади, мени сайрга таклиф қилди. Унинг одобсизлигини кўрмайсанми?
- Одобсиз деганинг нимаси?
- Унинг уйини кўрганингда билар эдинг.



Офицер солдатдан нима учун хизматга келгани ҳақида сўради. У бор ҳақиқатни айтишга қарор қилди:

- Биринчидан, Ватанни ҳимоя қилмоқчиман.
- Тўғри.
- Иккинчидан, хизмат мени иродали қилиб тарбиялайди.
- Тўғри.
- Учинчидан, менинг розилигимни ҳеч ким сўрамаган.



Сержант самолётда солдатларни парашютдан сакраш учун сафта тизди. Кўркүвдан титраётган бир солдатдан сўради:

- Болакай, сента нима бўлди?
- Биринчи марта сакраётганлигим учун парашютдан кўрқаяпман.
- Ундай бўлса, биринчи марта парашютсиз сакрашга рухсат бераман.



Сержант солдатларни йғиб маълумот етказмоқда:

- Келаси якшанба куни ҳарбий парад бўлади. Агар эрталаб ёмғир ёвса, парад кунинг иккинчи ярмида, агар ёмғир тушдан кейин ёвса, унда парад эрталаб бўлиб ўтади...



Военкоматда кўнғироқ жирингламоқда:

- Алло, бу военкоматми?
- Ҳа.
- Сиз кўнгилиларни қабул қиласизми?
- Ҳа, албатта.
- Сиз мени олиб кетиш учун кела оласизми?
- Ҳа, бора оламиз, қаердасиз?
- Тезроқ келинг, мен қамоқхонадаман.



Миср эҳромларида қазиш ишларини олиб боришга мўмийланган одам танасини топишди. Экспертлар мўмийланган жасада кимники эканлигини аниқлай олмасдан ички ишлар вазиридан мутахассисларни чақирди. Улар ҳамманинг чиқиб кетишини сўрашди ва ишни бошлашди. Тезда қайтиб чиқиб, дейишди:


- Аменхотел йигирма учинчи!
- Ақл бовар қилмайди! Қандай қилиб аниқладинглар?
- Ўзи тан олди.



Навбатчи қисмга кўнғироқ бўлди:

- Кечирасиз, сиз кеча бизнинг манзилга наряд юборган эдингизми?
- Ҳа, у жойда жамоат тартиби бузилган экан.
- Сиздан илтимос, ўша нарядда келганларга айтиб қўйсангиз, бир кириб ўтишса. Улар бу ерда бош кийим ва пистолетларини қолдириб кетишибди. Бир йўла расмларини ҳам олиб кетишади. Расмлар чиройли ва кулли чиққан.





Рассом
Нодира Орипова ижодидан

men. 4605 α

Մյուշեղան: Ժամանակակից հարսնացուկներ - 820
Մյուշեղան: Ժամանակակից հարսնացուկներ - 806

Մյուշեղան: Ժամանակակից հարսնացուկներ